

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ



«ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ» ФАКУЛЬТЕТИ

«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ»
КАФЕДРАСИ

«ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР» ФАНИ БЎЙИЧА АМАЛИЙ
МАШҒУЛОТЛАР ЎТКАЗИШ УЧУН
УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

АНДИЖОН - 2013

**Фаннинг амалий машғулотлар ўтказиш бўйича услубий қўлланмалар
АҚХИ ўқув-услубий кенгашининг 2013 йил “ ”_ даги “ _”.-
сон мажлис баёни билан маъқулланган.**

Тузувчилар:

Иминов Т.Н. - Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси
катта ўқитувчиси.

Ёқубов Т.Ғ- Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси
ассистенти.

Тақризчилар:

**О.Махмудов «Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва
бошқарув»**

кафедрасининг доценти, и.ф.н.

М.Хожиев “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит ”

кафедрасининг мудири, и.ф.н.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовни Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 февралдаги мажлисида сўзлаган маърузасидан ва 29.02.2008 йилда қабул қилинган **“Ёшлар йили” Давлат Дастури** тўғрисидаги Қароридан келиб чиққан ҳолда таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, мустақил фикрлайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган ёшларни тарбиялашга ҳисса қўшиш мақсадида ушбу услубий кўрсатма тузилди.

Ушбу амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қонунлари ҳам, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли қарорига ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февраль 34-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Талаба амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма” асосида ишлаб чиқилган ва Андижон қишлоқ хўжалик институтида, шунингдек, “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув” кафедрасида ҳам талабалар амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмаларни белгилайди.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек “2012-йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар эканмиз, бунинг боиси ва омилини авваламбор иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида, деб ҳисоблашимиз зарур.

Ўтган 2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011-йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир”

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ишчи ўқув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг ажралмас қисми бўлиб, у услубий ва ахборот ресурслари жиҳатидан таъминланади ҳамда бажарилиши талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими Низоми талаблари асосида назорат қилинади.

«Хорижий инвестициялар» фани бўйича амалий машғулотлар умумий ҳажми 5230100 – “Иқтисодиёт(Қишлоқ хўжалиги)” бакалавриат йўналишида 56 соатни ташкил этади.

Ўқув семестри якунида талабанинг амалий машғулотлар бўйича тўплаган рейтинг баллари ҳар бир фан бўйича аудиториядаги ўқув ишларига берилган рейтинг баллари билан биргаликда гуруҳ рейтинг қайдномасида, талабанинг рейтинг дафтарчасида ва ўқиш кунда иниститут битирувчисига тақдим этиладиган битирув малакавий иши иловасида қайд этилади.

«Хорижий инвестициялар» фани бўйича амалий машғулотларнинг мақсад ва вазифалари:

Амалий машғулотларнинг асосий мақсади - кафедра профессор-ўқитувчиларининг бевосита раҳбарлиги ва назорати остида талабаларни семестр давомида фанларни узлуксиз ўрганишини ташкил этиш, олинган билим, кўникмаларини чуқур ўрганиб мустаҳкамлаш, келгусидаги дарсларга тайёргарлик кўриш, ақлий меҳнат маданиятини, янги билимларни мустақил равишда ишлаб топиш ва қабул қилишини шакллантириш ҳамда ушбу тариқа институтда рақобатбардош кадрларни тайёрлашга эришишдан иборат.

Амалий машғулотларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- талабаларни амалий машғулотларни ташкил қилишда, профессор-ўқитувчилар томонидан ягона услубий ёндошиш бўйича шароит яратиш;
- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- зарур маълумотларни излаб топиш учун қулай усулларни ва воситаларни аниқлаш;
- ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;
- электрон ўқув ва илмий адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- ИНТЕРНЕТ тармоғидан мақсадли фойдаланиш;
- берилган топшириқнинг оқилона ечимини аниқлаш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш;
- ишлаб чиқарилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар даврасида ҳимоя қилиш;
- талабаларда ўқув, илмий-тадқиқот ва амалий ишлар бўйича мустақил кўникмаларни шакллантиришга кўмаклашиш;
- талаба шахсини баркамол ривожланиши учун шарт шароитлар яратиш.

Амалий машғулотларнинг ташкилий шакллари:

- амалий машғулотларни ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:
- айрим назарий мавзуларни турли хил ўқув адабиётлар ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш (кейс-стадилар орқали);
- факультативлар ва махсус семинарлар ишларида иштирок этиш;
- кафедра илмий ҳамда илмий-услубий ишларида иштирок этиш ва ҳоказолар.

Ўқиётган фаннинг хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, амалий машғулотларни ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

«Хорижий инвестициялар» фани бўйича ўқув ва ишчи ўқув дастурларида амалий машғулотларнинг шакли, мазмуни ва ҳажми ифода этилади.

Амалий машғулотлар учун ажратилган вақт бюджетига мос равишда университетда ўтиладиган ҳар бир фан бўйича тегишли кафедраларда амалий машғулотларнинг ташкилий шакллари ишлаб чиқиладиган ва улар факультет илмий - услубий кенгашида тасдиқланади.

Талабалар амалий машғулотларни бажариш учун ҳар бир фан бўйича тегишли ўқитувчилар томонидан зарурий услубий қўлланма, кўрсатма ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиладиган ва улар факультет илмий - услубий кенгашида тасдиқланади.

Кафедрада талабалар амалий машғулотларини ташкил этишни профессор-ўқитувчилари амалга оширади.

Амалий машғулотларнинг ахборот таъминоти:

Талаба учун **“Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув”** кафедраси бўйича амалий машғулотлар топшириқлари кафедра профессори (ёки етакчи доценти) томонидан ўқув машғулотларини бевосита олиб боровчи ўқитувчи билан биргаликда тузилади ҳамда кафедра мудири томонидан тасдиқланади.

Амалий машғулотларни бажариш учун талабага ахборот манбаси сифатида дарслик ва ўқув қўлланмалар, услубий қўлланма ва кўрсатмалар, маълумотлар тўплами ва банки, илмий ва оммавий даврий нашрлар, Интернет тармоғидан тегишли маълумотлар, берилган мавзу бўйича аввал бажарилган ишлар банки ва бошқалар хизмат қилади.

“Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув” кафедраси мудири амалий машғулотларни бажарилиши учун зарурий моддий-техник базасини яратади, ҳамда ахборот манбалари ва воситалари билан таъминлайди, талабаларга турли кутубхоналар, ишлаб чиқишдаги тармоқ муассасалари ва корхоналардан мустақил иш учун зарурий маълумотлар тўплаш юзасидан сўровнома хатларини расмийлаштириб беради.

Институт раҳбарияти томонидан талабаларга амалий машғулотларни ўз вақтида бажариш учун амалдаги меъёрлар асосида жиҳозланган ўқув залига эга бўлган АРМ, услубий кабинетлар, аудиториялар, етарли компьютер техникасига эга бўлган синфлари ва Интернет тармоғидан самарали фойдаланиш учун шарт – шароитлар яратиб берилади.

Амалий машғулотларни назорат қилиш ва баҳолаш.

Амалий машғулотларни назорат қилиш кафедрада ишлаб чиқилган жадвал ва фаннинг технология картаси асосида олиб боровчи профессор – ўқитувчилар томонидан амалга оширилади.

Амалий машғулотлар муайян фан ишчи дастурда ажратилган соатларга мос рейтинг баллари билан баҳоланади ва натижада фан бўйича талабанинг умумий рейтингига киритилади.

Талабанинг рейтинг кўрсаткичлари, шу жумладан амалий машғулотлари бўйича факультетнинг анъанавий гуруҳ рейтинги ойнасида ёки махсус электрон тармоғида ёритиб берилади.

Фанлар кесимида талабаларнинг амалий машғулотлари бўйича ўзлаштириш мунтазам равишда талабалар гуруҳларида, кафедра йиғилишлари ва факультет Илмий кенгашлари муҳокама этиб борилади.

**«ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР» ФАНИ МАВЗУЛАРИ БЎЙИЧА
БАЖАРИЛАДИГАН АМАЛИЙ МАШЎУЛОТЛАР ШАКЛИ ВА ҲАЖМИ**

№	Амалий машғулот мавзулари	Соати	Амалий машғулотларни ўтишда педагогик технологияларни қўллаш
1.	Хорижий инвестициялар ҳақида тушунча ва унинг моҳияти.	4	Тақдимот услуги, Эссе
2.	Хорижий инвестицияларнинг шакл ва турлари.	4	Амалий, тезкор блиц-сўров услуги
3.	Глобаллашув ҳамда иқтисодий интеграцияллашувнинг кучайиб боришида инвестиция жараёнлари.	4	Т-схема техникаси, блиц-ўйин услуги
4.	Хорижий инвесторлар ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари.	4	Амалиёт, Ақлий ҳужум услуги, савол- жавоб, мунозара, тақдимот
5.	Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг илмий - услубий асослари.	4	Муаммоли услуги, фронтал, гуруҳларда ишлаш, тушунчалар таҳлили услуги
6.	Хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришнинг замонавий шакл ва усуллари.	4	Ақлий ҳужум, суҳбат, Баҳс- мунозара услуги, конверт техникаси.
7.	Хорижий инвесторлар учун Ўзбекистон иқтисодиётини жалб қилувчилигини оширишнинг асосий йўналишлари	4	Ақлий ҳужум, Баҳс- мунозара услуги,
8.	Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни хорижий инвестициялар ёрдамида ривожлантириш.	4	Амалиёт, нима учун техникаси, баҳс мунозара.
9.	Хорижий инвестицияларни суғурталаш ва таваккалчилик	4	Баҳс-мунозара услуги, конференция услуги, "Кооп- кооп" (биргаликда

			ўқиймиз)техникаси
10.	Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш	6	Пинборд техникаси,Муаммоли усул,тезкор сўров
11.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка хорижий инвестицияларни жалб этиш.	6	Баҳс-мунозара услуги,БББ-жадвали
12.	Эркин иқтисодий ҳудудлар.	4	Баҳс-мунозара услуги, конференция услуги
13.	Халқаро солиқ муносабатлари	4	Баҳс-мунозара услуги, конференция услуги
	Жами	56	

Амалий машғулотлар

1-Амалий машғулот. Мавзу: Хорижий инвестициялар ҳақида тушунча ва унинг моҳияти. (4 соат)

1 – қисм (2 соат).

1). Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. Инвестициялар.
2. Инвестицион фаолият.
3. Инвестор.
4. Реинвестициялар.
5. Инвестиция ресурслари.
6. Инвестицион фаолият объектлари.
7. Инвестицион фаолият субъектлари.
8. Хорижий инвестициялар.
9. Хорижий шериклар.
10. Инвестиция фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинган сана.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. 1998 йил 24 декабр.
2. Пул ва бошқа молиявий маблағлар; кўчадиган ва кўчмас мол-мулк ҳамда уларга оид ҳуқуқлар; интеллектуал мулк объектлари; ерга ва бошқа табиий ресурсларга, биналарга, иншоотларга, ускуналарга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи; қонундаги бошқа бойликлар.
3. Моддий ва номоддий неъматлар.
4. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари; маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органлари; хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва хорижий юридик шахслар, фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшовчи фуқаролари; ҳамкорликда инвестиция фаолиятини бажарадиган юридик, жисмоний шахслар, давлатлар ва халқаро ташкилотлар.
5. Хорижий инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини ва қонунга кўра бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, интеллектуал мулкка оид ҳуқуқлар, ушбу инвестициялардан олинган ҳар қандай даромадга айтилади.
6. Ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларни, мулк бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни инвестициялашни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъектидир.
7. Чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари; давлатлараро битимлар ёки халқаро ташкилотлар; чет эл давлатларининг юридик шахслари, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар; чет эл давлат фуқаролари бўлган жисмоний

шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

8. Иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлардир.

9. Инвестиция фаолияти субъектларини инвестицияларни амалга ошириш бўйича ҳаракатлари йиғиндиси.

10. Инвесторнинг фаолияти натижасида олинган фойдани (даромадни) муомалага киритиш.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

2) Қуйидаги жавобларни тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқланг:

1. Чет эл инвестициялари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган бўлиб, 22 та моддадан иборат.

2. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган бўлиб, 13 та моддадан иборат.

3. Инвестиция фаолияти жараёнида маҳсулотлар, ишлар, хизматлар баҳоси танлов (тендер) савдоси натижаларига кўра харид нархларда белгиланади.

4. Инвестициялар ва инвесторларнинг бошқа активлари давлат мулкига айлантирилади.

5. 2012 йилда иқтисодиётни ривожлантиришда ЯИМда инвестициялар улуши 22,9 фоизни ташкил этди.

6. Ҳозирги 2013 йилда умумий қиймати 664,6 млрд АҚШ доллар ҳажмида халқаро ташкилотлар, молия институтлари маблағлари ва грантлар жалб этилади.

7. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг чет эл валютасидаги барча харажатлари улардан ўз валюта тушумлари ҳисобига, шунингдек, давлат бюджети маблағлари ҳисобига таъминланиши мумкин.

8. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар қонун асосида экспорт-импорт операцияларини мустақил равишда амалга оширади.

9. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотни лицензиясиз импорт қилишга ҳақли.

10. 2012 йилдан буён дунёда лойиҳавий молиялаштириш асосида умумий қиймати 382 млрд АҚШ долларга тенг бўлган тўққиз юздан зиёд лойиҳа амалга оширилмоқда.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

3) Қуйидаги тестларни ишланг:

1. Инвестиция ресурслари қуйидагилардан қайси бирида тўғри келтирилган?

А) пул ва бошқа моддий ресурслар, қонундаги бошқа бойликлар

В) кўчадиган ва кўчмас мулк ҳамда уларга оид ҳуқуқлар

С) ерга ва бошқа табиий ресурсларга, биноларга, иншоотларга, ускуналарга эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқи

Д) барча жавоблар тўғри.

2. Хорижий инвестицияларга асосан қуйидаги қайси гуруҳ омиллар таъсир кўрсатади?

А) иқтисодий, глобал

В) иқтисодий, ижтимоий

С) ижтимоий, сиёсий

Д) иқтисодий, сиёсий.

3. Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва инвестиция фаолияти тараққиётини таъминлаш нимани барпо этишни талаб қилади ?

- А) тинчлик ва барқарорликни
- В) табиий ресурслар ва арзон ишчи кучини мавжудлигини
- С) қулай инвестиция муҳитини
- Д) барча жавоблар тўғри.

4. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижалари бўйича қандай ҳуқуқларга эга

- А) эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш
- В) фақат эгалик қилиш ва фойдаланиш
- С) эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага бериш
- Д) фақат эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага бериш.

5. Инвестициялаш бўйича қарор қабул қилишни қандай омиллар мураккаблаштиради?

- А) инвестиция тури, инвестиция лойиҳаси қиймати
- В) инвестициялашга йўналтириш мумкин бўлган молиявий ресурсларнинг чегараланганлик даражаси
- С) қарорни қабул қилиш билан боғлиқ таваккалчилик даражаси, амалга ошириш мумкин бўлган лойиҳалар сони ва бошқалар
- Д) барча жавоблар тўғри.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5
Ж					
В/?					

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинг:

$$P_a = T_{\text{ж}} / Ж_{\text{ст}} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

2 – қисм (2 соат).

1). Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. Чет эл инвестициялари иштирокидаги фаолиятни маблағ билан таъминлаш асослари.
2. Капитал инвестициялар.
3. Инновация инвестициялари.
4. Ижтимоий инвестициялар.
5. Реал инвестициялар.
6. Молиявий инвестициялар.
7. Инвестиция фаолияти жараёнида нархни белгиланиши.
8. Иқтисодиётни ривожлантириш учун сарфланадиган инвестициялар манбалари.
9. Марказлашган инвестициялар.
10. Марказлашмаган инвестициялар.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. Инсон салоҳиятини, малакасини ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга сарфланадиган инвестициялар.
2. Қимматли қоғоз (акция, облигация, вексел, сертификат) ларни шакллантиришга сарфланадиган инвестициялардир.
3. Корхоналар маблағлари, аҳоли маблағлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағларидан иборат инвестициялар.

4. Маҳсулотлар, ишлар, хизматлар танлов (тендер) савдоси натижаларига кўра келишилган ҳолда белгиланади.
5. Бюджет маблағлари, нобюджет фондлари маблағлари, хорижий инвестициялар ва ҳукумат кафолати асосидаги кредитларидан ташкил бўладиган инвестициялар.
6. Марказлашган, марказлашмаган.
7. Ўз валюта тушумлари, шунингдек, чет эл валютасини олишнинг бошқа манбалари.
8. Техника ва технологияларнинг янги авлодини яратиш ва ўзлаштиришга сарфланадиган инвестициялар.
9. Асосий фондларни барпо этишга, такрор ишлаб чиқаришга ва моддий ишлаб чиқаришнинг барча шакллари ривожланишига сарфланадиган инвестициялар.
10. Моддийлашган ва айланма воситаларга сарфланадиган инвестициялар.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

2) Қуйидаги жавобларни тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқланг:

1. Янги техника ва технологияларнинг авлодини яратиш ва ўзлаштиришга сарфланадиган инвестициялар инновацион инвестициялар ҳисобланади.
2. Моддийлашган ва айланма воситаларга сарфланадиган инвестициялар молиявий инвестицияларга киритилади.
3. Қимматли қоғозларни шакллантиришга сарфланадиган маблағлар капитал инвестициялар бўлиб ҳисобланади.
4. Инвестицион фаолият субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш бўйича ҳаракатлари йиғиндиси инвестицион фаолиятни ташкил этади.
5. Инвесторнинг фаолияти натижасида олинган фойда (даромад)ни муомалага киритилишига реинвестициялар деб юритилади.
6. “Инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан 6 хил инвестиция ресурслари келтирилган.
7. Моддий, номоддий неъматлар ва уларга доир ҳуқуқлар инвестиция фаолияти объектларидир.
8. 2013йилда иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилинадиган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 3 млрд 16,7 млн АҚШ доллари миқдорида, шундан давлат дастури доирасида 3млрд.233.8 миллион доллар, ҳудудий инвестиция дастури доирасида 490,0млн.доллар ни, хорижий инвестицияларнинг 2млрд.180,2млн.ёки 72%ни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.
9. 2013 йилда Ўзбекистон Инвестиция дастурини амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тобора муҳим ўрин тутмоқда. 2013 йилда жамғарма ҳисобидан 780 млн АҚШ доллари миқдоридаги 34 тадан ортиқ муҳим лойиха биринчи навбатда хорижий инвесторлар билан барпо этилаётган объектларни молилаштириш режалаштирилган.
10. 2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370дан ортиқ стратегик муҳим лойихаларни амалга ошириш кўзда тутилган, Инвестиция дастурида ажратиладиган 13млрд. доллар маблағнинг 75 % ига яқини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилган бўлиб, ички манбаалар ҳисобидан, қолган қисмини жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

3) Қуйидаги тестларни ишланг:

1. Инвестициялар мақсад ва вазифаларига кўра 3 турга бўлинади, улар қуйидагилардан қайси бирида тўғри келтирилган?

- А) капитал, инновация, ижтимоий
- В) инновация, ижтимоий, молиявий
- С) капитал, ижтимоий, реал
- Д) капитал, инновация, молиявий.

2. Инвестициялар фаолиятига кўра неча турга бўлинади?

- А) 4 та
- В) 2 та
- С) 8 та
- Д) 6 та.

3. Асосий капиталга инвестициялар қуйидагилар:

- А) бюджетдан, нобюджет
- В) ички, ташқи
- С) марказлашган, марказлашмаган
- Д) миллий, хорижий.

4. Инвестор – бу

- А) ўз маблағларини, қарзга олинган маблағларни ва жалб этилган маблағларни инвестициялашни амалга оширувчидир
- В) мулкый бойликларни инвестициялашни амалга оширувчидир
- С) ўз, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларга, мулкый бойликларга доир ҳуқуқларни инвестициялашни амалга оширувчидир.
- Д) барча жавоблар тўғри.

5. 2012 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ капитал қўйилмалар ялпи ички маҳсулотнинг неча фоизини ташкил қилди.

- А) 20 %
- В) 28,9 %
- С) 40 %
- Д) 50 %.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5
Ж					
В/?					

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинг:

$$P_a = T_{\text{ж}} / Ж_{\text{ст}} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1,3,4,5,6,7,8,9.

Қ-1,2,3,4,5,7,14,15.

Уй вазифаси:

1. Инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбалари.
2. Хорижий инвестицияларни экспорти ва импорти.

.

2-Амалий машғулот. Мавзу: Хорижий инвестицияларнинг шакл ва турлари.
(4 соат)

1 – қисм (2 соат).

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестицияларни амалга оширишнинг мавжуд шакллари.
2. Молиявий инвестициялар.
3. Моддий инвестициялар.
4. Интеллектуал инвестициялар.
5. Инвестиция фаолияти субъектлари.
6. Инвестиция фаолияти объектлари.
7. Инвестиция киритиш таъқиқланадиган объектлар.
8. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар.
9. Инвесторлар қонунга мувофиқ бажариши мумкин бўлган вазифалар.
10. Инвестиция шакллари тўғрисида тушунча.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари-фуқоролари (жисмоний шахслар), юридик шахслари; маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органлари; хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва хорижий юридик шахслар ҳамда фуқаролар, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшайдиган фуқаролари; ҳамкорликда инвестиция фаолиятини олиб бораётган юридик ва жисмоний шахслар, давлат ва халқаро ташкилотлар.
2. Санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талабларга жавоб бермайдиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун манфаатларини бузадиган объектлар.
3. Буюртмачи (маблағ киритувчи), кредитор, сотиб олувчи, инвестиция фаолияти иштирокчиси.
4. Моддий ва номоддий нематлар.
5. Бу инвестиция кўринишлари бўлиб, инвестицияларни кўриниши мумкин бўлган томонларини ўзида акс эттиради.
6. Ўзбекистондаги юридик ёки жисмоний шахслар билан биргаликда ташкил этилган ҳўжалик жамияти ва ширкатларнинг, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг низом жамғармаларида ҳамда бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш; хорижий инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган ҳўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш; мол-мулк, акция ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш; интеллектуал мулкга ҳуқуқлар киритиш; концессиялар олиш; савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, тураржой биноларига улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилиш ва уларнинг фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш.
7. Асосий фондлар яъни бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, коммуникациялар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисмларидан иборат инвестициялар.
8. Акциялар (улушлар, пайлар) нинг ёки Низом жамғармасининг камида 50% ни чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар.
9. Мулккий ҳуқуқлар ва улардан фойдаланишни сотиб олиш кўринишидаги инвестициялар.
10. Хорижий инвесторларнинг пул маблағлари, банкдаги қимматли қоғозлар ҳамда уларга тенглаштирилган бойликлардан иборат инвестициялар.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

Мавзуга оид қўшимча маълумот

Халқаро капитал миграциясининг таснифланиши.

Тасниф мезони	Шакллари
Келиб чиқиш манбаларига кўра	- Давлат - Хусусий - Халқаро - Аралаш
Четга чиқариш шакли бўйича	- Пул - Товар
Фойдаланиш хусусиятига кўра	- Тадбиркорлик - Ссуда
Мақсадига кўра	- Тўғридан-тўғри - Портфель - Халқаро қарзлар - Банк депозитлари
Субъектлар бўйича	- Макродаража - Микродаража
Муддатига кўра	- Ўта қисқа муддатли (3 ойгача) - Қисқа муддатли (1 йилгача) - Ўрта муддатли (1 йилдан 5 - 7 йилгача) - Узоқ муддатли (5 -7 йилдан 40 -45 йилгача)
Оқимлар йўналишлари бўйича	- Товарлар ва хизматлар олди-сотдисига валюта-кредит ва ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш - Асосий ва айланма капиталга хорижий инвестициялар - Қимматли қоғозлар ва турли молиявий инструментлар билан операциялар - Валюта операциялари - ЯИМ бир қисмининг ривожланаётган мамлакатларга ёрдам ва давлатларнинг халқаро ташкилотларга бадаллари шаклида бюджет орқали қайта тақсимланиши

2) Қуйидаги жавобларни тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқланг:

1. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг 7-хил шакли мавжуд, яъни молиявий активларни сотиб олиш, 100% мол-мулк хорижий инвесторга тегишли бўлган хорижий корхоналарни ташкил этиш, Консесция ва лизинг шартномаларини амалга ошириш, Тендерлар эълон қилиш,ва бошқалар.
2. Муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат наъмуналари, фирма номлари, ишчанлик нуфузи интеллектуал мулкга киради.
3. ”Чет эл инвесторлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 1998 йил 30 апрел-да қабул қилиниб, 13 моддадан иборат.

4. Хорижий инвестицияларни бирламчи ёки такроран амалга оширилаётган шакллариининг ўзгартирилиши уларнинг инвестиция сифатидаги моҳияти ўзгаришига олиб келади.
5. Хорижий инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширишлари мумкин.
6. Инвестиция фаолияти субъектлари 4 та гуруҳга бўлинади.
7. Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва инвестицияга оид қонунлар таҳлилидан келиб чиқиб хорижий инвестицияларни шартла равишда 4 турга ажратилади.
8. Мол-мулк, акция ва бошқа қимматли қўғозларни сотиб олиш хорижий инвестициялар шаклларида бири бўлиб ҳисобланади.
9. Интеллектуал мулкга ҳуқуқларни киритилиши хорижий инвестициялар шаклларида бўла олмайди.
10. Мулкӣ ҳуқуқлар ва улардан фойдаланишни сотиб олиш кўришидаги инвестициялар интеллектуал инвестициялар бўла олади

3) Қуйидаги тестларни ишланг:

1. Мўлжалланган объектга кўра инвестициялар 3 турга бўлинади, булар.....

- А) моддий, молиявий, реал
- В) капитал, инновация, ижтимоий
- С) маҳаллий, хорижий, ҳамкорликдаги
- Д) асосий, иккинчи даражали, қўшимча.

2. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг неча хил шакли мавжуд?

- А) 7 хил
- В) 8 хил
- С) 10 хил
- Д) 12 хил.

3. Мамлакатимизда хорижий инвестиция иштирокидаги корхона бўлишлиги учун Низом жамғармасининг неча фоизи чет эл инвестициялари ташкил қилиши лозим?

- А) камида 30 % и
- В) кўпи билан 30 % и
- С) кўпи билан 50 % и
- Д) камида 50 % и.

4. “Инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунуни қачон қабул қилинган ва неча моддадан иборат?

- А) 1998 йил 30 апрел, 28 та модда
- В) 1998 йил 30 апрел, 13 та модда
- С) 1998 йил 24 декабр, 28 та модда
- Д) тўғри жавоб йўқ.

5. Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва инвестицияга оид қабул қилинган қонунлар таҳлилидан келиб чиқиб хорижий инвестицияларни шартли равишда неча турга ажратилиши мумкин?

- А) 2 та
- В) 5 та
- С) 3 та
- Д) 4та.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5
Ж					
В/?					

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинг:

$$P_a = T_{\text{ж}} / \text{Ж}_{\text{ст}} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

**А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.
Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.**

2 – қисм (2 соат).

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. Концессия шартномалари.
2. Концессияларга йўл қўйиладиган фаолиятнинг соҳалари ва турлари.
3. Хорижий инвесторларга концессиялар бериш тартиби.
4. Марказлашмаган инвестициялар манбалари.
5. Марказлашган инвестициялар манбалари.
6. Акция.
7. Имтиёзли акциялар.
8. Оддий акциялар.
9. Облигация.
10. Ўзбекистон Республикасидаги қонунга биноан мулк шакллари.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. Корхонамаблағлари, аҳоли маблағлари, тшғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари.
2. Эгаларига қатъий фоииз устамаси бўйича олдиндан белгиланган даромадни олиш ҳуқуқини берадиган қимматбаҳо қоғоз.
3. Ҳиссадорлар жамияти шаклида фаолият кўрсатадиган корхона капиталида улуши борлигини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоз.
4. Қимматбаҳо қоғоз турларидан бири бўлиб, овоз бериш ҳуқуқини таъминлайди, бироқ, дивиденд олиш кафиллигини бермайди.
5. Агар улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бўлса ва тузиладиган концессия шартномаларининг мақсадларига жавоб берса, фаолиятнинг барча соҳалари ва турларига.
6. Қимматбаҳо қоғозларинг бир тури бўлиб, корхона оладиган фойданинг миқдорига қарамасдан дивиденд олиш ҳуқуқига кафолат беради, лекин, овозга эга бўлмайди.
7. Хусусий ҳамда шахсий; жамоа; давлат; бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар, юридик ҳамда жисмоний шахслар; аралаш.
8. Бюджет маблағлари, нобюджет фондлари маблағлари, хорижий инвестициялар ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар.
9. Табiiй ресурсларни қидириш, қазиб олиш ва улардан фойдаланиш ҳамда бошқа хўжалик фаолиятини юритиш учун рухсат берадиган шартномалардир.
10. Хорижий инвесторлар Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг ваколатли органлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда концессия шартномаларини амалга оширади.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

Мавзуга оид қўшимча маълумот

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар



Инвесторга инвестиция киритилаётган объект устидан назорат қилиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришга сарфланган узоқ муддатли хорижий қўйилмалар

Асосий хусусияти

Пировард мақсади фойда кўринишида даромад олишга қаратилган тадбиркорлик капиталининг устувор шакли

Кенг тарқалган шакли

Хусусий капиталга асосланган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

Амалга ошириш асослари

- а) хорижий инвесторнинг инвестиция киритилаётган объект устидан тўлиқ эгалик қилиши;
- б) хорижий инвестор томонидан инвестиция киритилаётган объекти устав капиталининг 10% дан кам бўлмаган қисми устидан назорат ўрнатиши;
- в) хорижий инвесторнинг инвестиция киритилаётган объектлари бошқаришда самарали катнашиши.

2) Қуйидаги жавобларни тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқланг:

1. Хорижий инвестициялар халқ хўжалиги тармоқлари иқтисодига жалб этилган тақдирда бу тармоқлар босқичма-босқич ривожлана олмайди.
2. Бозор иқтисоди ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатадики, улар ўз иқтисодини юксалтириш жараёнида, албатта, у ёки бу турдаги хорижий инвестициялардан фойдаланган.
3. Ҳар қандай хорижий сармоядор қўшма корхона ташкил қилишдан олдин бу тадбир унинг учун қандай ва қанча иқтисодий, ижтимоий самара беришини таҳлил қилиб кўради.
4. Жаҳон тажрибасига кўра, қулай инвестиция иқлимини шакллантирмаса ҳам хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этса бўлади.
5. Ҳар бир мамлакат ўз тараққиети хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда самарадорлик, ишлаб чиқаришни ўстириш, даромадларни тақсимлаш, бозорларга кириб бориш ва бошқаларга қараб хорижий инвестициялашни ўзи мустақил белгилайди.
6. Хорижий инвестициялар ички инвестициялардан фарқли равишда ташқи молиялаштириш манбаига эга.
7. Хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳеч қандай фарқлар ажратилмайди.
8. Хорижий капитални жалб қилишнинг ҳамма шакллари ҳам молиялаштиришнинг ташқи манбаи бўлмаслиги мумкин. Бу биринчи навбатда, фоиз тўловлари билан қайтаришни талаб этадиган чет эл кредитлари ва қарзларига тааллуқли.
9. Ҳозирги кунда республикамізда қўшма корхоналар ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш кенг тарқалган шаклларида бири.

10. Ўзбекистонда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ташкил этилиши мумкин эмас.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

3) Қуйидаги тестларни ишланг:

1. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қачон қабул қилинган ва неча моддадан иборат?

- А) 1998 йил 30 апрел, 13та
- В) 1998 йил 30 апрел, 28 та
- С) 1998 йил 24 декабр, 22 та
- Д) тўғри жавоб йўқ.

2. Ўзбекистон Республикасидаги қонунга биноан неча хил мулк шакллари мавжуд?

- А) 3 хил
- В) 4 хил
- С) 5 хил
- Д) 6 хил.

3. Хусусий мулк тўғрисида тушунча.

- А) давлат мулкидан ташқари барча мулклардир
- В) айрим соҳибкорларга қарашли ёлланма меҳнатга асосланган ва ўз эгасига фойда келтирувчи мулкдир
- С) жамият мулкчилиги шаклларида бирийдир
- Д) аниқ шахсга қарашли ёлланма меҳнатга асосланган ва ўз эгасига фойда келтирувчи мулкдир.

4. Хусусий инвестициялар – бу

- А) турли хил хусусий корхона ва ташкилотлар, фирмалар томонидан бирор бир фаолиятга фойда олиш мақсадида жойлаштирадиган инвестициялардир
- В) тадбиркорлар томонидан бирор бир фаолиятга фойда олиш мақсадида жойлаштирадиган инвестициялардир
- С) аҳоли томонидан бирор бир фаолиятга фойда олиш мақсадида жойлаштирадиган инвестициялардир
- Д) барча жавоблар тўғри.

5. Акциялар неча турга ажратилади?

- А) 2 та
- В) 5 та
- С) 3 та
- Д) 4та.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5
Ж					
В/?					

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинг:

$$P_a = T_{\text{ж}} / \text{Ж}_{\text{ст}} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1,3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

Уй вазифаси:

1. Бевосита хорижий инвестициялар.
2. Портфелли хорижий инвестициялар

3-Амалий машғулот. Мавзу: Глобаллашув ва иқтисодий интеграциялашувнинг кучайиб боришида инвестиция жараёнлари. (4 соат)

1 – қисм (2 соат).

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. Инвестиция соҳасидаги глобаллашув.
2. Инвестиция соҳасида глобаллашувнинг асосий мезонлари.
3. Инвестиция соҳасида глобаллашувнинг асосий сабаби.
4. Иқтисодий интеграция.
5. Глобаллашув ва иқтисодий интеграциянинг асосий кўринишлари.
6. Киото протоколи ва унинг моҳияти
7. Мусаффо ривожланиш механизми
7. Иқтисодий иттифок.
8. Эркин савдо ва эркин иқтисодий ҳудудлар.
9. Давлат инвестициялари тўғрисида тушунча.
10. Ташки иқтисодий сиёсат.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. Жаҳон ҳўжалигининг ХХИ аср саноат бозор иқтисодиёти босқичига ҳос бўлган экстенсив ривожланишдан интенсив ривожланишга ўтказишдир.
2. Бу миллий жорий ва стратегик мақсадларга мувофиқ ташки иқтисодий муносабатлар соҳасида давлат идоралари томонидан амалга ошириладиган чора – тадбирлар мажмуасидир.
3. Бу шундай ҳудудки, унинг доирасида божхона ва миқдорий чекловлардан ҳоли савдо ҳамда иқтисодий муносабатлар тартибига риоя қилинади.
4. Шу давлатнинг давлат бюджети ва маҳаллий бюджет шаклидаги маблағларнинг бир қисmini ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ва иқтисодий ўсишни таъминлаш учун жойлаштириш тушунилади.
5. Ишлаб чиқариш омилларининг миллий чегаралар орқали эркин кириб ўтиши таъминланадиган иқтисодий интеграция кўринишидир.
6. Ушбу муаммони оламшумул аҳамият касб этиши; инсонлар ҳаётининг барча соҳаларига таалуклилиги; муаммони ҳал этишда кўпчилик давлатларнинг биргаликда ҳаракат қилишининг зарурлиги.
7. Иқтисодий интеграциянинг олий кўриниши бўлиб, умумий ҳукукий меъёрлар, солиқ базасининг соддалаштирилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ягона стандартларни жорий этилиши, ягона валютага ўтилиши кабилар билан тавсифланади.
8. Умумий бозор, иқтисодий иттифок, эркин савдо ва эркин иқтисодий ҳудудлар.
9. Ҳудудий миқёсда сифат жиҳатидан янги иқтисодий муҳитни яратиш йўли билан миллий ҳўжалик мажмуаларини ўзаро яқинлаштириш ва бир-бирига кириб бориш жараёнидир.
10. Бу миллий ҳўжалик фаолиятига инвестицияларни жалб қилишни қўллаб ҳудудларга тарқалиши ва йириклашиб боришидир.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

Худудий, иқтисодий ва интеграцион бирлашмалар ишлаб чиқариш натижалари ва омилларининг худудлараро бир давлатдан бошқа давлатга ўтиш жараёнида бир бирига энгиллик ёки преференция яратиш мақсадида давлатларнинг ўзаро келишувлари. Ушбу келишувлар миллий ва давлатлараро ташкилотлар томонидан бошқарилади (Масалан, Европа Иттифоқи, НАФТА, АСЕАН, ЕврАЗЭС, АТЭС).

Халқаро корпорациялар жаҳоннинг кўп мамлакатларида ўз филиалларига эга бўлган бир ёки бир неча мамлакатнинг капиталини англатадиган энг йирик компаниялар (Масалан, Кока-Кола, Сименс, Нокиа, ДЭУ).

Халқаро иқтисодий ташкилотлар бу умумжаҳон тараққиётига мансуб бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун тузиладиган ўз мақсад ва низомига эга бўлган хлқаро ташкилотлардир (Масалан, БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий масалалар бўйича комиссияси ЭКОСОС, Халқаро валюта фонди, Осиё Тараққиёт Банки, Ислом Тараққиёт Банки, БМТнинг Озиқ овқат ва қишлоқ-хўжалиги масалалари бўйича комиссияси - ФАО).

2) Қуйидаги жавобларни тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқланг:

1. Чет эл инвестицияларининг мамлакат иқтисодиётига жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштиради ва иқтисодий қудратининг ошишини таъминлашга хизмат килади.
2. Бугунги кунда инвестицияларни бозор иқтисодиётига мослаштириш ва инвестицион фаолиятини бошқариш узгача ёндашишларни талаб қилмайди.
3. Умумий ҳуқуқий меъёрлар, солиқ базасининг соддалаштирилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ягона стандартларни жорий этилиши, ягона валютага ўтилиши кабилар умумий бозорни ифодалайди.
4. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият икки йўналишда олиб борилмокда: биринчидан, собиқ иттифокдош республикалар билан, иккинчидан, республика илгари бевосита ўзаро муносабатларда бўлмаган хорижий давлатлар билан.
5. Миллий хўжалик фаолиятига инвестицияларни жалб қилишни кўплаб худудларга тарқалиши ва йириклашиб бориши – бу иқтисодий интеграциядир.
6. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш давлат ташкилотлари томонидан чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва уни бажарилишини таъминлаш жараёнини ўзида акс эттиради.
7. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг билвосита иқтисодий усуллари ичида божхона божлари ва тарифлари жуда муҳим ҳисобланади.
8. Божхона божи — бу мамлакатга олиб келинаётган ёки мамлакатдан олиб чиқиладиган маҳсулотларга солинадиган мажбурий солиқдир.
9. Қулай инвестиция иқлими шаклланмасдан ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этмасдан туриб ҳам ривожланаётган мамлакатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялаша олади.
10. Замонавий шароитда жаҳон савдосида товарларни шархловчи сифатида БМТнинг халқаро савдо классификаторидан, Брюссель Божхона Номенклатураси номланган классификаторидан кенг фойдаланилади.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

Мавзуга оид қўшимча маълумот

Портфель инвестициялар

Узоқ муддатли даромад олиш ҳуқуқини таъминловчи, аммо инвестициялаш объекти устидан назорат қилиш ҳуқуқини бермайдиган ишлаб чиқаришга қисқа ва ўрта муддатли капитал қўйилмалар

Асосий хусусияти

Пировард мақсади дивиденд ёки қатъий фоиз ставка шаклидаги даромад олишга қаратилган тадбиркорлик капиталининг устувор шакли

Асоси

-хорижий корхона мулкда қатнашиш ҳуқуқини берувчи акцияларни сотиб олиш орқали хорижий инвестиция киритиш; -хорижий корхона билан кредит муносабатларини ифодаловчи облигациялар ва вексеялар сотиб олиш орқали

Амалга ошириш шакллари

- а) хорижий корхона устав капитали акциялар пакетининг 10% дан кам қисмига эгалик қилиш;
- б) хорижий корхонанинг қарзи, қимматбаҳо қоғозларини облигация ва

Портфель инвестициялар

3) Қуйидаги тестларни ишланг:

1. Давлат бюджетидан молияланадиган инвестицияларнинг хажмларини ким тасдиқлайди?

- А) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
- В) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
- С) Ўзбекистон Республикаси Президенти
- Д) барча жавоблар тўғри.

2. Фаолиятининг субъектларига кўра инвестицияларни учта гуруҳга ажратиш мумкин, улар қайсилар?

- А) давлат, хусусий, хорижий
- В) давлат, хусусий, шахсий
- С) хорижий, аралаш, давлат
- Д) хорижий, ички, давлат.

3. Глобаллашув ва иқтисодий интеграциянинг неча хил асосий кўринишлари мавжуд?

- A) 4 хил
- B) 5 хил
- C) 2 хил
- D) 3 хил.

4. Инвестицияга оид ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартиблашга қайси мамлакатларда катта аҳамият берилади?

- A) ривожланган мамлакатларда
- B) Европа мамлакатларида
- C) туб иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган мамлакатларда
- D) Тўғри жавоб йўқ.

5. Божхона божи ҳақида тушунча.

- A) бу мамлакатга олиб келинаётган мамлакатдан олиб чиқиладиган маҳсулотларга солинадиган мажбурий солиқдир
- B) бу мамлакатга олиб келинаётган ёки мамлакатдан олиб чиқиладиган маҳсулотларга солинадиган мажбурий ажратмалардир
- C) бу мамлакатдан олиб чиқиладиган маҳсулотларга солинадиган мажбурий солиқдир
- D) A ва C жавоблар тўғри.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5
Ж					
В/?					

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинг:

$$P_a = T_{\text{ж}} / Ж_{\text{ст}} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

2 – қисм (2 соат).

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. Протекционизм.
2. Инвестиция жараёни.
3. Инвестиция сиёсати.
4. Инвестиция иқлими.
5. Барча инвесторларнинг инвестицион фаолияти.
6. Инвестиция лойиҳаси.
7. Лойиҳа олди ҳужжатлари.
8. Глобаллашув жараёнига қўшилиш.
9. Глобаллашув жараёнига хос бўлган омиллар.
10. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдида муҳим рол ўйнайдиган жиҳатлар.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. Иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида инвестициялар киритган ҳолда олдиндан белгиланган муддат мобайнида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар комплекси.
2. Бу дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорликда бўлиш, ижтимоий иқтисодий ва сиёсий соҳадаги давлат сиёсатининг ўзаро манфаатли асосда бу давлатлар сиёсатига мос келишидир.
3. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасида географик жойлашиши, табиий ресурсларининг таркиби ва захираси, ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсат ва бошқалар.

4. Иқтисодиётни эркинлаштириш, илмий-техника тараққиётининг тезлашиши, ракобатнинг кучайиши ва бошқа бир қатор.
5. Инвесторларнинг ҳақ ҳуқуқлари, имтиёзларини таъминлаш билан бир қаторда иқтисодиёт тармоқларига тегишли асосий фондларни кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришга йўналтириш, муҳим солиққа тортиш механизмини ва молия-кредит сиёсатини таъминлаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар йиғиндиси.
6. Инвестициялар ажратиш босқичларидаги ҳаракатларнинг йиғиндиси.
7. Миллий иқтисодиётни ички ва ташқи бозор тамойилларининг салбий таъсирларидан ҳимоялаш мақсадида давлат томонидан жорий этиладиган иқтисодий ва маъмурий чора тадбирлар.
8. Қабул қилинган параметрларга кўра лойиҳани амалга оширишнинг имконияти ва мақсадга мувофиқлигини, шунингдек унинг ҳаётийлигини асослаб берувчи ҳужжатлар йиғиндиси.
9. Жами инвесторларнинг ўз маблағини қандай сарфлаши, қандай баҳолашини ақс эттирилиши бўлиб, у ёки бу мамлакатда инвестициялар учун шароитлар нечоғлиқ қулай-қулаймаслигига баҳо беришда ҳисобга олинadиган ҳамма нарсалар (мафкура ва сиёсат, иқтисодиёт ва маданият) ни ўз ичига олади.
10. Инвестициялар тўғрисидаги ғояни пайдо бўлишидан инвестиция ресурсларини миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларига жалб қилинишигача бўлган босқичлар йиғиндиси.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

Мавзуга оид қўшимча маълумот

ТТХИнинг асосий назарий концепциялари
(Макроиқтисодий ёндашув)

Муаллиф	ТТХИ оқимини рағбатлантирувчи омиллар	Назарий хулосалар	Замонавий қўллаш соҳаси
Р. Алибер	Капитал ва валюта бозорларининг такомиллашганлиги	Валютаси барқарор мамлакатларда фирмалар юқори капиталлашиш даражасига ега, бунинг ҳисобига валютаси бекарор мамлакатларда ТТХИ rischi қопланади	ТТХИнинг ривожланган мамлакатларда н ривожланаётган мамлакатларга чиқарилиши ва уларнинг валюта курси динамикасига боғлиқ ҳолда
К. Кодзима	Муайян ресурсларга эгалик қилишда нисбий афзалликларнинг мавжудлиги ва компаниялар фаолият юригаётган бозор тузилмасининг хусусиятлари	ТТХИ - ташқи савдога қўшимча тарзда компанияларнинг нисбий афзалликларини оширади. ТТХИ ташқи савдога йўналтирилган (Япония) ва юналтирилмаган (АҚШ) турларга бўлинади	Япон ТТХИ хусусиятлари

Т. Очава	Япония иқтисодиётига хос хусусиятлар: ташқи бозорларга боғлиқ; миллий ишлаб чиқариш омиллари баҳосининг ошиши; япон товарларига нисбатан протекционизм сиёсатининг	ТТХИ қайд этиб ўтилган салбий омиллари камайтириш имконини беради	Япон ТТХИ хусусиятлари
А.Шмитц П.Хелмбергер	ТТХИ асосида вертикал интеграциялашган ишлаб чиқариш тузилмалари ва капитал экспорт қилувчи мамлакат томонянги хом ашё оқимларини шакллантириш имкони	ТТХИ вертикал ва физонтал интеграция жараёнлари туфайли савдо хажмини оширади	Қазиб олувчи тармоқлардага ТТХИ
Р.Манделл	Божхона тарифларининг даражаси	Капитал ҳаракатининг импортаи ўрнини қоплашга қаратилиши	Ишюрт ўрнини қоплашга йўналтирилган ТТХИ
Т.Хорст	Фойда ва экспортни максималлаштириш	Ушбу мақсадга эришиш ТТХИ амалга ошириш стратегиясини назарда тутди	Нархларнинг талабга боғлиқ ҳоёда ўзгариши хисобга олинган ҳолларда
С.Хаймер	Портфел инвестициялар учун - фоиз ставкалари; ТТХИ учун — инвестиция киритилаётган фирма маҳсулотининг дифференциациялашуви, «миқёс таъсирида» тежаш, савдо белгиси, патентланган технологиялар, юқори даражадаги менежмент ва маркетинг шаклларидаги нисбий афзалликлар	ТТХИ ва халқаро савдо - бир-бирининг ўрнини босувчи стратегиялар булиб, инвесторларга маҳаллий фирмалар томонида рақобат курашида тўсиклар яратиш имконини беради	Фирмаларнинг портфел инвестициялари; Дифференциял ашган ва вертикал интеграциялашган ишлаб чиқаришга ега фирма лар томонидан
Р.Вернон Л.Уеллс	Маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли назарияси: ташқи савдо ва инвестициялар — циклнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳодда хорижий бозорларга кириб бориш жараёнининг умумий дастаклари сифатида фойдаланилади	ТТХИ ишлаб чиқаришни импортёр мамлакатларга кўчириш имконини беради, «миқёс таъсирида» тежаш эса иафақат маҳаллий бозорни маҳсулот билан тўддириш, балки уни учинчи мамлакатча экспорт	Япония ва Ғарбий Европа ТТХИнинг ривожланаётган мамлакатларга чиқарилиши

СХирш	Компаниянинг нисбий афзалликлари ва ахборот олиш, битимларни амалга ошириш, халқаро алоқларни йўлга қўйиш учун қипинган харажатлар	Компания ТТХИ стра-тегиясини танлайди: 1) агар ноу-хау егаси, ўз мамлакати ва хорижда маҳсулот сотишда кагга фарққа ега бўлса; 2) иишаб чиқариш харажатлари паст бўлган мамлакатлар мавжуд бўлса.	ТТХИ ноу-хауға ега компаниялар томони дан амалга оширилади; ТТХИ ишлаб чиқариш харажатлари паст бўлган
Д.Пенроуз О. Уилямсон К.Ерроу ва ҳ.к.	Бозорнинг иқтисодий институт сифатида мустақил сотувчилар ва харвдорлар ўртасида активлар, товарлар ва ахборотлар билан самарали алмашинуви амалга ошира олмаслигини енгитишга бўлган интилиш	Фирманинг музокара-лар ва битимлар, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, харидорнинг беҳабарлиги туфайли товар учун максимал нарх олиш нинг иложи йўқлиги ва бошқалар учун харажатлар қайча юқори бўлса, компания ТТХИни амалга	Компаниялар томонидан бозорнинг номукамаллигини енгитиш учун кўп миқдорда сарф-харажатлар қилинган
Ж.Даннинг	Компания куйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлганда ТТХИни амалга оширади: 1) сезилмайдиган активларга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ афзалликларга ега бўлганла; 2) компаниянинг активлари ўзи ишлатиши манфаатлироқ, бўлганда; 3) компания 1 ва 2 шартлар мавжуд бўлган ҳолларда ўз афзалликларидан хориждага бирон-бир ишлаб чиқариш омили билан бирга фойдаланиши манфаатлироқ бўлади	Факат бирини афзалликка жа-юмпания натишлар в лицензияларни сотади; Биринчи ва иккинчи оқи барча афзалликларга ега компания ТТХИни амалга оширади	Санаб ўтилган шарт-шароитларга ега компаниялар томонидан амалга ошириладиган

2) Қуйидаги жавобларни тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқланг:

1. Замонавий жаҳон иқтисодиёти учун инвестиция фаоллиги ва жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг кучайиши муҳим аҳамият касб этади.
2. Мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларининг жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир.
3. Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йуналтириладиган мамлакатлар гуруҳига кириш учун барча шарт-шароитларга, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун бир қатор афзалликларга ҳали эга эмас.
4. Хорижий инвестициялар иқтисодий жараёнлар ҳисобланиб, жаҳон бозори билан узаро якин ва тулик боғлиқликда бўла олмайди.Шу нуқтаи-назардан у купгина иқтисодий жараёнларни узида камраб ололмайди.
5. Хорижий инвестицияларни жалб этиш у ёки бу мамлакатда олиб бориладиган сиёсий ва ижтимоий – иқтисодий ислохотларга боғлиқ.
6. Протекционизм – давлатнинг хориж рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсати, мамлакатга олиб келинадиган товарларга юқори божлар белгиланиши, айрим товарларни олиб келиш чекланиши ёки умуман тақиқланишидир.

7. Айнан хорижий инвестициялар орқали миллий иқтисодиёт жонланиб, ишлаб чиқаришда замонавий рақобатдошли товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиб борилади. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларининг очилиши ва мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муаммоларининг ҳал бўлишига олиб келади.

8. Инвестицион муҳит кўп жihatдан хорижий инвестицияларга нисбатан давлат олиб бораётган сиёсатини ва ташқи иқтисодий фаолиятининг давлат томонидан тартибга солишининг хусусиятлари билан баҳоланмайди.

9. Хорижий инвестицияларни жалб қилишни мақсад қилган давлатларнинг шунингдек уларни жойлаштирадиган мамлакатларнинг ҳам ўзига хос стратегик мақсадлари бўлади.

10. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашиб, савдо йўлидаги тўсиқлар камайиб, солиқ қонунлари ва тартибга солувчи режимлар эркинлашиб бораётган ҳозирги шароитда четдан киритиладиган инвестиция оқимлари тез суръатлар билан ўсмаяпти.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

3) Қуйидаги тестларни ишланг:

1. Умумий бозор тўғрисида тушунча.

А) ишлаб чиқариш воситаларининг миллий чегаралар орқали эркин кўчиб ўтиши таъминладиган иқтисодий интеграция кўриниши

В) ишлаб чиқариш кучларининг миллий чегаралар орқали эркин кўчиб ўтиши таъминладиган иқтисодий интеграция кўриниши

С) ишлаб чиқариш омилларининг миллий чегаралар орқали эркин кўчиб ўтиши таъминладиган иқтисодий интеграция кўриниши

Д) Барча жавоблар тўғри.

2. Ҳозирги кунда нечта халқаро иқтисодий бирлашмалар мавжуд?

А) 20 дан ортиқ

В) 20 га яқин

С) 15 дан ортиқ

Д) 15 га яқин.

3. Халқаро иқтисодий иттифоқлар асосий интеграция марказларига тўғри ажратилган жавобни кўрсатинг.

А) Европа иқтисодий ҳамжамияти ва Европа эркин савдо ассоциацияси (Ғарбий Европа)

В) Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси (Шимолий Америка)

С) Жанубий – шарқий Осиё давлатлари эркин савдо ассоциацияси, Жанубий Хитой форуми, Австралия – Янги Зеландия эркин савдо ҳудуди (Осий – Тинч океани минтақаси)

Д) барча жавоблар тўғри.

4. Халқаро иқтисодий иттифоқлар нечта асосий интеграция марказларига ажратилган?

А) 2 та

В) 3 та

С) 4 та

Д) 5 та.

5. Ҳозирги вақтда барқарор ривожланишнинг миллий мезонларини неча тури мавжуд?

А) 3 тури ,иқтисодий,экологик,ижтимоий

С) 2 тури ,иқтисодий,экологик

Д) 5га яқин турлари.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5
Ж					
В/?					

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинг:

$$P_a = T_{\text{ж}} / Ж_{\text{ст}} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

4-Амалий машғулот. Мавзу: Хорижий инвесторлар ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари. (4 соат)

1 – қисм (2 соат).

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. Хорижий инвесторлар.
2. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра хорижий инвесторларнинг 1,2,3-хуқуқлари.
3. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра хорижий инвесторларнинг 4,5,6,7-хуқуқлари.
4. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра хорижий инвесторларнинг 8,9,10-хуқуқлари.
5. Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари.
6. Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатларининг турлари.
7. Хорижий инвестицияларга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чораларини киритилиш чегаралари.
8. Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестиция шарт-шароитларини ёмонлаштиргандаги ечимлар.
9. Давлат томонидан қайтарилиши таъминланмайдиган инвестициялар.
10. Хорижий инвестицияларга оид қонунчиликни ривожлантириш омиллари.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. Фақатгина инвесторларнинг ўзларининг хатти-ҳаракатлари оқибатида ёки уларнинг иштироклари билан йўқотилган инвестициялар.
2. Барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётига илғор тузилмавий ўзгаришлар рўй беришини таъминлавчи устивор тармоқларга инвестициялар киритилганда; экспорт имконияти мустаҳкамланиши ва кенгайишини, жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашувини таъминлаган устивор лойиҳаларга инвестициялар киритилганда; хом-ашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда.
3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат инвестиция фаолиятини амалга оширувчи хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади.
4. Жорий инвестицияларга нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб 10 йил мобайнида қўлланилади.
5. Қонунчилик тизими, инвестиция фаолияти бўйича танланган йўл, бозор муносабатларининг ривожланиш даражаси ва бошқалар.
6. Инвестициялашни амалга оширишнинг ҳажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш; инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар

билан шартнома тузиш; ўзиннинг инвестицияларига ва инвестиция фаолиятининг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этиш.

7. Қонунда назарда тутилган ҳолларда ва шартларда ер участкаларига доир ҳуқуқларни сотиб олиш; ўзига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган мол-мулк ва ҳар қандай мулкый ҳуқуқлардан зиммага олган мажбуриятларнинг барча турлари бўйича таъмин сифатида фойдаланиш; давлат бошқарув ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳамда қарорлари натижасида етказилган зарарларни ундириш.

8. Чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари; давлатлараро битимлар ёки шартномаларга мувофиқ ташкил топган халқаро ташкилотлар; чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ёки фаолият кўрсатаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар; чет эл давлати фуқаролари бўлган жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

9. Хорижий инвесторлар капиталини сақланиши учун кафолатлар; қўрилган зарарларни қопланиши учун кафолатлар; солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар; фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги; миллий сўмда ва чет эл валютасида олинган фойдаларни ўтказиш ва олиб чиқиб кетиш имконияти; божхона имтиёзларининг мавжудлиги; хорижий инвесторларнинг мулклари ва уларнинг ўзларини хавф-хатарлардан суғуртавий муҳофаза қилиш тизимини яратилганлиги.

10. Ўзбекистондаги инвестиция фаолияти натижасида олинган ўзига қарашли ихтиролар, фойдаланилган ва саноат намуналарини чет элларда ва Ўзбекистон Республикасида патентлаштириш тўғрисида мустақил қарор қабул қилиш; инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни мустақил ва эркин тасарруф этиш; Ўзбекистон Республикасига кредитлар ва қарзлар кўринишида пул маблағларини жалб этиш; ўз ҳисоб варағидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш учун фойдаланиш.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

2) Қуйидаги жавобларни тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқланг:

1. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10 – моддасида хорижий инвестор кимлар булиши мумкинлиги акс эттирилган.

2. Хорижий инвестор ўз хоҳишига кўра, янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларни қўллаш ҳуқуқига эга.

3. Давлат бошқарув ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хорижий инвесторларнинг қонунга мувофиқ амалга ошираётган хўжалик фаолиятига аралашишига ҳақли эмас.

4. Хорижий инвесторлар қонун ҳужжатларини бузганлиги аниқланса, давлат бошқарув ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида ушбу ҳолатни бартараф этиш билан боғлиқ чораларнигина кўриши мумкин.

5. Экспорт имконияти мустаҳкамланиши ва кенгайишини, жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашувини таъминлаган устивор лойиҳаларга инвестициялар киритилганда хорижий инвестицияларга қўшимча кафолатлар берилмайди.

6. Хорижий инвесторларга Ўзбекистон Республикасига кредитлар ва қарзлар кўринишида пул маблағларини жалб этиш ҳуқуқи берилмайди.

7. Халқаро шартномаларга биноан фуқаролиги, яшаш жойи, диний этиқоди, иктисодий фаолияти қаерда амалга ошириладиганлигига, инвестор ёки инвестицияларнинг қайси мамлакатга мансублигига қараб хорижий инвесторларнинг камситилишига йўл қўйилмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларига путур етказадиган ҳуқуқий нормативларни қабул қилган тақдирда, инвесторларга етказилган зарар шу органлардан ҳокимлик орқали ундирилади.
9. Хорижий инвестицияни ўз иқтисодиётига жалб этаётган ҳар бир давлат хорижлик шерикларига ҳуқуқий ва ташкилий кафолатлар яратиб беради.
10. Ўзбекистоннинг янги қабул қилинган қонунчилиги инвестиция шароитларини ёмонлаштиради ҳам, мудофаа, миллий хавфсизлик, жамоат тартибини сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ қонунчилик ўзгартирилмайди.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

3) Қуйидаги тестларни ишланг:

1. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра хорижий инвесторлар неча хил ҳуқуқларга эга?
- А) 8 хил*
 В) 10 хил
 С) 12 хил
 Д) 14 хил.
2. Давлатлараро битимлар ёки шартномаларга мувофиқ ташкил топган халқаро ташкилотлар қуйидагилардан қайси бири бўлиши мумкин?
- А) марказлашган инвестор
 В) хусусий инвестор
 С) хорижий манба
 Д) хорижий инвестор.
3. Барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётига илғор тузилмавий ўзгаришлар рўй беришини таъминловчи устивор тармоқларга инвестициялар киритилганда
- А) хорижий инвестицияларга асосий кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари кўрилади
 В) хорижий инвестицияларга асосий ва қўшимча кафолатлар ҳамда уларни ҳимоя қилиш чоралари кўрилади
 С) хорижий инвестицияларга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари кўрилади
 Д) тўғри жавоб йўқ.
4. Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини амалга оширишда дунёнинг нечта мамлакатлари иштирок этмоқда?
- А) 25 дан ортиқ
 В) 20 дан ортиқ
 С) 15 дан ортиқ
 Д) 10 дан ортиқ.
5. Ўзбекистон Республикаси қайси мамлакатлар билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисида битимлар тузган?
- А) Россия, Германия, Ҳиндистон
 В) Жанубий Корея, Туркия, Индонезия, Малайзия
 С) Исроил, АҚШ ва бир қатор бошқа мамлакатлар билан
 Д) барча жавоблар тўғри.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5
Ж					
В/?					

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинг:

$$P_a = T_{\text{ж}} / Ж_{\text{ст}} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1,3,4,5,6,7,8,9.

Қ-1,2,3,4,5,7,14,15.

2 – қисм (2 соат).

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. Хорижий инвестицияларни мамлакатга жалб қилишда ҳуқуқий асосларга тааллуқли ҳозирги вазифа.
2. Чет эллик инвесторлар билан тузилган инвестиция шартномаси кучга кирадиган сана.
3. Хорижий инвесторларнинг 1,2,3-мажбуриятлари.
4. Хорижий инвесторларнинг 4,5-мажбуриятлари.
5. Чет эл инвестицияларини жалб этишни амалга оширувчи органларнинг 1,2 – вазифалари.
6. Чет эл инвестицияларини жалб этишни амалга оширувчи органларнинг 3,4,5 – вазифалари.
7. Инвестиция муҳитини янада яхшилаш шартларидан бири.
8. Инвестиция шартномасининг асоси.
9. Инвестиция шартномасини тузувчилар.
10. Чет эллик инвестор инвестиция шартномасини тайёрлаш учун тақдим этадиган ҳужжатлар.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. Инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция фаолияти объектларига нисбатан ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги.
2. Инвестиция шартномасининг лойиҳаси; қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ваколатли органларда экспертизадан ўтказилган техник-иқтисодий асослаш бўйича бажарилган асосий иқтисодий кўрсаткичлар; инвестиция шартномаси лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси юзасидан - Адлия вазирлигининг ҳулосаси; чет эллик инвесторларга ва (ёки) ташкил этиладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонага қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча равишда солиқ солиш бўйича имтиёзлар ва кафолатлар бериш юзасидан - Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳулосалари.
3. Чет эллик инвесторлар фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқадилад; чет эл инвестициялари масалалари бўйича халқаро муносабатларда ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўрадилад; чет эл инвестицияларини жалб этиш, рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишга қаратилган бошқа вазифаларни бажарадилад.
4. Чет эллик инвестор билан инвестиция шартномаси уни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кун (агар ушбу қарорда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса).


5. Бу ҳукуматнинг хорижий инвестициялар бўйича узок муддатли барқарор ҳолатларини шакллантириш ва уни потенциал хорижий инвесторларга етказишдан иборатдир.
6. Банк тизимини такомиллаштириш, молия бозорида рақобатни вужудга келтириш, нақд пулдаги ва нақд булмаган пулдаги операцияларни амалга оширишни яхшилаш, шунингдек хорижий инвесторларни ахборот билан таъминлашни яхшилашдан иборатдир.
7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда чет эллик инвестор (инвесторлар).
8. Ўз рақобатчиларига нисбатан қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар олиш мақсадида ноқонуний таъсир ўтказишнинг ҳар қандай шакллари устидан ўзларини тийиш; инвестиция лойиҳаларида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларидан келиб чиқадиган санитария-гигиена, экологияга оид ва бошқа талабларга риоя этилганлиги хусусида экспертиза ҳулосасини олишлари.
9. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятининг имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисида ахборот тайёрлайдилар ҳамда тарқатадилар; потенциал инвесторларга фаолиятнинг юридик, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари бўйича маслаҳатлар берадилар ҳамда юзага келувчи масалаларни ҳал этишда зарур ёрдам кўрсатадилар.
10. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилиш; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа тўловларни тўлаш ; инвестициялаш муносабати билан ўз зиммаларига олган мажбуриятлари бўйича жавоб бериш.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

Мавзуга оид қўшимча маълумот

Барқарор ривожланиш миллий мезонлари



2) Қуйидаги жавобларни тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқланг:

1. Хорижий инвестор ўз ҳоҳшига кўра, янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларни қўллаш ҳуқуқига эга эмас.
2. Давлат бошқарув ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хорижий инвесторларнинг қонунга мувофиқ амалга ошираётган хўжалик фаолиятига аралашшига ҳақли.
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорига асосан “Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби” тўғрисида низом ишлаб чиқилган. Мазкур Низомга Вазирлар Маҳкамасининг 07.07.2006 й. 133-сон қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.
4. Эришилган ютуқлар билан бирга бу борада тўсиқ ва камчиликлар мавжуд. Бунинг якқол мисоли бўлиб, мамлакатни инвестиция иқлими ҳолатини белгилайдиган асосий кўрсаткич бўлган, бевосита хорижий инвестициялар оқимининг етарли даражада кўпаймаганлигини кўрсатиш мумкин.
5. Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоялаш мақсадида яратилган шарт-шароитлардан ташқари, Республика томонидан Адлия вазирлигига уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат органи ваколати берилиши мумкин эмас.
6. Адлия вазирлигининг таркибида 2003 йилдан бошлаб чет эл инвесторлари манфаатларига зарар етиш ҳолатларини олдини олиш бўйича махсус бўлинмалар ташкил этилди.
7. Инвестиция шартномаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан чет эллик инвесторга қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) берилган тақдирда мажбурий тартибда тузилади.
8. Чет эллик инвестор томонидан тақдим этилган инвестиция шартномаси лойиҳаси ва бошқа материаллар инвестиция шартномаси лойиҳаси олинган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилади.
9. Агар инвестиция шартномасида солиқ ҳамда божхона имтиёзлари ва преференциялари бериш назарда тутилса бундай шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.
10. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг чет эллик инвестор томонидан бажарилишини назорат қилади.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

Эклектик парадигма инглиз олими Ж.Даннингга (1981) тегишли бўлиб, у ТМКнинг жаҳон капитал бозорларига кириб бориш сабабларини умумлаштиради. Шунинг учун ушбу назария эклектик парадигма номини олган. Ж.Даннинг иқтисодий назариясида тўпланган фикрларни оддий механик тарзда умумлаш-тирмасдан хўжалик амалиётида синовдан муваффақиятли ўтган омилларни танлаб олди. Эклектик парадигма назариясида учта ҳолатга изоҳ берилган

3) Қуйидаги тестларни ишланг:

1. Ривожланган мамлакат сармоядорларнинг ривожланаётган давлатлар иқтисодига сармоя солишдан қандай асосий манфаатларни кўзлайдилар?

А) табиий бойликлардан фойдаланиш имконини олиш; янги бозорлар кашф этиш ва мамлакат иқтисодиётига кириб бориш

В) малакали ишчи ресурсларига кам харажат сарф қилиб юқори иқтисодий самара олиш; иқтисодий ва молиявий имтиёзларга эга бўлиш

С) дунё бозорида рақобатга бардош берадиган товарларнинг янги турларини яратиш учун илмий изланиш ва техник янгиликлар натижасидан фойдаланиш

Д) барча жавоблар тўғри.

2. Ривожланган давлатлар инвестицион сиёсатнинг ривожланишини муҳим ўсиш манбаси нима?

- А) давлатнинг кўмаги
- В) ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритадиган компанияларнинг бозорга чиқиши
- С) арзон табиий ва меҳнат ресурсларнинг мавжудлиги
- Д) хорижий инвестор.

3. Вазирлар Маҳкамасининг қайси қарорига асосан “Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби” тўғрисида низом ишлаб чиқилган?

- А) 2005 йил 2 августдаги 180-сон*
- В) 2003 йил 15 апрелдаги 79-сон
- С) 2007 йил 9 июндаги 123-сон
- Д) 2004 йил 11 ноябрдаги 235-сон.

4. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра хорижий инвесторлар неча хил мажбуриятларга эга?

- А) 3 хил
- В) 4 хил
- С) 5 хил
- Д) 6 хил.

5. Ҳозирги кунда мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нималардан енгилликлар, имтиёзлар белгиланган?

- А) ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказишдан
- В) амалдаги солиқлардан ва божлардан
- С) маҳсулот етиштириш ва хизмат кўрсатиш турини танлашдан
- Д) барча жавоблар тўғри.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5
Ж					
В/?					

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинг:

$$P_a = T_{\text{ж}} / Ж_{\text{ст}} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

5-Амалий машғулот. Мавзу: Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг илмий-услубий асослари. (4 соат)

1 – қисм (2 соат).

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича яхлит чора тадбирлар тизими.
2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион сиёсат.
3. Инвестицион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифалари.
4. Инвестиция сиёсатининг асосий 1,2-йўналишлари.
5. Инвестиция сиёсатининг асосий 3,4,5-йўналишлари.
6. Ўзбекистон Республикасининг инвестицион дастури.
7. Ўзбекистон Республикасининг инвестицион дастурини асосий мақсади.
8. Худудлар инвестиция сиёсати.
9. Тармоқ инвестиция сиёсати.
10. Инвестиция дастурининг ташқи томони

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. У халқ хўжалигини замонавий техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида жадал ривожлантириш вазифасини хал этиш учун иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб этишни ўз ичига олади.
2. Инвесторларни манфаатлари ва интилишларини мувофиқлаштириш ва шунингдек, улар учун имтиёзли тартиблар жорий этилган соҳаларни аниқлаш.
3. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларга қаратилган валютада ўз-ўзини қоплашни таъминлайдиган инвестицияга қўмаклашиш; мамлакатнинг кредит қобилиятини қўллаб – қувватлаш; мамлакатнинг айрим минтақаларидаги ижтимоий ва экологик моаммоларини ҳал қилишга қаратилган инвестицияларга ёрдам бериш.
4. Умумий чоралар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат инвестицион дастурига киритилган лойиҳалар учун имтиёзлар; хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвесторлар иштирокини рағбатлантириш; техник-технологик қайта жиҳолаш, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.
5. Ижтимоий ва хусусий манфаатларни тўғри белгилаш; айрим мамлакатларни, корпорацияларни, халқаро молия институтлари ва ташкилотларни, инвесторларни манфаатларини тўғри аниқлаш; уларнинг мақбул нисбатларини тўғри ўрнатиш; уларнинг ҳуқуқий шароитлари ва кафолатларини белгилаш.
6. Бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини таъминловчи тармоқлар, саноат маҳсулотларини экспорт қилиш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш, илмий-техника тараққиётини инвестиция йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.
7. Инвестицияни сарфлашда аҳоли, ҳудуд ва инвестор манфаатларини ҳисобга олган ҳолда самарали ишлатишга имкон берувчи ҳудудда олиб бориладиган чора-тадбирлар мажмуи.
8. Бу инвестицион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш, хорижий инвестицияларни жалб қилишни қўпайтириш ва уларни рағбатлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар йиғиндисидир.
9. Инвестиция жалб этиш учун халқаро меъёрлар ва келишувларга мос келадиган, саноати ривожланган мамлакатлар инвесторлари томонидан тан олинadиган ҳуқуқий шароитларни яратишга интилиш; Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб берадиган ва иқтисодиётнинг замонавий тузилишини вужудга келтиришга ёрдам берадиган инвесторлар учун очиқ сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш.
10. Ички ва ташқи сиёсатнинг умумий йўналиши ҳисобга олинган ижтимоий-иқтисодий ва хусусий хўжалик қарорлари мажмуаси бўлиб, маблағлардан фойдланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида малакат ичига ва хорижга киритилган сармояларнинг йўналиши ва жойлашувини белгилайди.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

Мавзуга оид қўшимча маълумот



2) Қуйидаги жавобларни тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқланг:

1. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида 2007 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2007 – 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора – тадбирлари тўғрисида" ги қарори эълон қилинди.
2. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қулай инвестицион муҳит яритилиб, хорижий инвесторлар учун кенг ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар тизими ишлаб чиқилмаган.
3. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича яхлит чора тадбирлар тизими хали ишлаб чиқилгани йўқ.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005-йилнинг 11-апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларини жалб қилишни рағбатлантириш бўйича қуйидагича чора тадбирлар тўғрисидаги фармонига мувофиқ республикамиздаги ортиқча ишчи кучига эга бўлган ҳамда узоқ қишлоқ аҳоли пунктларига хорижий инвестицияларни жалб қилган корхоналар учун 3-йилдан 7-йилгача турли солиқлардан озод қилиш бўйича имтиёзлар берилган.
5. Хорижий инвестициялар иш ҳақи фондига чекловлардан озод қилинади.
6. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати унинг устивор тармоқларида саноатлаштириш ва замонавийлаштириш борасидаги сиёсати амалга оширишда бевосита хорижий инвестицияларни рағбатлантириш сиёсатини ёқлайди.
7. Ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг устивор йўналишларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилмайди.
8. Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни иштирокчиларига солиққа оид ва бошқа имтиёзлар берилади.
9. Давлат тузилмавий инвестиция сиёсати жойларда, қишлоқларда амалга оширишда газ, сув, электр, коммуникация тармоқларинияхшилаш давлат имтиёзлари асосида кичик корхоналар ташкил этиш шарт эмас.
10. Ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсиши, иқтисодий ўсиш суръатлари, моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш хажми ва сифатининг кўтарилиши ва бутун инфраструктуранинг ривожланиши кўп жihatдан инвестиция ва инвестиция дастурига боғлиқ.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

3) Қуйидаги тестларни ишланг:

1. Инвестицион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг нечта устивор йўналишлари мавжуд?

- А) 5 та
- В) 6 та
- С) 7 та
- Д) 8 та.

2. Давлат томонидан хорижий инвестицияларни қўллаб қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирилувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция мухитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукамал ҳуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизими – бу

- А) Ўзбекистон Республикасининг инвестиция бюджети
- В) Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсати
- С) Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури
- Д) барча жавоблар тўғри.

3. Давлатнинг ташқи инвестиция дастури хақида тушунча.

- А) бу ҳуқуқий нуқтаи назардан хорижий инвестициялар учун қулай солиқ ва божхона имтиёзларини яратишдир
- В) бу ҳуқуқий нуқтаи назардан хорижий инвестициялар учун қулай ҳуқуқий муҳит яратишдир
- С) бу ҳуқуқий нуқтаи назардан хорижий инвестициялар учун қулай конунларни яратиш ва уларни тадбик қилишдир
- Д) тўғри жавоб йўқ.

4. Инвестицион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг нечта асосий вазифалари мавжуд?

- А) 3 та
- В) 4 та
- С) 5та
- Д) 5 тадан ортиқ.

5. Инвестицион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш усуллари қуйидагилардан қайси бирида тўғри келтирилган?

- А) ташкилий, Иқтисодий
- В) ташкилий, ҳуқуқий
- С) Иқтисодий, ижтимоий
- Д) молиявий, номолиявий .

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5
Ж					
В/?					

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинг:

$$P_a = T_{\text{ж}} / Ж_{\text{ст}} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

2 – қисм (2 соат).

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. Давлат тузилмавий инвестиция сиёсатида янги тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича 1,2,3-вазифалари.

2. Давлат тузилмавий инвестиция сиёсатида янги тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича 4,5,6-вазифалари.
3. Давлат тузилмавий инвестиция сиёсатида янги тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича 7,8,9-вазифалари.
4. Лизинг.
5. Молиявий лизинг.
6. Лизинг субъекти.
7. Лизинг объекти.
8. Рентинг.
9. Хайринг.
10. Франчайзинг.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. Машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоатларини қисқа муддатли ижарага олиш.
2. Иқтисодийнинг устувор тармоқларини ривожлантириш ва янги тармоқларни барпо этиш; аҳолининг иш билан бандлигини ҳамда иқтисодий фаоллигини ошириш; ҳудудлар ижтимоий инфратузилмасини тўлиқ шакллантириш.
3. Шартнома асосида технология эгаси бўлган фирманинг тижорат ёки саноат билимларини сотиш билан бирга махсулотни ишлаб чиқариш ва уни хорижий ҳамкор бозорида сотишда бевосита иштирок этишдир.
4. Машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоатларини ўрта муддатли ижарага олиш.
5. Истеъмол қилинмайдиган ва қонунчилик билан тақиқланмаган тадбиркорлик фаолиятида қўлланиладиган ҳар қандай буюмлар, барча мулк мажмуалари, шу жумладан, ер участкалари ва бошқа табиат объектлари, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк.
6. Эскирган ишлаб чиқаришларни секин-аста муомаладан чиқариб ташлаш; маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш; тўлов қобилятига эга бўлган ва талабга мос ҳолда ишлаб чиқариш тузилмаларини яратиш.
7. Лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи.
8. Муайян муддатга ижарага берувчининг капитал харажатлари тўлиқ қопланган узок муддатли ижара.
9. Ишлаб чиқариш ресурсларидан ва илмий-техника салоҳиятидан имкон қадар юқори даражада фойдаланишни таъминлаш; мамлакатнинг экологик ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва уни кучайтириш; самарали, рақобатга асосланган ишлаб чиқаришлар, бозор инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш соҳаси ва интеллектуал фаолиятлар ривожланишини уйғунлаштириш.
10. Машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоатларини узок муддатли ижарага олиш.


Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

Мавзуга оид қўшимча маълумот

Ўзбекистон Республикасининг тузилмавий инвестиция сиёсати

Тузилмавий инвестиция сиёсати



2) Қуйидаги жавобларни тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқланг:

1. Лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини кейинчалик лизинг олувчига бериш мақсадида мулк қилиб сотиб оладиган банк ёки лизинг компанияси ёки уларнинг шўба компаниялари лизинг олувчидир.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабридаги 447-Н -сонли қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги "Лизинг тўғрисида"ги қонунига тегишли ўзгартиришлар киритилди ва республиканинг лизинг бўйича қонунчилиги халқаро андозалар талабларига мослаштирилди.
3. Лизинг шартномаси бўйича лизинг объектига вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун оладиган юридик шахс, яқка тартибдаги тадбиркор ёки жисмоний шахслар сотувчи юридик ёки жисмоний шахслар.
4. Лизинг - бу ижарачининг ишлаб чиқариш мақсадида завод, саноат товарлари, ускуналар ва қўзғалмас мулклардан фойдаланиш бўйича ижара шартномаси бўлиб, бунда мазкур товарлар ижара берувчи томонидан сотиб олиниб, у мулкка бўлган эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади.
5. Ишлаб чиқилган инвестиция дастури давлат Дастурига киритилиши учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлангани шарт эмас.
6. Республикамизда инвестиция давлат Дастурини шакллантириш 9 босқичда амалга оширилади.
7. Ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг устивор йўналишлари амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилади.
8. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати унинг устивор тармоқларида саноатлаштириш ва замонавийлаштириш борасидаги сиёсатни амалга оширишда бевосита хорижий инвестицияларни рағбатлантириш сиёсатини ёқламайди.
9. Хорижий инвесторлар моҳияти жиҳатидан ўз миллий инвестиция муҳитини ўзга муҳитга алмаштиради.
10. Ички инвестиция дастури ҳам, ташқи инвестиция дастури ҳам инвестициялашнинг турли манбаларидан турли шакллардаги инвестицияларни жалб этиш заруриятини назарда тутди.


Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

Мавзуга оид қўшимча маълумот

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари





3) Қуйидаги тестларни ишланг:

1. Республикамизда инвестиция давлат Дастурини шакллантириш ва тасдиқлаш ҳар йили қайси ойлар оралиғида амалга оширилади?

- А) январ – декабр
- В) апрел – декабр
- С) март – ноябр
- Д) феврал – ноябр.

2. Муайян муддатга ижарага берувчининг капитал харажатлари тўлиқ қопланган узок муддатли ижарага

- А) асосий воситалар лизинги дейилади
- В) франчайзинг дейилади
- С) молиявий лизинг дейилади
- Д) хайринг дейилади.

3. Республиканинг лизинг бўйича қонунчилиги қачон киритилган ўзгаришлар билан халқаро андозалар талабларига мослаштирилди?

- А) 2002 йил 13 декабр
- В) 2002 йил 14 апрел
- С) 1999 йил 14 апрел
- Д) тўғри жавоб йўқ.

4. Лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини кейинчалик лизинг олувчига бериш мақсадида мулк қилиб сотиб оладиган банк ёки лизинг компанияси ёки уларнинг шўба компаниялари – бу

- А) лизинг берувчи
- В) лизинг олувчи
- С) лизинг субъекти
- Д) А ва С жавоблар тўғри.

5. Инвестиция дастурлари тўғрисида тушунчалар Ўзбекистон Республикасининг қайси қонунининг қайси моддасида келтирилган?

- А) Чет эл инвестициялари тўғрисидаги, 20-модда
- В) Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги, 9-модда
- С) Инвестиция фаолияти тўғрисидаги, 18-модда
- Д) Чет эл инвестициялари тўғрисидаги, 12-модда.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5
Ж					
В/?					

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинг:

$$P_a = T_{\text{ж}} / Ж_{\text{ст}} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

6-Амалий машғулот. Мавзу: Хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришнинг замонавий шакл ва усуллари. (4 соат)

1 – қисм (2 соат).

1)Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. 2013 йилда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир муҳим устувор йўналиш.
2. 2013 йилда иқтисодий-иқтисодий реал секторига киритиладиган инвестициялар.
3. Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондининг бугунги кундаги жамғармаси.
4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар.
5. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолият кўрсатиш шакллари.
6. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш шакллари.
7. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатига олиш тартибини белгилайдиган муассаса.
8. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни юридик шахс ҳуқуқига эга бўлишлигини тасдиқлайдиган муассаса.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли Фармонининг мақсади.
10. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар озод этилган солиқлар ва тўловлар.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. 6 миллиард АҚШ долларида ортик.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.
3. Чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратиш.
4. Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, корхоналарни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, ортикча ишчи кучи бўлган минтақаларда янги иш жойларини яратиш дастурини амалга оширишга ҳамда хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва қафолатларни таъминлаш.
5. Туман ёки шаҳар ҳокимияти.
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шакллари.
7. Даромад (фойда), мол-мулк, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона ҳамда Республика йўл жамғармасига ажратмалар.
8. Уни таъсис этиш йўли билан ёки илгари инвестициялар иштирокисиз таъсис этилган корхонада иштирок этиш улуши (пайи,аксияси) ни ёки бундай корхонани бутунлай хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестор томонидан сотиб олинishi йўли билан.
9. Акциялари (улушлари,пайлари) нинг ёки устав жамғармасининг камида 50% ни хорижий инвестициялар ташкил этадиган корхоналар.
10. 3 миллиард АҚШ долларида ортик инвестициялар.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

Мавзуга оид қўшимча маълумот

Ўзбекистон Республикасида яратилган имтиёзли молиявий шароитлар

Кўрилган зарарларнинг қопланиши учун кафолатлар

Хорижий инвесторлар капиталининг сақланиши учун кафолатлар

Солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар


Фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги

**Миллий сўмда ва чет эл валютасида олинган фойдаларни ўтказиш
ва олиб чиқиб кетиш имконияти**

Божхона имтиёзларининг мавжудлиги

**Хорижий инвесторларнинг мулклари ва уларнинг ўзларини хавф-
хатарлардан суғуртавий муҳофаза қилиш тизимини яратилганлиги**

**Ўзбекистон Республикасига жалб этилган тўғридан-тўғри инвестициялар
(млн.АҚШ дол.)**



2012 йилда алоқа ва ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасидаги Инвестиция дастурининг бажарилиши.

Кўрсаткичлар	Режа (млн.АҚШ долл.)	Хақиқатда (млн.АҚШ)	Ўсиши %
--------------	----------------------	---------------------	---------

		долл.)	
Жами: Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича	236,6	261,0	110
Жумладан ,тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	189,8	208,2	110

2) Қуйидаги жавобларни тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқланг:

1. Мамлакатимизда 2012 йилда 261,0 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.
2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 208,2 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.
3. Барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми 2 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 35 фоизини ташкил этди.
4. 2010 йилда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди.
5. 2010 йилда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонднинг қарийб 500 миллион доллар миқдоридаги маблағи ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга нисбатан 15,6 фоизга кўпдир.
6. Ўтган даврда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондининг маблағлари ҳисобидан 14 та йирик инвестиция лойиҳаси молиялаштирилди.
7. Жалб этилган жами инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди.
8. Ўзбекистон-Уммон қўшма инвестиция компанияси иштирокида тўқимачилик, телекоммуникация тармоқлари ва молия секторида умумий қиймати қарийб 50 миллион долларлик 2 та инвестиция лойиҳасини молиялаштириш ишлари бошланди.
9. Тўғридан-тўғри инвестициялар оқими кенгайиб ва ортиб бораётганлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган кўламдор демократик ва бозор ислохотларининг тўғрилиги ҳамда самарадорлиги чет эллик шериклар томонидан яна бир эътироф этилганлигининг ўзига хос далолатдир.
10. Ривожланган мамлакатлар орасида чет эл инвестицияларини ўз миллий иқтисодиётига жалб этишнинг рақобат шакли йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

Мавзуга оид қўшимча маълумот

Эркин иқтисодий зоналар — шундай геофафик ҳудудки, унда мамлакатда қабул қилинган хўжалик фаолияти тартибига қараганда имтиёзли солиқ тўлаш тартиби жорий этилади. Бошқача сўз билан айтганда, ушбу ҳудудда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви камайтиради ва бу миллий иқтисодий маконнинг бир қисми бўлиб, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган маълум имтиёзлар тазими жорий этилади

Эркин иқтисодий зона — мамлакат ҳудудининг имтиёзли божхона, валюта, солиқ, виза ва меҳнат режимлари жорий этилган махсус ажратилган қисмидир.

Иқтисодий адабиётда биринчи марта эркин иқтисодий зонага 1973 йил 18 майда Киото конвенциясида расмий таъриф берилган. Унда айтилишича, бир мамлакат ҳудудида ташкил қилинган ЭИЗга киритилган маҳсулот мамлакат божхона ҳудудидан ташқарида ҳисобланиб, одатдаги божхона текширувидан ўтказилмайди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакат қудудининг алоҳида қисмидаги иқтисодий эркинлик бутунлай эмас, балки қиёсий ҳисобланади.

3) Қуйидаги тестларни ишланг:

1. Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасида нима дейилган?

- А) хорижий инвестициялар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар ташкил этишлари
- В) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ўзларидаги берилган барча ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин
- С) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ўзларидаги берилган барча кафолатлар ва имтиёزلардан фойдаланишлари мумкин
- Д) барча жавоблар тўғри.

2. Инвестиция дастури доирасида 2010 йилда нечта лойиҳа амалга оширилди?

- А) 200 га яқин
- В) 200 дан зиёд
- С) 150 га яқин
- Д) 150 дан зиёд.

3. Акциялар (улушлари, пайлари) нинг ёки устав жамғармасининг камида неча фоизини ташкил этадиган корхоналар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар дейилади?

- А) 100 % ини
- В) 70 % ини
- С) 30 % ини
- Д) 50 % ини.

4. 2010 йили жалб этилган жами инвестициялар ялпи ички маҳсулотга нисбатан неча фоизни ташкил этди?

- А) 15 %
- В) 20 %
- С) 25 %
- Д) 30 %.

5. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатига олиш тартибини қайси муассаса томонидан белгиланади?

- А) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
- В) туман ва шаҳар ҳокимияти
- С) Кишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлиги
- Д) Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги .

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5
Ж					
В/?					

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинг:

$$P_a = T_{\text{ж}} / Ж_{\text{ст}} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

2 – қисм (2 соат).

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишни 1,2-устувор йўналишлари.
2. Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишни 3,4,5-устувор йўналишлари.
3. Инвестиция лойиҳаси.
4. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширилишининг 1,2,3-боскичлари.
5. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширилишининг 4,5,6-боскичлари.
6. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширилишининг 7,8,9-боскичлари.
7. Инвестиция ресурсларининг тақчиллиги шароитида устувор йўналишга эга бўлган инвестицион лойиҳалар.
8. Бугунги банкларнинг кредит ва инвестиция фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар.
9. Инвестицион кредитлар.
10. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида тармоқ Дастурлари доирасида амалга ошириладиган йирик инвестицион лойиҳалар.

Мавзуга оид қўшимча маълумот

Ўзбекистон Республикасининг 2011-2012 йиллардаги Инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметри.

млн.сўм.

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2011йил	2012йил
	Жами капитал қўйилмалар, жумладан :	20721845	23679701
1	Марказлашган инвестициялар	4969491	5740892
1.1	Бюджет маблағлари	950000	1059254.4
1.2	Суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	105000	115560
1.3	Бюджетдан ташқари фондлар дан ,жумладан -Республика йўл жамғармаси Болалар спортини ривожлантириш -таълим васоғлиқни сақлашни реконструкция қилиш жамғармаси -ОТМни моддий техник базасини ривожлантир. жамғармаси	911834 609800 139930 162104	1431777 680796 158147 545836 46997.6
1.4	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1353527	1432400
1.5	Давлат кафолати остида хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	1376130	1701901
2	Марказлашмаган инвестициялар	16025354	17938809
2.1	Корхона маблағлари	7536261	6835725
2.2	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	2069185	3524824
2.3	Тўғридан –тўғри хорижий инвестициялар (сўм эквивалентида)	3835109	4340656
2.4	Аҳоли маблағлари	2584800	3237604

Манбаа: Ўз.Респ Президентининг 2010й.29декабрдаги ПҚ-1455 ҳамда 2011й.27 декабрдаги ПҚ-1668-сонли қарорлари.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. Лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш; қурилиш – монтаж ишлари; объектни ишлаб чиқаришда тажрибадан ўтказиш.
2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш; минерал хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
3. Қишлоқ хўжалиги, саноат ва ижтимоий соҳалардаги лойиҳалар.
4. Иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида инвестициялар киритган ҳолда олдиндан белгиланган муддат мобайнида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар комплекси.
5. 2010 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайди. Ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги ялпи улуши 85,1 фоизни ташкил этди.
6. Шартнома ҳужжатларини таёрлаш; тендерга таёргарлик кўриш; салоҳиятли инвесторлар билан мулоқотлар ўтказиш.
7. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситаларни сотиб олиш мақсадида олинган кредитлар.
8. Транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш; иқтисодиётнинг барча тармоқларида илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш; туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмни замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.
9. Енгил саноатни ва чармпоёбзал саноатини модернизациялаш.
10. Инвестиция ғояларини шаклланиши яъни танлаш ва дастлабки асослаш; инвестиция имкониятларини изоҳлаш; лойиҳани техник – иқтисодий асосланиши.

Жавоблар ва уларни

текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										


2) Қуйидаги жавобларни тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқланг:

1. Инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқариш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш, 1-навбатда унинг ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги ва узоқ муддат мобайнида амалга оширилиши билан яъни ғоядан бошлаб уни моддийликка айланиши билан изоҳланади.
2. Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга амалдаги солиқлар ва божлар юзасидан қатор енгилликлар, имтиёзлар белгиланган.
3. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган шарт-шароитлар халқаро шартнома ва хорижий инвесторлар билан келишувларда кўрсатилган шарт-шароитлар фарқ қилса, халқаро шартнома ва келишувга асосан фаолият юргизилади.
4. Хорижий инвесторларга учун зарур молиявий-иқтисодий қафолатларни таъминлаш учун ҳукумат томонидан хорижий инвесторларни ҳимоялашнинг Миллий сугурта жамғармасини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.
5. Қўшма корхоналар ташкил этиш корхона ва ташкилотларнинг чет эллик шериклар билан алоқасини юксалтиради, мамлакат ҳудудида хорижлик тадбиркорликларга кенг шароит яратади, мамлакат ҳудудига хорижий инвестицияларини жалб этади.
6. Республикаимизда яратилган қулай инвестицион муҳитнинг асосий омиллари - республикаимиздаги қулай сиёсий барқарорлик, бой хом-ашё ресурсларининг мавжудлиги, қўшма тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси яратилганлигидир.
7. Иқтисодиётда инвестиция лойиҳаларининг ишлаб чиқаришни турли тармоқларида турлича олиб борилади.

8. Хорижий инвесторларнинг қонуний фаолиятлари орқали қилинган даромадлари хорижий валютада, чегараланмаган миқдорда чегарадан олиб ўтишлари давлат томонидан кафолатланади.

Мавзуга оид қўшимча маълумот

Республикага хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 февралдаги 578-сонли Қарорига мувофиқ хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш «Ўзинфоинвест» агентлиги хорижий инвесторларга ахборот билан қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар тарафлама кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Агентлик Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил муассасадир.

«Ўзинфоинвест» агентлиги 3 та йўналиш бўйича хорижий инвестицияларни жалб этади:

1) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар:

- давлат инвестиция дастури йиғма рўйхати лойиҳалари;
- ҳудудий инвестиция дастури лойиҳалари;
- давлат кафолати остида имтиёзли кредит маблағларини жалб этиш йиғма рўйхати;
- грант маблағлари.

2) корхоналарнинг акциялар пакетини истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш;

3) кимошди савдоларига мулкый мажмуа сифатида қўйилган корхоналарни истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш.

Шунинг билан бирга «Ўзинфоинвест» агентлиги маҳаллий тадбиркорлик субъектларига хорижий инвесторларни топиш, уларни Ўзбекистонга таклиф қилиб музокаралар ташкил этишга қўмаклашиш, инвесторларга республика инвестицион салоҳияти, шунингдек солиқ ва қонунчиликдаги бошқа имтиёзлар тўғрисида маълумот беради.

3) Қўйидаги тестларни ишланг:

1. Агар, хорижий инвестициялар ҳажми 3 000 000 – 10 000 000 АҚШ долларига тенг бўлса неча йилга белгиланган солиқлардан озод этилади?

- А) 2 йилга
- В) 3 йилга
- С) 5 йилга
- Д) 7 йилга.

2. Инвестиция муҳити нима?

- А) инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар мажмуи
- В) инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи молиявий омиллар мажмуи
- С) инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи сиёсий омиллар мажмуи
- Д) барча жавоблар тўғри.

3. 2014 йилгача Ўзбекистон Тикланиш ва тараккиёт фондининг Низом жамгармасини неча баробарга босқичма-босқич кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди?

- А) беш баробарга
- В) тўрт баробарга
- С) уч баробарга
- Д) икки баробарга.

4. Иқтисодиётнинг реал сектори ҳақида тушунча.

- А) иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси
- В) иқтисодиётнинг билвосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси
- С) иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган соҳаси
- Д) А ва В жавоблар тўғри.

5. Ўзбекистон Республикасида алоҳида имтиёзлар бериш кўзда тутилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар қўйидагилардан қайси бири?

- А) Иқтисодий ва ижтимоий
- В) нефть ва газ конларини очиш ва қидириш
- С) Иқтисодий ва экологик
- Д) табиий ресурслар конларини очиш ва қидириш.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5
Ж					
В/?					

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинг:

$$P_a = T_{\text{ж}} / Ж_{\text{ст}} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

7-Амалий машғулот. Мавзу: Хорижий инвесторлар учун Ўзбекистон иқтисодиётини жалб қилувчанлигини оширишнинг асосий йўналишлари. (4 соат)

1 – қисм (2 соат).

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. 2013 йилда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир муҳим устувор йўналиш.
2. 2013 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига киритиладиган инвестициялар.
3. Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондининг бугунги кундаги жамғармаси.
4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар.
5. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолият кўрсатиш шакллари.
6. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш шакллари.
7. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатига олиш тартибини белгилайдиган муассаса.
8. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни юридик шахс ҳуқуқига эга бўлишлигини тасдиқлайдиган муассаса.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли Фармонининг мақсади.
10. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар озод этилган солиқлар ва тўловлар.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. 6 миллиард АҚШ долларидан ортиқ.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.
3. Чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратиш.
4. Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, корхоналарни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, ортиқча ишчи кучи бўлган минтақаларда янги иш жойларини яратиш дастурини амалга оширишга ҳамда хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва қафолатларни таъминлаш.
5. Туман ёки шаҳар ҳокимияти.
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шакллари.
7. Даромад (фойда), мол-мулк, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона ҳамда Республика йўл жамғармасига ажратмалар.
8. Уни таъсис этиш йўли билан ёки илгари инвестициялар иштирокисиз таъсис этилган корхонада иштирок этиш улуши (пайи,аксияси) ни ёки бундай корхонани бутунлай хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестор томонидан сотиб олинishi йўли билан.
9. Акциялари (улушлари,пайлари) нинг ёки устав жамғармасининг камида 50% ни хорижий инвестициялар ташкил этадиган корхоналар.
10. 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ инвестициялар.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвесторлар сармояларини жалб қилишга қуйидаги шарт-шароитлар мавжуддир:

- чет эллик ҳамкорларни жалб этиш учун солиқ ва божхона имтиёзлари;
- сиёсий барқарорлик;
- қулай географик жойлашув;
- мамлакатнинг муҳим транспорт коридорлари туташувида жойлашганлиги;
- Марказий Осиёнинг марказида жойлашганлиги;
- минерал ресурслар ва қазилма бойликларга бойлиги;
- тасдиқланган резервлар 1,3 трлн. АҚШ доллариға тенг;
- мамлакатнинг жами потенциал минерал ресурслари 3,5 трлн. АҚШ доллариға тенг;
- инсон ресурслари:
 - а) деярли 100 фоиз саводлилиқ даражаси;
 - б) ишчи кучининг мавжудлиги.

Хорижий инвестицияларни жалб этишга ҳудудий жиҳатдан ёндашув Республиканинг ҳар бир ҳудудининг ривожланишини таъминлашга имкон беради.

Агарда хорижий инвестиция иштирокидаги корхона - Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, ҳамда Навоий ва Фарғона водийси вилоятларининг қишлоқ ҳудудларида бўлса, у ҳолда қуйидаги солиқлардан тўлиқ озод этилади:

- ягона солиқ тўлови;
- даромад (фойда солиғи);
- мулк солиғи;
- инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

2) Қуйидаги жавобларни тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқланг:

1. Мамлакатимизда 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ доллариға тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.
2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 3 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.
3. Барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми 2 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 35 фоизини ташкил этди.
4. 2010 йилда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди.
5. 2010 йилда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонднинг қарийб 500 миллион доллар миқдоридаги маблағи ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга нисбатан 15,6 фоизга кўпдир.
6. Ўтган даврда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондининг маблағлари ҳисобидан 14 та йирик инвестиция лойиҳаси молиялаштирилди.
7. Жалб этилган жами инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди.
8. Ўзбекистон-Уммон қўшма инвестиция компанияси иштирокида тўқимачилик, телекоммуникация тармоқлари ва молия секторида умумий қиймати қарийб 50 миллион долларлик 2 та инвестиция лойиҳасини молиялаштириш ишлари бошланди.
9. Тўғридан-тўғри инвестициялар оқими кенгайиб ва ортиб бораётганлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган кўламдор демократик ва бозор ислохотларининг тўғрилиги ҳамда самарадорлиги чет эллик шериклар томонидан яна бир эътироф этилганлигининг ўзига хос далолатдир.
10. Ривожланган мамлакатлар орасида чет эл инвестицияларини ўз миллий иқтисодиётига жалб этишнинг рақобат шакли йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

3) Қуйидаги тестларни ишланг:

1. Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасида нима дейилган?

- А) хорижий инвестициялар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар ташкил этишлари
 В) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ўзларидаги берилган барча ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин
 С) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ўзларидаги берилган барча кафолатлар ва имтиёزلардан фойдаланишлари мумкин
 Д) барча жавоблар тўғри.

2. Инвестиция дастури доирасида 2012 йилда иқтисодиётимизга қанча ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди?

- А) 11млрд.700млн. доллар миқдорида*
 В) 25 млрд.дан зиёд
 С) 150млн доллар миқдорида
 Д) 10млрд.доллар дан зиёд.

3. Акциялар (улушлари, пайлари) нинг ёки устав жамғармасининг камида неча фоизини ташкил этадиган корхоналар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар дейилади?

- А) 100 % ини
 В) 70 % ини
 С) 30 % ини
 Д) 50 % ини.

4. 2012 йили жалб этилган жами инвестициялар 2011йилга нисбатан неча фоизга ўсди?

- А) 15 %
 В) 14 %*
 С) 25 %
 Д) 30 %.

5. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатига олиш тартибини қайси муассаса томонидан белгиланади?

- А) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
 В) туман ва шаҳар ҳокимияти
 С) Кишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлиги
 Д) Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги .

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5
Ж					
В/?					

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинг:

$$P_a = T_{\text{ж}} / Ж_{\text{ст}} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

2 – қисм (2 соат).

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишни 1,2-устувор йўналишлари.
2. Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишни 3,4,5-устувор йўналишлари.
3. Инвестиция лойиҳаси.
4. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширилишининг 1,2,3-боскичлари.
5. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширилишининг 4,5,6-боскичлари.
6. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширилишининг 7,8,9-боскичлари.
7. Инвестиция ресурсларининг тақчиллиги шароитида устувор йўналишга эга бўлган инвестицион лойиҳалар.
8. Бугунги банкларнинг кредит ва инвестиция фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар.
9. Инвестицион кредитлар.
10. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида тармоқ Дастурлари доирасида амалга оширилаётган йирик инвестицион лойиҳалар.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. Лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш; қурилиш – монтаж ишлари; объектни ишлаб чиқаришда тажрибадан ўтказиш.
2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш; минерал хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
3. Қишлоқ хўжалиги, саноат ва ижтимоий соҳалардаги лойиҳалар.
4. Иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида инвестициялар киритган ҳолда олдиндан белгиланган муддат мобайнида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар комплекси.
5. 2010 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайди. Ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги ялпи улуши 85,1 фоизни ташкил этди.
6. Шартнома ҳужжатларини таёрлаш; тендерга таёргарлик кўриш; салоҳиятли инвесторлар билан мулоқотлар ўтказиш.
7. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситаларни сотиб олиш мақсадида олинган кредитлар.
8. Транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш; иқтисодиётнинг барча тармоқларида илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш; туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.
9. Енгил саноатни ва чармпоёбзал саноатини модернизациялаш.
10. Инвестиция ғояларини шаклланиши яъни танлаш ва дастлабки асослаш; инвестиция имкониятларини изоҳлаш; лойиҳани техник – иқтисодий асосланиши.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

2) Қуйидаги жавобларни тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқланг:

1. Инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқариш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш, 1-навбатда унинг ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги ва узоқ муддат мобайнида амалга оширилиши билан яъни ғоядан бошлаб уни моддийликка айланиши билан изоҳланади.

2. Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга амалдаги солиқлар ва божлар юзасидан қатор енгилликлар, имтиёзлар белгиланган.
3. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган шарт-шароитлар халқаро шартнома ва хорижий инвесторлар билан келишувларда кўрсатилган шарт-шароитлар фарқ қилса, халқаро шартнома ва келишувга асосан фаолият юргизилади.
4. Хорижий инвесторларга учун зарур молиявий-иқтисодий кафолатларни таъминлаш учун ҳукумат томонидан хорижий инвесторларни ҳимоялашнинг Миллий сугурта жамғармасини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.
5. Қўшма корхоналар ташкил этиш корхона ва ташкилотларнинг чет эллик шериклар билан алоқасини юксалтиради, мамлакат ҳудудида хорижлик тадбиркорликларга кенг шароит яратаяди, мамлакат ҳудудига хорижий инвестицияларини жалб этади.
6. Республикаимизда яратилган қулай инвестицион муҳитнинг асосий омиллари - республикаимиздаги қулай сиёсий барқарорлик, бой хом-ашё ресурсларининг мавжудлиги, қўшма тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси яратилганлигидир.
7. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларга солиқ имтиёзлари 6 хил шартлар бўйича берилади.
8. Иқтисодиётда инвестиция лойиҳаларининг ишлаб чиқаришни турли тармоқларида турлича олиб борилади.
9. Хорижий инвесторларнинг қонуний фаолиятлари орқали қилинган даромадлари хорижий валютада, чегараланмаган миқдорда чегарадан олиб ўтишлари давлат томонидан кафолатланади.
10. Қўшма корхоналарнинг аҳамиятли томони олинган фойдани тақсимлаш, сарфни қоплаш, корхона фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб боришдадир.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж										
В/?										

Мавзуга оид қўшимча маълумот


Вилоятларнинг етакчи тармоқлари ва потенциал инвестиция таклифлари (тармоқлар, 2008 й.)

Вилоятлар	Мавжуд етакчи ва илғор тармоқлар	Хорижий инвестиция киритилиши мўлжалланган устувор тармоқлар	Инвестициялар хажми (млн АҚШ долл.)
Андижон	Қишлоқ хўжалиги, автомобил саноати, машинасозлик, тўқимачилик, туризм.	Тўқимачилик Ипакчилик Кимё Озиқ-овқат	5,0 3,0 3,0 3,0
Бухоро	Нефт ва газ, тўқимачилик, қурилиш материаллари, туризм.	Тўқимачилик Қурилиш материал.	150,0 2,0
Фарғона	Қишлоқ хўжалиги, нефт-газ, кимё (нефть кимёси), тўқимачилик, машинасозлик, озиқ -овқат, қурилиш материаллари, туризм.	Тўқимачилик Ипакчилик Озиқ-овқат	20,0 2,0 10,0
Жиззах	Қишлоқ хўжалиги, кимё, машинасозлик	Қурилиш материал. Озиқ-овқат	400,0 2,0

		Кимё Энергетика	5,0 60,0
Қорақалпоғистон	Энергетика, нефть кимёси, кимё, кон-металлургия.	Тўқимачилик	8,0
Хоразм	Қишлоқ хўжалиги, енгил, озик-овқат, қурилиш материаллари, машинасозлик, туризм.	Тўқимачилик Гидамчилик	150,0 50,0
Наманган	Қишлоқ хўжалиги, енгил, тўқимачилик, машинасозлик.	Тўқимачилик Ипакчилик Қурилиш материал Озик-овқат	10,0 15,0 10,0 10,0
Навоий	Кон-металлургия, кимё, қурилиш материаллари, машинасозлик, тўқимачилик	Кимё Қурилиш матер, Энергетика Тўқимачилик	170,0 100,0 250,0 10,0
Самарқанд	Қишлоқ хўжалиги, халқ истеъмол товарлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик, машинасозлик, қурилиш материаллари, кимё, электротехника, туризм	Тўқимачилик Озик-овқат Кимё	20,0 30,0 30,0
Сирдарё	Қишлоқ хўжалиги, озиқ- овқат, тўқимачилик, енгил саноат, туризм	Тўқимачилик Мебель Фармацевтика энергетика	4,0 9,0 4,0 20,0
Сурхондарё	Қишлоқ хўжалиги, нефть ва газ, қурилиш материаллари, енгил саноат, озиқ-овқат, машинасозлик, туризм	Тўқимачилик Озик-овқат Тоғ-кон саноати	25,0 9,0 15,0
Тошкент шаҳри	Тўқимачилик, енгил, кимё, фармацевтика, қурилиш матер., туризм, озиқ-овқат, машинасозлик	Электротехника Машинасозлик, тўқимачилик Қурилиш матер, Кимё, фармацевтика	16,0 50,0 25,0 100,0 6,0 . 1,0
Тошкент вилояти	Енгил саноат, рангли металлар, қурилиш матер, кимё, ёқилғи-энергетика	Озик-овқат, кимё Рангли металлург, Тоғ-кон, энергетика Фармацевтика	15,0 .10,0 . 50,0 72,0 . 600, 0 . 15,0
Қашқадарё	Қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, нефть-газ, қурилиш матер., машинасозлик, енгил, озиқ- овқат	Тўқимачилик Озик-овқат Тоғ-кон саноати	100,0 10,0 13,0

Манба: www.uzinfoinvest.uz.

**2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар
Дастури (иқтисодиёт тармоқлари таркибида, млн долл.)**



3) Қуйидаги тестларни ишланг:

1. Агар, хорижий инвестициялар ҳажми 3 000 000 – 10 000 000 АҚШ долларига тенг бўлса неча йилга белгиланган соликлардан озод этилади?

- А) 2 йилга
- В) 3 йилга
- С) 5 йилга
- Д) 7 йилга.

2. Инвестиция муҳити нима?

- А) инвестициялар жозибadorлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар мажмуи
- В) инвестициялар жозибadorлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи молиявий омиллар мажмуи
- С) инвестициялар жозибadorлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи сиёсий омиллар мажмуи
- Д) барча жавоблар тўғри.

3. 2014 йилгача Ўзбекистон Тикланиш ва тараккиёт фондининг Низом жамгармасини неча баробарга босқичма-босқич кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди?

- А) беш баробарга
- В) тўрт баробарга
- С) уч баробарга
- Д) икки баробарга.

4. Иқтисодиётнинг реал сектори хақида тушунча.

- А) иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси
- В) иқтисодиётнинг билвосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси
- С) иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган соҳаси
- Д) А ва В жавоблар тўғри.

5. Ўзбекистон Республикасида алоҳида имтиёзлар бериш кўзда тутилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар қуйидагилардан қайси бири?

- А) Иқтисодий ва ижтимоий
- В) нефть ва газ конларини очиш ва қидириш
- С) Иқтисодий ва экологик

Д) табиий ресурслар конларини очиш ва кидириш.

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5
Ж					
В/?					

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинги:

$$P_a = T_{\text{ж}} / Ж_{\text{ст}} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

Уй вазифаси:

1.Миллий инвестиция ресурслари. Протекционизм сиёсати билан ҳимоя қилинган иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инвестиция жарёнлари: ижобий ва салбий томонлари.

2.Инвестиция жараёнларини ривожлантириш моделлари.

8-мавзу: Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни хорижий инвестициялар ёрдамида ривожлантириш (4-соат)

1-қисм.(2-соат)

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1.Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқарилиши.

2. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш йўналишлари.

3. Миллий иқтисодиёт манфаатлари.

4.Ташқи савдо. Халқаро транспорт йўлаклари.

5. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий муносабатларини такомиллаштиришда инвестициялардан фойдаланиш.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1.Экспортга йўналтирилган иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий моҳиятини тушунтириб беринг.

2.Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришларни мисоллар ёрдамида изоҳланг.

3.Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири қайси йўналишларда намоён бўлди?

4.Ташқи иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигини ошириш қайси омилларга боғлиқ?

Баъзи мамлакатлар ва чет эл иқтисодчиларнинг фикрига кўра, экспортни мўлжал қилиб ташқи савдони ривожлантириш хом ашё бўлмаган товарлар экспорт улушини оширишга асос бўлиши мумкин. Ўзбекистон кўп афзалликларга эга эканлиги умуман тан олинган, уларнинг баъзилари қуйидагича:

- минерал хом-ашё кўп турларининг бой саноатбоп тури;
- кўпгина қишлоқ хўжалик ўсимликларини етиштириш учун қулай, шунингдек иссиқлик ва электр энергиясини тежаш имконини берувчи табиий иқлимий шароит;
- туризм ва тадбиркорликнинг турдош хилларини ривожлантириш имконини яратувчи бутун оламга донғи кетган бой маданий ва тарихий мерос;
- юқори малака билан бирга нисбатан арзон ишчи кучи;
- салмоқли илмий салоҳият ва амалий тадқиқотларнинг юқори даражаси;

- ривожланган инфратузилма ва бошқалар.

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

2)-қисм.(2-соат)

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1.Халқаро меҳнат тақсимоти.

2. Бутунжаҳон савдо ташкилоти.

3.Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш концепцияси.

4.Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари.

5. Мамлакат ва корхона экспорт имкониятлари.

6.Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг асосий йўналиши сифатида. 7.Ташқи иқтисодий фаолиятда маркетинг.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1.Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда хорижий инвестицияларни роли нималардан иборат?

2.Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни кредитлашнинг иқтисодий моҳиятини тушунтириб беринг.

3.Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган кредитларга қайси омиллар таъсир қилади?

4.Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспортини ривожлантиришнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

Мавзуга оид қўшимча маълумот

Хорижий инвестицияли корхоналарни ташкил этиш сабаблари¹

Ички сабаблар	Инвестиция муҳитининг устуворликларида фойдаланиш
	Рискларни тақсимлаш
	Ишлаб чиқариш миқёсида тежаш
	Бошқарувнинг янги усуллариини ўрганиш
	Хорижий бозорларга чиқишни жадаллаштириш
	Шартнома харажатларини камаййтириш
Ташқи сабаблар	Жаҳон бозорига чиқиш
	Сийосий кескинликнинг юмшаши
	Миллий ҳукумат талаблари
	Самарали рақобатни вужудга келтириш
Стратегик сабаблар	Мустаҳкам хом ашё базасига эга бўлиш
	Технологиялар трансферти
	Ишлаб чиқариш диверсификацияси
	Мамлакатда узоқ вақт фаолият олиб бориш имконияти

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

Уй вазифаси:

1. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий асослар. Кўп томонлама халқаро конвенциялар ва келишувлар.

2. Хорижий инвесторларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш.

3. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг асосий йўналиши сифатида.

9-мавзу Хорижий инвестицияларни суғурталаш ва таваккалчилик

1-қисм.(2-соат)

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. Хорижий инвестицияларни суғурталашнинг моҳияти.

2. Суғурта ҳимояси ва ҳуқуқи.

3. Хорижий инвестицияларни сиёсий ва бошқа хавф-хатарлардан суғурталаш ва Хорижий инвестицияларни суғурталаш билан шуғулланувчи ташкилотлар.

4. Капитал экспортини суғурталашнинг асосий турлари.

5. Хорижий инвестицияларни йўналтиришда таваккалчилик.

6. Ноаниқлик шароити ва унинг натижалари.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорининг ривожланиши борасидаги ўзгаришларни санаб беринг.

2. Ўзбекистонда фаолият юритаётган суғурта компаниялари ва уларнинг хорижий инвестицияларни суғурталашдаги аҳамиятини тушунтириб беринг.

3. Хорижий инвестицияларни суғурталашнинг моҳияти нималардан иборат?

4. Суғурта кафолатини тақдим этиш нимани англатади?

5. Ўзбекистон Республикасининг суғурта қонунчилиги нималарни назарда тутмайди?

6. Ўзбекистон экспортчиларига суғурта ҳимоясини тақдим этиш мақсадида қайси суғурта компанияси ташкил этилди?

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

2 -қисм.(2-соат)

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. Сиёсий ва валюта айирбошлаш таваккалчилиги.

2. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш, йўналтириш ҳамда ўзлаштиришда таваккалчиликни камайтириш ёки олдини олиш.

3. Ички ва ташқи таваккалчилик. Таваккалчиликни ҳисоблаш усуллари.

4. Хорижий инвестицияларга доир келишмовчиликлар.

5. Халқаро тижорат арбитражи.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. Сиёсий хатарлардан суғурталаш бўйича халқаро тамойилларга асосланган ҳолда қайси суғурта компанияси тузилган?

2. Чет эл инвесторлари учун зарур молия-иқтисодий кафолатларни таъминлаш учун ҳукумат томонидан чет эл инвесторларини ҳимоялаш бўйича қандай қарор қабул қилинган ?

3. Халқаро кафолатлар қачон ва нима учун қўлланилади ?

4. Халқаро кафолатларнинг асосий турлари ва уларнинг мазмунини тушунтириб беринг.

5. Инвестицияларнинг таваккалчилик даражасини тушунтириб беринг.

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

10-мавзу Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш

1-қисм.(2-соат)

1)Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1.Капитал қўйилмаларни иқтисодий самарадорлиги. Умумий иқтисодий самарадорлик.

2.Хорижий инвестицияларни самарадорлигини аниқлашнинг асосий йўналишлари: ижтимоий ва иқтисодий.

3.Хорижий инвестицияларни самарадорлигини аниқлашда фойдаланиладиган умумий кўрсаткичлар.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. Халқаро капитал ҳаракатнинг иқтисодий самараси тушунчасини ёритиб беринг.

2. Инвестициялардан келадиган фойда қандай аниқланади?

3. Капиталнинг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга оқиб ўтиши қандай омилларга боғлиқ?

4. Капиталнинг халқаро ҳаракати ишлаб чиқариш омилларини самаралироқ қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланиш эвазига қандай натижаларга олиб келади?

5. Мамлакатларнинг халқаро капитал миграцияси (ХКМ) жараёнларида қатнашиши қайси кўрсаткичлар орқали намоён бўлади?

6. Капитал импорти коэффицентини аниқлаш формуласини ёзинг ва тушунтириб беринг.

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

2- қисм.(2-соат)

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1.Инвестиция фаолиятига тегишли бўлмаган омиллар таъсирида юзага келадиган самара.

2. Хорижий инвестицияларни ижтимоий натижаларини баҳолаш.

3.Инвестицияларнинг асосий ижтимоий натижаларининг турлари.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. Инвестицион лойиҳаларни баҳолаш муаммоларини санаб беринг.

- 2 . Капитал экспорти коэффицентини аиқлаш формуласини ёзинг ва тушунтириб беринг.
- 3.Мамлакат иқтисодиётига сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида хорижий капитални улушини акс эттирувчи кўрсаткичнинг моҳиятини ёритиб беринг.
4. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни баҳолаш усуллари тушунтиринг.

3-қисм.(2-соат)

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

- 1.Хорижий инвестицияларни самарадорлигини аниқлаш усуллари.
- 2.Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини ҳисоблаш усуллари.
3. Хорижий инвестициялар келтирадиган даромадларнинг турлари.
4. Ички ва ташқи даромадлар, уларни ҳисоблаш усуллари.
- 5.Хорижий инвестициялардан кутилаётган даромадни аниқлаш.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1) Капитал импорти коэффицентини ($K_{ик}$) - хорижий капитал ($ХК$)нинг мамлакат ЯИМдаги улушини акс эттиради:

$$K_{ик} = \frac{ХК}{ЯИМ} \times 100\% \quad (10.1.1.)$$

Европа мамлакатлари ичида энг юкори кўрсаткич Белгия ва Люксембурга тегишли.

2) Капитал экспорти коэффицентини ($K_{эк}$) - экспорт килинадиган капитални ($ЭК$) мамлакат ЯИМга нисбатини акс эттиради:

$$K_{эк} = \frac{ЭК}{ЯИМ} \times 100\% \quad (10.1.2)$$

Европа мамлакатлари ичида максимал кўрсаткич Нидерландияга тегишли.

3) Мамлакат иқтисодиётига сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида хорижий капитални улушини акс эттирувчи кўрсаткич:

$$K_{эХ} = \frac{ХК}{D(K)} \times 100\% \quad (10.1.3)$$

бу ерда: $K_{эХ}$ – эҳтиёж коэффицентини, $ХК$ – хорижий капитал, $D(K)$ – мамлакатда капиталга бўлган талаб.

АҚШнинг капиталга бўлган ички эҳтиёжларининг 33% хорижий капитал хисобига қондирилади.

4) Бошқа нисбий кўрсаткичлар – миллий ишлаб чиқаришда хорижий ёки аралаш компанияларнинг улуши, ўтган даврга нисбатан капитал экспорти (импорти)ни ўсиш суръатлари, мамлакат аҳолисининг ҳар бирига тўғри келадиган хорижий инвестициялар суммаси ва бошқалар.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда «иқтисодий самара» ва «иқтисодий самарадорлик» атамаларига эътибор бериш лозимдир.

Иқтисодий самара - қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижаси бўлса, иқтисодий самарадорлик эса олинган иқтисодий самара еки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги муносабатни билдиради.

Иқтисодий самара бу қўйилма ҳисобига олинган даромаддан қўйилган капитал суммаси айирилиб топилади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$\mathcal{E} = D - K \quad (10.2.1.)$$

бу ерда:

$\mathcal{E}$ - иқтисодий самара;

D - қўйилган капиталдан даромад;

K - қўйилган капитал суммаси.

Иқтисодий самарадорлик қўйилган инвестициядан олинган фойда, даромадни қўйилган капитал суммасига бўлиш орқали топилади:

$$\mathcal{E}_1 = \frac{Иф}{K} \quad (10.2.2.)$$

бу ерда:

$\mathcal{E}_1$ - иқтисодий самарадорлик;

$Иф$ - инвестициядан фойда;

K - қўйилган капитал.

Мамалакат иқтисодиёти миқёсида инвестициянинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи мамалактда яратилган ялпи миллий маҳсулот миқдорини мамалакт миқёсида киритилган инвестици миқдориға бўлиш орқали топилади.

$$\mathcal{E} = \frac{ЯММ}{K} \quad (10.2.3)$$

бу ерда:

$\mathcal{E}$ - иқтисодий самарадорлик;

$ЯММ$ - ялпи миллий даромад;

K - ЯММни яратиш учун қўйилган капиталнинг суммаси.

Иқтисодий самара вақт функцияси ҳисобланиб, бошланишида у салбий кўринишда бўлади, чунки қўйилган капиталдан ҳали даромад олинмаган бўлади. Вақт утиши билан капитал кайтими бўлган сари даромад орта боради ва бу ижобий натижага эришилади, яъни қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капитал миқдоридан орта боради.

Қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капиталга тенглашади. Бу давр инвестицияни қоплаш даври деб аталади. Бу кўрсаткич иқтисоднинг ишлаб чиқариш соҳасига қўйилган капитал қўйилманинг самарадорлигини курсатади. Инвестицияни қоплаш даври кичик бизнес соҳасида 2-3 йил, узоқ муддатли қўйилмалар эса 10-15 йилгача давом этади. Капитал қўйилмаларни қоплаш даврининг нормативлари деган тушунча мавжуд бўлиб, бу иқтисодиёт тармоқларида қўйилган капитал қўйилмаларнинг қоплаш даврининг ўртача миқдори деб тушунилади. Ўрта ҳисобда инвестицияни қоплаш даври қилиб иқтисодиётда 6-8 йил деб қабул қилинган.

Инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссаси инвестиция нормаси деб аталади. Бу қуйидаги формула асосида ҳисобланади;

$$ЯИН = \frac{ЯИС}{ЯММ} \times 100\% \quad (10.2.4.)$$

бу ерда:

ЯИН- ялпи инвестиция нормаси;

ЯИС- ялпи инвестиция суммаси;

ЯММ- ялпи миллий даромад.

Инвестициявий лойиҳанинг (ИЛ) тижорат (молиявий) самарадорлиги—бу, ушбу ИЛ-ни юзага келтирувчи лойиҳани, унинг иштирокчилари мақсадлари ва манфаатларига мувофиқлигини акс эттирувчи категориядир.

Самарадорлик қуйидагича бўлиши мумкин:

- лойиҳанинг умумий самарадорлиги;
- лойиҳадаги иштирок самарадорлиги.

Лойиҳанинг умумий самарадорлиги иштирокчилар учун уларнинг манфаатдорлигини аниқлаш ва молиялаштириш манбаларини излаш мақсадида баҳоланади. Самарадорликнинг ушбу тури қуйидагиларни ўз ичига олади:

- лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги;
- лойиҳанинг тижорат самарадорлиги.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ИЛ амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий натижаларини ҳисобга олади.

Тижорат самарадорлиги кўрсаткичлари эса, ушбу лойиҳани амалга ошираётган иштирокчи учун молиявий натижаларни ҳисобга олади. Бунда ушбу иштирокчи лойиҳани амалга ошириш учун лозим бўлган барча харажатларни кўтариши ва лойиҳа натижаларидан тўла фойдаланиши кўзда тутилади.

Умуман олганда, лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичлари техник, технологик ва ташкилий лойиҳа қарорларини иқтисодий нуқтаи- назардан тавсифлайди.

Лойиҳадаги иштирок самарадорлиги ИЛ-ни амалга оширилиши ва барча иштирокчилар манфаатдорлигини аниқлаш мақсадида аниқланади.

Лойиҳадаги иштирок самарадорлиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхонанинг лойиҳадаги иштироки самарадорлиги (иштирокчи-корхоналар учун ИЛ самарадорлиги);
- корхона акцияларига инвестициялар қўйиш самарадорлиги (иштирокчи-акциядорлик корхоналар акциядорлари учун ИЛ самарадорлиги);
- иқтисодиётнинг айрим тармоқлари, молия-саноат гуруҳлари, уюшмалар ва холдинг тузилмалари учун – тармоқ самарадорлиги;
- ИЛ-нинг бюджет самарадорлиги (барча даражадаги бюджетлар харажат ва даромадлари нуқтаи-назаридан, лойиҳада давлат иштироки самарадорлиги).

ИЛ самарадорлигини баҳолаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда умуман лойиҳанинг самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланади. Ушбу босқичнинг мақсади – лойиҳавий қарорларнинг умумлаштирилган тарзда иқтисодий баҳолаш ва инвестор излаш учун зарур бўлган қулай шароитларни яратишдир. Локал лойиҳаларга нисбатан фақатгина уларнинг тижорат самарадорлиги баҳоланади, ва у қулай бўлган тақдирдагина, баҳолашнинг иккинчи босқичига ўтиш тавсия қилинади.

Баҳолашнинг иккинчи босқичи, молиялаштириш схемаси ишлаб чиқилгандан кейингина амалга оширилади. Ушбу босқичда иштирокчилар таркиби, уларнинг ҳар бирини молиявий иштироки ва самарадорлиги аниқланади. (Четыркин Е.М. Методы финансовых и коммерческих расчётов. - М.: 1995.)

Соф дисконтланган даромад (СДД) ва даромадлиликнинг ички меъёри (ДИМ)ни ҳисоблаш учун инвестициялардан олинadиган даромадни билиш лозим. Бу даромадни топиш учун эса, маҳсулот (хизмат) нархини ёки бошқача қилиб айтганда инвестициявий қўйилмалар натижаларининг қиймат баҳосини билиш лозим. Бундан келиб чиққан ҳолда, натижанинг қиймат баҳоси бўлмаган тақдирда, СДД ва ДИМ кўрсаткичлари ёрдамида

лойиҳанинг абсолют самарадорлигини аниқлаб бўлмайди, деган хулосага келиш мумкин. Аммо, масала бундай қўйилганда ҳам, СДД ва ДИМ кўрсаткичларини ҳисоблаш мумкин. Гап шундаки, бунда икки хил вариант кўриб чиқилади: биринчи (лойиҳа) ва иккинчи (ноллик муқобил) вариантлар. Бундай ёндашувда даромад объектни эксплуатация қилиш харажатларини тежаш билан алмаштирилади, ноллик вариант бўйича инвестициявий қўйилмалар эса, нолга тенглаштирилади. Ноллик вариант бўйича қўйилмалар ҳақиқатдан ҳам нолга тенг бўлгандагина бундай ёндашув тўғри бўлади. Ноллик вариантдаги масала ечимини кўриб чиқайлик. Таққослама самарадорлик кўрсаткичидан фойдаланамиз:

$$C_T = \frac{T_1 - T_2}{K_2 - K_1} \quad (10.2.5.)$$

бу ерда: T_1 ва T_2 – таққосланаётган вариантлар бўйича йиллик маҳсулот таннари.

$K_1=0$ экан, унда таққослама самарадорлик кўрсаткичи E_c абсолют самарадорлик кўрсаткичига айланади ва уни рентабеллик (P) орқали белгилаш мумкин, яъни:

$$R = \frac{X_1 - T_2}{K_2} \quad (10.2.6)$$

Ҳақиқатдан ҳам, $K_1=0$ бўлса биринчи вариант бўйича амортизация ҳам нолга тенг, T_1 эса, X_1 га тенг бўлади ($T_1=X_1$). (X -харажатлар).

Шундай қилиб, (X_1-T_2) йиллик тежашга олиб келаётган K (K_2 , $K_1=0$ да) капитал қўйилмалари амалга оширилмоқда. Капитал қўйилмалар самаралими ёки йўқми деган саволга қуйидаги кўрсаткич ёрдамида жавоб бериш мумкин:

$$X_1 - T_2 > CK \quad \text{ёки} \quad X_1 - T_2 - CK > 0 \quad (10.2.7.)$$

Ҳақиқатдан ҳам, агарда рентабеллик катталигини C билан таққосланса, унда K_2

самарадорлигининг шarti бўлиб $R = \frac{(X_1 - T_2)}{K_2} > E$ хизмат қилади.

Агарда объектнинг хизмат муддати (T) даги жорий харажатлар тежамини ҳисобга олсак, унда лойиҳа самарадорлиги қуйидаги тенгсизлик билан аниқланади:

$$\frac{(1+C)^T - 1}{(1+C)^T \cdot C} \cdot (X_1 - X_2) - K > 0$$

Объект хизмат кўрсатиш муддатидаги СДД: $CDD^T = \frac{(1+C)^T - 1}{(1+C)^T \cdot C} \cdot (X_1 - X_2) - K$

Капитал қўйилмалар самарадорлигини аниқлаш учун ўртача йиллик соф даромад (аннуитет) дан ҳам фойдаланиш мумкин. Аннуитет йиллик тежам катталигидан кичик бўлмаса, капитал қўйилмалар варианты самарали ҳисобланади.

$$(X_1 - X_2) - K > K \frac{C(1+C)^T}{(1+E)^T - 1} \quad (10.2.8.)$$

Лойиҳа самарадорлиги даражасини эса, ДИМ кўрсаткичи ёрдамида аниқлаш мумкин. $СДД^T=0$ даги даромадлилиқ – бу ДИМдир.

Пул оқими унсурларининг ҳар хил вақтда пайдо бўлиши муносабати билан уларни ўзаро таққослаш муаммоси туғилади. Чунки, ҳар хил вақтда олинган бир хил пул суммаларини тенг қийматли деб бўлмайди. Бизнеснинг “олтин” қондасига мувофиқ: бугунги пуллар эртага олинадиган пуллардан қимматлироқдир.

Молиявий таҳлилларда вақт омилини ҳисобга олишга бўлган турли ёндашувлар қўлланилади. Энг тарқалган услуб бу келажакдаги неъматлардан ҳозиргиси афзаллироқ эканлигининг нисбий даражасини акс эттирувчи ва таққословчи функция услубидир. Амалиётда, кўп ҳолларда ушбу мақсад билан мураккаб фоизлар кўринишидаги функция қўлланилади. Бундай ёндашувда пулларнинг жорий ва келажакдаги қийматлари мураккаб фоиз формуласи билан ўзаро боғланган:

$$C_n = C_0 - (1 + p)^n \quad (10.2.9.)$$

бу ерда:

- C_n –пул маблағларининг жорий суммаси;
 C_0 –н та бир хил вақт оралиқларидан кейинги пул маблағлари суммаси (пулларнинг қўшилган суммаси);
 p –бир вақт оралиғидаги даромадлилиқ ставкаси (фоиз ставкаси).

Бунинг маъноси шундаки, агарда p йиллик даромадлилиқ ставкасига эга бўлган ишга C_0 сўм пул қўйилса, унда n -йилдан сўнг биз C_n сўм пулга эгалик қилишимиз мумкин бўлади. Ва аксинча, жорий вақтга келтирилган, C_n келажакдаги пул суммасининг реал қиймати, қуйидаги формула бўйича баҳоланади:

$$S_o = S_n \cdot dm_n \quad (10.2.10.)$$

бу ерда:

- dm_n –дисконт кўпайтирувчиси;
 p –ставкаси бўйича, n даврига тегишли бўлган дисконт кўпайтирувчи қуйидаги тарзда аниқланади:

$$dm_n = 1/(1+p)^n \quad (10.2.11.)$$

Демак, келажакдаги даромадларни жорий вақт даврига олиб келиш жараёни дисконтлаш дейилади, яъни, бугунги олинган бир сўм, бир йилдан сўнг олинадиган бир сўмдан янада юқориқ баҳоланишини акс эттиради. Бунинг сабаби фақатгина инфляция эмас, балки даромадларни кўпайтиришнинг турли имкониятлари мавжудлиги ва улардан воз кечиш келажакдаги муайян пул суммасини йўқотиш билан тенгдир. Дисконт меъёрини танлаш инвестициявий таҳлилнинг мураккаб муаммосидир. Бозор иқтисодиёти шароитларида дисконт меъёри биринчи навбатда корхона пул ресурсларини ишлатиш бўйича альтернатив инвестициявий имкониятларни акс эттириши лозим.

Дисконтлаш операцияси инвестициявий лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда кенг қўлланилади, чунки у вақтнинг турли даврларига тегишли даромад ва харажатларни таққослаш имконини беради.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб турган чет эллик ташкилотлар ваколатхоналарининг бизнесга техникавий ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш салоҳиятидан туликрок фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Масалан, немис иқтисодиёти ваколатхонасида замонавий ишлаб чиқариш технологиялари, ускуналар ишлаб чиқарадиган фирмалар

реквизитлари буйича ахборотлар олиш мумкин. Бундан ташқари, катта экспертлар жамияти маркетинг соҳаси, иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ишлаб чиқариш менежменти буйича немис мутахассисларининг бепул маслаҳатларини ташкил этади. ГТЗ, ИСЕ, ТИКА, ЖИСА ва хоказолардаги худди шунга ухшаш мутахассисларнинг молиявий ва ташкилий ёрдамларидан фойдаланган ҳолда чет элда экспорт маҳсулотини реклама қилиш ва олға силжитиш буйича кўргазмалар, шунингдек ўқув семинарлари ташкил этиш мумкин.

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

11-мавзу Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка хорижий инвестицияларни жалб этиш

1 -қисм.(2-соат)

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1.Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти.

2.Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришда халқаро молиявий муассасалар билан ҳамкорлик.

3.Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш механизми. 4.Кичик ва хусусий бизнес субъектларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

2. Иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашнинг муҳим макроиқтисодий омиллари қайсилар?

3. Кичик корхоналарни ривожлантиришда банк молия тизимининг ўрни қандай?

4. Кичик бизнес нуқтаи назаридан инвестиция муҳитининг жозибадорлик даражасини нималарга боғлиқ?

5. Хусусий тадбиркорликнинг асосий хусусияти инвестициялар жалб этиш жараёнига қандай таъсир қилади?

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

2-қисм.(2-соат)

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1.Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар.

2. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хорижий кредит линияларидан фойдаланиш.

3.Минтақа ва ҳудуд даражасида инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқиши.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

6. Хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлар тадбиркорлик субъектларига асосан қандай мақсадларда берилади?

7. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ва уларнинг моҳияти нималардан иборат?

8. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг биржа савдоларида иштирок этиш имкониятларини ошириш мақсадида қандай ишлар амалга оширилди?

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

3 -қисм.(2-соат)

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1.Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестициявий муҳитни шакллантириш.

2. Кичик бизнес нуқтаи назаридан инвестиция муҳитининг жозибадорлик даражасини аниқлаш.

3. Кичик ва хусусий бизнес маҳсулотларининг экспорти.

4. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Давлат кафолат фонди.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1.Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига сафланган инвестициялар

Уй вазифаси:

1.Кичик бизнес нуқтаи назаридан инвестиция муҳитининг жозибадорлик даражасини аниқлаш.

12-мавзу Эркин иқтисодий ҳудудлар

1-қисм.(2-соат)

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1.Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш-хорижий инвестицияларни жалб этишнинг устивор йўналиши сифатида.

2.Эркин иқтисодий ҳудудларниташкил этилиши ва ривожлантирилишининг халқаро тажрибалари.

3. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ривожланиш динамикаси.

4. Ривожланган мамалакатлар иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларнинг аҳамияти.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1. Эркин иқтисодий зона нима ва уни шакллантириш зарурияти нималардан иборат?

2. ЭИЗни ташкил этишдаги функционал ва ҳудудий ёндашувлар ўртасида қандай фарқлар мавжуд?

3. ЭИЗнинг хусусиятлари нималардан иборат?

4. ЭИЗнинг турлари ва улар ўртасидаги фарқларни тушунтириб беринг?

5. Оффшор зоналарнинг бошқа ЭИЗдан фарқлари нималардан иборат?

6. Оффшор зоналарнинг қандай турлари мавжуд?

«Навой» ЭИИЗни ташкил этиш шарт-шароитлари, хусусиятлари ва амалга ошириш босқичлари нималардан иборат?

2) Қуйидаги тестларни бажаринг:

1. Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси фармони ёки қарори асосида амалга оширилмоқда?

- А) 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059 сонли;*
- Б) 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670 сонли
- В) 2007 йил 4 январдаги ПҚ-554 сонли
- Г) 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024 сонли

2. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона қайси ҳудудда ташкил қилинишини аниқ кўрсатинг?

- А) Навоий шаҳрининг ҳудудида
- Б) Навоий тоғ-металург комбинати ҳудудида
- В) Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида
- Г) Қизилтепа тумани ҳудудида

3. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддати неча йилни ташкил этади?

- А) 15 йил
- Б) 30 йил*
- В) 20 йил
- Г) 35 йил

4. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар қайси солиқ турларидан вақтинча озод қилинганлар?

А) Ер ва мулк солиқлари, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи

Б) Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан

В) Даромад солиғи ва ягона солиқ тўловидан (кичик корхоналар учун)

Г) Барчаси тўғри

5. Мамлакатнинг инвестицион иқлими - бу?

А) Инвестицияларни даромадлилигига ва инвестицион рискларни даражасига сезиларли даражада таъсир этадиган мамлакатдаги инвестицион фаолиятнинг шарт-шароитларининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий тизими

Б) Мамлакатнинг ҳудудларини ялпи инвестицион салоҳиятини тавсифловчи кўрсаткич

В) Мамлакатнинг олтин захирасини ҳажми

Г) Реал инвестициялаш объектлари ва молиявий инвестициялаш инструментлари бозори

6. Инвестицион иқлимнинг яхшиланиши – бу?

А) Сиёсий барқарорлик

Б) Молиявий барқарорлик

В) Иқтисодий ўсишнинг шарт-шароитларини шакллантириш

Г) Тўғри жавоб йўқ

7. Инвестицион салоҳият - бу?

А) Инвестицион фаолиятни нормал ҳолда амалга оширишга туртки бўладиган меъёрий шарт-шароит

Б) Мамлакатни, ҳудудни ёки тармоқни ривожланишини асосий макроиқтисодий шароитларини ҳисобга оладиган миқдорий тавсиф

В) Инвестицион фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган, мақсадли шакллантирилган реал ва молиявий қўйилмаларнинг мажмуи

Г) Инвестицион бозорнинг макроиқтисодий ўрганиш

8. Инвестициялашнинг ҳуқуқий шартлари - бу?

А) Инвестицион сиёсатни амалга ошириш учун ажратилган пул маблағлари ҳажми

Б) Инвестицион фаолият амалга ошириладиган қонуний муҳитни шакллантирадиган меъёрий шароит

В) Ҳудудни инвестицион салоҳиятини таркибий қисми бўлган ишлаб чиқариш омилларини ишлатиш тартиби

Г) Солиқ имтиёзлари ва инвестицион рискларни ҳукумат томонидан кафолатлаш

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8
Ж								
В/?								

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинг:

$$P_a = T_{\text{ж}} / Ж_{\text{ст}} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

2-қисм.(2-соат)

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларларни ташкил этишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари.

2. Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий ҳудудларларни ташкил этишда инвестиция муҳитининг ўрни.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин иқтисодий ҳудудларларни ташкил этиш усуллари ва йўналишлари.

4. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш имкониятлари ва ривожлантириш йўналишлари.

5. Навоий Ангрен ва Жиззах эркин индустриал иқтисодий зоналарини ташкил этилиши..

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1.ЭИЗнинг хусусиятлари нималардан иборат?

2.ЭИЗнинг турлари ва улар ўртасидаги фарқларни тушунтириб беринг?

3.Оффшор зоналарнинг бошқа ЭИЗдан фарқлари нималардан иборат?

4.Оффшор зоналарнинг қандай турлари мавжуд?

5.«Навоий» ЭИИЗни ташкил этиш шарт-шароитлари, хусусиятлари ва амалга ошириш босқичлари нималардан иборат?

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

13-мавзу : Халқаро солиқ муносабатлари

1-қисм.(2-соат)

1) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1.Халқаро фаолиятни солиққа тортиш ва мамлакат ташқи солиқ сиёсати.

2. Халқаро солиқ келишувларининг мақсади.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1.Халқаро солиққа тортиш муносабатларини ўрганишнинг асосий заруратини ифодаланг.

2.Ташқи солиқ сиёсатига тариф беринг.

3.Мамлакат солиқ юрисдикциясининг манёврлаштириш имкониятларини изохланг.

4.Солиқ муносабатларини тартибга солишнинг асосий воситалари таърифланг.

5.Мамлакатлар ўртасидаги солиққелишувларининг турларини ифодаланг.

6.Халқаро солиқ келишувларининг мақсадларини ифодаланг.

7.Солиқ келишувларида қўлланиладиган икки ёклама солиққа тортишга барҳам беришнинг уч поғонали тизимини изохланг.

8 .Қайси халқаро келишувлар ўзида солиққа тортиш масаларини ҳам кўриб чиқади.

Мавзуга оид қўшимча маълумот

“Жахон солиқ кодекси асослари” 1993 йилда тайёрланиб ,нашрдан чиқарилди. Унинг муаллифи Гарвард университетининг (АҚШ) мутахасислари Уорд М.Хасси ва Дональд С.Любиклардир.Ушбу кодекс асослари 300 бетдан иборат бўлиб, 591та модда ва изоҳни ўз ичига олган Солиқ кодекси матнидан иборат.Кодекснинг асосий мақсади-ислохатларни амалга ошираётган давлатларга илмий асосда солиқ муносабатларини бошқариш ,ягона терминология ва ягона мазмундаги изоҳларни яратиш имкониятларини тақдим этишдир.

3) Тест материалларини ишланг:

1. Куйидаги курсатилган Иқтисодий интеграция шаклларида кайси бири халқаро Иқтисодий интеграция шаклини ифодаламайди?

- А) эркин савдо хонаси
- *В) божхона иттифоки**
- С) тула Иқтисодий иттифоки
- Д) мамлакат минтакалари ўртасидаги меҳнат тақсими
- Е) тўғри жавоб юк

2. Ҳозирги вақтда марказий Осиё Иқтисодий макони қандай давлатлар ўртасида шаклланимуда?

- А) Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида
- В) Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасида
- *С) Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ўртасида**
- Д) Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистон ўртасида
- Е) тўғри жавоб юк

3. Ўзбекистон кайси халқаро Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб қирмаган?

- А) европа таъмирлаш ва ривожланиш банка
- В) Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти /ЕКО/
- С) мустиқ давлатлар ҳамдустлиги /МДХ/
- *Д) нефт экспорт килувчи мамлакатлар иттифоки /ОПЕК/**
- Е) Ҳамма жавоб тўғри

4. европа ҳамжамиятига ҳозирда нечта давлат аъзо?

- А) 20 та
- *В) 25 та**
- С) 15 та
- Д) 18 та
- Е) 22 та

5. Халқаро валюта фондида нечта давлат аъзо?

- А) 198 та
- В) 235 та
- *С) 178 та**
- Д) 200 та
- Е) 150 та

6. Ташқи Иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг мажбурий рухсат бериш ва тақиклаш хусусиятига эга бўлган усулни аниқланг?

- *А) бевосита усуллар**
- В) билвосита усуллар
- С) такомиллашган усули

Д) мажбурий булмаган усули

Е) сиёсий ижтимоий усул

7. Адвалер бож кайси жавобда тўғри қўрсатилагн?

А) махсулотлар кийматидан фоиз хисобида олинади

В) махсулотни энг кам миқдоридан олинади

С) энг куп миқдоридан олинadиган божлар

Д) компенсацион божлар

Е) мавсумий махсус божлар

8. Лицензиялаш неча турга бўлинади?

А) бир неча марта лицензиялаш

В) икки ва ундан ортик лицензиялаш

С) бош лицензиялаш

Д) бир марталик ва икки марталик

*Е) бош ва бир марталик лицензиялашга бўлинади

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8
Ж								
В/?								

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинг:

$$P_a = T_{\text{ж}} / Ж_{\text{ст}} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

2-қисм.(2-соат)

2) Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг ташқи солиқ сиёсати.

2.Солиқларни режалаштириш ва унинг босқичлари.

Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:

1.Жаҳон солиқ кодексини изоҳланг.

2.Солиқ келишувлари мавжуд бўлмаган шароитда солиққа тортиш қандай амалга оширилади.

3.Ўзбекистон Республикаси ташқи солиқ сиёсатининг асосий вазифаларини изоҳланг .

4.Ташқи солиқ сиёсатига салбий таъсир этувчи омилларни изоҳланг.

5.Чет эл мамлакатларда хусусий секторни давлат буюртмаларидан олинadиган даромадлари қандай тартибга солинади.

6.Солиқларни режалаштириш ва унинг босқичларига изоҳ беринг.

3) Тест материалларини бажаринг.

1. Халқаро савдонинг товар хажми ва ассортименти нима билан чегараланган?

А) миллий эҳтиёжлар билан чегараланади

*В) товар хажми ва ассортименти умуман чегараланмайди

С) мамлакатнинг валюта захиралари билан чегараланади

Д) халқаро хужалик эҳтиёжлари билан чегаралади

Е) тўғри жавоб юк

2. Ташқи садо хажми мамлакат ялпи миллий махсулотида қандай даражадаги ҳиссада бўлиши мумкин?

*А) 10 фоиздан кам булмаган ҳиссада

В) 10-25 фоиз даражасида

С) 25-50 фоиз даражасида

Д) 50 ва ундан ортик фоиз даражасида

Е) А ва С жавоблар тўғри

3. Куйидаги мамлакатлар гурухларидан ривожланган мамлакатларга мансуб гурухни аниқланг?

- А) АКШ, Дания, Нидерландия, Мексика, Кувайт
- В) Бразилия, Индонезия, Швеция, Белгия
- С) Франция, Англия, Италия, Япония, Австрия
- *Д) Австрия, Янги Зеландия, Португалия, Жанубий Корея, Сингапур
- Е) тўғри жавоб юк

4. 80--90 йилларда қайси гурух мамлакатларида Иқтисодий ўсиш суръатлари юқорилиги юз бераётир?

- *А) ривожланган мамлакатлар гурухида
- В) шимолий Америка мамлакатларида
- С) европа ҳамжамияти мамлакатларида
- Д) Анд гурухи мамлакатларида
- Е) В ва С жавоб тўғри

5. Ривожланган мамлакатлар жахон бозорида қандай давлатлар билан ташқи Иқтисодий савдо алоқаларига устиворлик бераётирлар?

- *А) ривожланаётган мамлакатлар билан, чунки уларда арзон хом-ашё ёкилги-энергия, иш кучи борлиги туфайли
- В) поссовет, поссоциалистик мамлакатлар билан
- С) ривожланган давлатлар узлари ўртасида
- Д) янги индустриал мамлакатлар деб юритилаётган давлатлар билан
- Е) тўғри жавоб юк

6. Халқаро Иқтисодий интеграциянинг ривожланган мамлакатларга хис шаклини жавоблар ичидан топинг?

- А) Шимолий Атлантика Блоки / НАТО /
- В) Жанубий-Шарқий Осиё ва Тинч уммони мамлакатлари интеграцияси
- *С) Шимолий Америка мамлакатлари Иқтисодий интеграцияси
- Д) Африка бирлиги ташкилоти
- Е) ҳамма жавоб тўғри

7. Ўзбекистон олтин қазиб олишни қупайтириш ва уни қайта ишлашни юлга қуйиш учун қайси мамлакатларнинг фирмалари билан ҳамкорлик килинмокда?

- А) Россия фирмалари билан
- В) эрон, Покистон, Индонезия ва Малазия билан
- *С) АКШ, Жанубий Африка республикаси ва Исроил билан
- Д) МДХ давлатларининг фирмалари билан
- Е) тўғри жавоб юк

8. Валюта курсига қандай омил бевосита таъсир этмайди?

- А) мамлакатлар иқтисодиётидаги баркарорлик
- В) мамлакат пул балансининг холати
- *С) валюта бозорларидаги холат, валюталарнинг жахон бозорида ишлатилиши, валютага бўлган ички ва ташқи бозордаги ишонч
- Д) халқаро Иқтисодий ташкилотларнинг симпозиумлари, семинарлари, сессиялари, анжуманлари
- Е) А ва В жавоблар тўғри

9. “Валюта демпинги” қайси жавобда тўғри талкин килинган?

- А) миллий валютанинг жахон валюта бозорида уз кийматига мувофик сотилиши
- В) миллий валютанинг уз курсидан юқори бахоларда сотилиши
- С) валютани унга талаб ва таклифига асосан сотилиши
- *Д) валютани уз курсидан паст бахоларда сотилиши
- Е) тўғри жавоб юк

Жавоблар ва уларни текшириш жадвали

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9
Ж									
В/?									

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинги:

$$P_a = T_{\text{ж}} / Ж_{\text{ст}} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

А-1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Қ-1, 2, 3, 4, 5, 7, 14, 15.

Уй вазифаси:

1. Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни солиққа тортиш чораларини ўрганиш.

Мавзуга оид қўшимча маълумот

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ 30.04.1998 й. Н 609-Х

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонунга ЎзР 20.08.1999 й. 832-Х-сон Қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

- 1 - модда. Қонуннинг мақсади ва вазифалари
- 2 - модда. Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
- 3 - модда. Чет эл инвестициялари
- 4 - модда. Чет эллик инвесторлар
- 5 - модда. Чет эл инвестицияларини амалга ошириш шакллари
- 6 - модда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар
- 7 - модда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари
- 8 - модда. Корхоналарнинг хўжалик бирлашмалари
- 9 - модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари учун хусусий режим
- 10 - модда. Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари
- 11 - модда. Чет эллик инвесторларнинг мажбуриятлари
- 12 - модда. Чет эллик инвесторларнинг хўжалик фаолияти
- 13 - модда. Концессия шартномалари
- 14 - модда. Чет эллик ходимларни жалб этиш
- 15 - модда. Юриш эркинлиги
- 16 - модда. Чет эл инвестицияларини суғурта қилиш
- 17 - модда. Мажбуриятларни таъминлаш
- 18 - модда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қайта ташкил этиш ёки тугатиш
- 19 - модда. Чет эл инвестициялари бўйича давлат мажбуриятлари
- 20 - модда. Чет эл инвестицияларини жалб этишни амалга оширувчи органларнинг вазифалари

- 21 - модда. Чет эллик инвесторларнинг фаолияти устидан назорат қилиш бўйича давлат органларининг ваколатлари
22 - модда. Ўзаро зид қоидалар

1-модда. Қонуннинг мақсад ва вазифалари

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари амалга оширилишининг ҳуқуқий асослари ва тартибини белгилаб беради.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари:

чет эл инвестициялари кириб келишини рағбатлантириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг жаҳон иқтисодий тизимида қўшилишига қўмаклашишдан;

чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибасини жалб этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишдан иборат.

2-модда. Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун, Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Чет эл инвестициялари

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

Ушбу Қонунда тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига чет эллик инвесторлар томонидан реинвестиция тариқасида қўшиладиган даромад деганда Ўзбекистон Республикасида инвестициялашдан олинган ҳар қандай маблағ, шу жумладан фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва коммиссион мукофотлар, техникавий ёрдам, техник хизмат кўрсатиш учун тўловлар ва бошқа шаклдаги мукофот пуллари тушунилади.

4-модда. Чет эллик инвесторлар

Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;

давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;

чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;

чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

5-модда. Чет эл инвестицияларини амалга ошириш шакллари

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва (ёки) жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган ҳўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;

чет эллик инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган ҳўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;

мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш;

интеллектуал мулкка, шу жумладан муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хауга, шунингдек ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш;

концессиялар, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш;

савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш орқали.

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширишлари мумкин.

Чет эл инвестициялари бирламчи ёки такроран амалга оширилаётган шаклларининг ўзгартирилиши уларнинг инвестиция сифатидаги моҳияти ўзгаришига олиб келмайди.

6-модда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ўзларига берилган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёزلардан фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда акцияларининг (улушлари, пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади. Улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатадилар. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қатнашчиларидан бири ушбу Қонун 4-моддасининг иккинчи, учинчи ёки тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган чет эллик инвестор бўлиши шарт.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона уни таъсис этиш йўли билан ёки илгари чет эл инвестициялари иштирокисиз таъсис этилган корхонада иштирок этиш улушини (пайини, акцияларини) ёхуд бундай корхонани бутунлай, шу жумладан хусусийлаштириш

жараёнида чет эллик инвестор томонидан сотиб олиниши натижасида ташкил этилиши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатига олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

7-модда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, филиаллар, шунингдек юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалари ташкил этилиши мумкин.

8-модда. Корхоналарнинг хўжалик бирлашмалари

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ихтиёрий равишда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уюшмалар, концернлар, корпорациялар, консорциумлар ва бошқа хўжалик бирлашмалари ташкил этиши, амал қилиб турган бирлашмалар таркибига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида кириши мумкин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари учун ҳуқуқий режим

Давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишлари чоғида уларнинг барча ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади.

Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари учун адолатли ва тенг ҳуқуқли режим, уларнинг тўлиқ ва доимий ҳимояси ҳамда хавфсизлиги таъминланади. Бундай режим Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгилаб қўйилган режимга қараганда ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас.

Чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий режими Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари томонидан амалга оширилаётган инвестицияларнинг тегишли режимига қараганда ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида иқтисодиёт ва фаолиятнинг муайян соҳаларида чет эл инвестициялари учун чеклашлар ёки таққ назарда тутилган бўлиши мумкин.

Чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан кафолатланган ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилганда уларни тиклаш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, шу жумладан халқаро шартномалари билан тартибга солинади.

10-модда. Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари

Чет эллик инвестор халқаро ҳуқуқ принциплари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

инвестициялашни амалга оширишнинг ҳажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш;

инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

ўзининг инвестицияларига ва инвестиция фаолиятининг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш. Чет эллик инвесторнинг қарорига биноан инвестицияларга, уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Ҳуқуқлар бошқа шахсга берилганда тарафларнинг ўзаро муносабатлари шартномалар асосида тартибга солинади;

Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция фаолияти натижасида олинган ўзига қарашли ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини чет элларда ва Ўзбекистон Республикасида патентлаштириш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилиш;

инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни мустақил ва эркин тасарруф этиш (шу жумладан уни монеликсиз репатриация қилиш);

Ўзбекистон Республикасига кредитлар ва қарзлар тариқасида пул маблағлари жалб этиш;

ўз ҳисобварағидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш учун фойдаланиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва шартларда ер участкаларига доир ҳуқуқларни сотиб олиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўзига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган мол-мулк ва ҳар қандай мулкый ҳуқуқлардан зиммага олган мажбуриятларнинг, шу жумладан қарз маблағларини жалб этишга қаратилган мажбуриятларнинг барча турлари бўйича таъмин сифатида фойдаланиш;

ўз инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция қилинган тақдирда мутаносиб равишда товон олиш;

давлат бошқарув органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳамда қарорлари натижасида етказилган зарарларни ундириш.

Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

11-модда. Чет эллик инвесторларнинг мажбуриятлари

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширганда:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этишлари;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа тўловлар тўлашлари;

инвестициялаш муносабати билан ўз зиммаларига олган шартнома мажбуриятлари бўйича жавоб беришлари;

инвестиция лойиҳаларида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларидан келиб чиқадиган санитария-гигиена, экологияга оид ва бошқа талабларга риоя этилганлиги хусусида экспертиза хулосасини олишлари;

ўз рақобатчиларига нисбатан кўшимча имтиёзлар ва афзалликлар олиш мақсадида инвестиция фаолияти бўйича шерикларига ёки давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бевосита ва (ёки) билвосита ноқонуний таъсир ўтказишнинг ҳар қандай шаклларида ўзларини тийишлари шарт.

Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига риоя этмаганлик учун умумий асосларда жавобгар бўлади ҳамда ўзига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган ўзининг мол-мулки билан жавоб беради.

12-модда. Чет эллик инвесторларнинг хўжалик фаолияти

Чет эллик инвесторларнинг хўжалик фаолияти, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, уларнинг шўъба корхоналари, филиаллари ва бошқа тузилмаларини, шунингдек хўжалик уюшмалари ва бирлашмаларини ташкил этиш, сотиш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фондларини шакллантириш, ижара шартномалари ва бошқа шартномаларини тузиш бўйича фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, солиқлар ва бошқа тўловларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланувчи ўз ходимлари учун ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот бўйича тўловларни амалга оширади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг чет эл валютасидаги барча харажатлари уларнинг ўз валюта тушумлари ҳисобига, шунингдек чет эл валютасини олишнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида рухсат этилган бошқа манбалари ҳисобига таъминланиши лозим. Уларнинг валютада ўзини ўзи қоплаши тузиладиган консорциумлар, бирлашмалар ва бошқа ташкилий тузилмалар доирасида ҳам таъминланиши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда экспорт-импорт операцияларини мустақил равишда амалга оширадилар. Ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни экспорт қилганларида бундай маҳсулот лицензияланмайди ва квоталанмайди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотни лицензиясиз импорт қилишга ҳақли. Экспортга чиқариладиган ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулотини ва корхоналар томонидан ўз эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган маҳсулотни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикасига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шунингдек чет эллик инвесторларнинг ва чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида турган чет давлатлар фуқароларининг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан бож тўлови олинмайди.

Чет эллик инвесторларга ҳамда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга тегишли, уларнинг инвестициялари сифатида қўшиладиган ихтироларни патентлаш ва sanoat намуналарини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар корхона фондлари рўйхатини, уларни вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш тартибини мустақил равишда белгилайди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ходимларининг меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ходимларини ижтимоий суғурта қилиш ва ижтимоий таъминлаш (чет эллик ходимларни ижтимоий суғурта қилиш ва таъминлаш бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва шартларда ер участкалари сотиб олишлари мумкин.

Иморатлар ва иншоотларга бўлган мулк ҳукуқи бошқага ўтаётганда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда шу объектлар билан биргаликда ер участкасидан фойдаланиш ҳукуқи ҳам ўтади.

Чет эллик инвесторларга мол-мулкни ижарага бериб қўйиш ижарага берувчи томонидан шартномалар асосида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни ва ҳисоботни амалга оширадилар. Улар бухгалтерия дафтарлари ва ёзувларини Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида, шунингдек, ўз хоҳишларига кўра, эркин айрбошланадиган валютада юритадилар.

13-модда. Концессия шартномалари

Чет эллик инвесторларга табиий ресурсларни қидириш, казиб олиш ва улардан фойдаланиш ҳамда бошқа хўжалик фаолиятини юритиш учун концессиялар бериш чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг ваколатли органлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузадиган концессия шартномалари асосида амалга оширилади.

Концессияларга, агар улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бўлса ва тузиладиган концессия шартномаларининг мақсадларига жавоб берса, фаолиятнинг барча соҳалари ва турларида йўл қўйилади.

14-модда. Чет эллик ходимларни жалб этиш

Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳар қандай чет давлат фуқаролари билан ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар билан инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида эркин меҳнат шартномалари тузиш ҳукукига эга. Бундай шахслар тегишли кўп марталик визалар олган ҳолда меҳнат шартномасининг бутун амал қилиш даври учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келиб кетиш ва унда қолиш ҳукукига эга.

Чет эллик ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларга таътиллар бериш, уларни пенсия билан таъминлаш масалалари уларнинг ҳар бири билан тузилган меҳнат шартномаларида ҳал этилиши лозим. Бундай ходимлар иш ҳақи ва қонуний йўл билан олган ўзга даромадларини бошқа давлатларга, қонунда белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан кейин, бирон-бир чекловсиз ўтказишлари мумкин.

Чет эллик инвестор, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона чет эллик ходим доимий яшайдиган мамлакатдаги тегишли фондларга шу ходим учун ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот тўловларини ўтказди.

15-модда. Юриш эркинлиги

Инвестиция фаолияти билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикасида бўлиб турган чет эллик инвесторлар, уларнинг вакиллари ва чет эллик ходимлар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудига эркин юриш ҳукукига эгадирлар.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида эркин юришга чекловлар белгиланган бўлса, фақат миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадларини кўзлаб муайян чекловлар қўлланилиши мумкин.

16-модда. Чет эл инвестицияларини суғурта қилиш

Инвестициялар ва чет эллик инвесторларнинг таваккалчилигини суғурта қилиш ихтиёрий равишда амалга оширилади.

Чет эллик инвесторлар мамлакатнинг ўз инвесторлари билан тенг равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний фаолият кўрсатаётган ҳар қандай суғурта ҳимояси ҳуқуқидан фойдаланадилар. Чет эл инвестицияларини сиёсий ва бошқа хавфлардан суғурта қилиш халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг экспорт кредит агентликлари, бошқа суғурта компаниялари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Чет эл инвестицияларини суғурта қилишни амалга оширувчи суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Давлат суғурта ташкилотларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, тарафларнинг келишувидан назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Чет эл инвестицияларини суғурта қилиш сиёсий ва бошқа хавфлардан, шу жумладан:

мулкнинг экспроприация қилинишини, шунингдек, мулкнинг олиб қўйилиши ёки бошқа шахсга ўтказилишига, мулк ёки у орқали олинадиган даромадлар устидан назорат қилиш имконияти йўқотилишига олиб келувчи ҳар қандай қонун чиқаришга оид ёки маъмурий чораларни;

чет эл валютасини мамлакатдан ташқарига ўтказишга чекловлар жорий этилишини;

қонун ҳужжатларига инвесторларнинг айрим гуруҳларига нисбатан камситиш тусидаги ўзгартишлар киритилишини;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва улар мансабдор шахсларининг инвесторларнинг шартномавий муносабатларига аралашувини;

урушлар, фуқароларнинг ғалаёнлари ёки бошқа шу каби ҳодисаларни;

чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари билан боғлиқ ўзга турдаги сиёсий ҳамда бошқа хавфларни ўз ичига олувчи хавфлардан суғурта ҳимояси ва кафолатларни таъминлайди.

17-модда. Мажбуриятларни таъминлаш

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг мол-мулки ва мулкый ҳуқуқларидан корхона зиммасидаги барча турдаги мажбуриятларини таъминлаш, шу жумладан заём маблағларини жалб қилиш кафолати сифатида фойдаланиши мумкин. Унинг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларига, шунингдек жойлашган ер участкалари билан биргаликда уй-жой биноларига бўлган мулк ҳуқуқи, бинолар, иншоотлар, ускуналарга бўлган мулкый ҳуқуқлари ҳамда бошқа ашёвий ҳуқуқларидан мажбуриятларнинг таъминоти сифатида фойдаланилиши мумкин.

Чет эллик инвестор ўзига мулк ҳуқуқида тегишли барча мол-мулки ва мулкый ҳуқуқларидан, уларнинг қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, ўз мажбуриятларининг таъмини сифатида фойдаланиши мумкин.

18-модда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан бир йил ичида ўз устав фондиди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирмаган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, белгиланган тартибда тугатилади. Шу билан бирга ўз устав фондиди белгиланган муддатда таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантира олмаган корхона уни амалда шакллантириб улгурган, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлмаган даражада камайитириши ёки ўзи бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга айлантирилиши мумкин. (ЎЗР 20.08.1999 й. 832-х-сон қонуни таҳриридаги қисм)

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона тугатилганида унинг активларига белгиланган тартибда солиқ солинади. Активларнинг қолган қисми, башарти таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қатнашчилари ўртасида уларнинг корхона мол-мулкидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Чет эллик инвестор чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонадан чиқиб кетган ёки бу корхона тугатилган тақдирда, корхона мол-мулкидаги ўз улуши пул ёки бозор баҳосига мувофиқ равишда товар шаклида қайтарилиши ҳуқуқини олади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қайта ташкил этилган ёки тугатилганда меҳнат шартномалари бекор бўлган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ кафолатланади.

19-модда. Чет эл инвестициялари бўйича давлат мажбуриятлари

Давлат, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари чет эл инвесторлари билан тузилган тегишли шартномаларда ўз зиммасига олган, ваколатлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган шахслар имзолаган мажбуриятлар бўйичагина жавоб берадилар.

Давлат чет эл инвестицияларини жалб этаётган Ўзбекистон Республикаси резидентларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, бундай мажбуриятлар қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан кафолатланган ҳоллар бундан мустасно.

20-модда. Чет эл инвестицияларини жалб этишни амалга оширувчи органларнинг вазифалари

Чет эл инвестицияларини жалб этиш, рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш мақсадида ҳукумат томонидан ваколат берилган орган, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек ҳукуматга қарашли бўлмаган манфаатдор ташкилотлар:

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятининг имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисида ахборот тайёрлайдилар ҳамда тарқатадилар;

потенциал инвесторларга фаолиятнинг юридик, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари бўйича маслаҳатлар берадилар ҳамда юзага келувчи масалаларни ҳал этишда зарур ёрдам кўрсатадилар;

чет эллик инвесторлар фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқадиладар;

чет эл инвестициялари масалалари бўйича халқаро муносабатларда ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўрадиладар;

чет эл инвестицияларини жалб этиш, рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишга қаратилган бошқа вазифаларни бажарадиладар.

21-модда. Чет эллик инвесторларнинг фаолияти устидан назорат қилиш бўйича давлат органларининг ваколатлари

Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши устидан назоратни солиқ органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ваколат берган бошқа давлат органлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида амалга оширадиладар.

Назорат қилувчи орган назорат вазифаларини амалга оширишда тижорат сири сақланишини таъминлаши шарт. Тижорат сирини ошкор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан таъқиб қилинади.

22-модда. Ўзаро зид қоидалар

Мазкур Қонуннинг қоидалари билан Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ўртасида бирон-бир номувофиқлик бўлган ҳолда, чет эллик инвесторлар учун бирмунча қулай бўлган қоидалар устувор кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. Каримов

Мавзуга оид қўшимча маълумот

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ 30.04.1998 й. Н 611-И

ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мазкур Қонунга ЎЗР 12.12.2003 й. 568-ИИ-сон Қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

- 1 - модда. Қонуннинг мақсади ва вазифалари
- 2 - модда. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
- 3 - модда. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари
- 4 - модда. Чет эллик инвесторларга бериладиган қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари
- 5 - модда. Давлат мулкига айлантиришдан кафолатлар. Реквизицияларни амалга ошириш шартлари
- 6 - модда. Маблағлардан фойдаланиш кафолатлари
- 7 - модда. Маблағларни ўтказиш кафолатлари
- 8 - модда. Инвестиция фаолияти тўхтатилиши муносабати билан чет эл инвестицияларини қайтариш кафолатлари
- 9 - модда. Очиқ ахборотдан эркин фойдалана олиш
- 10 - модда. Низоларни ҳал қилиш
- 11 - модда. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик
- 12 - модда. Ўзаро зид қоидалар
- 13 - модда. Қонуннинг илгари амалга оширилган инвестицияларга нисбатан қўлланиши

1-модда. Қонуннинг мақсади ва вазифалари

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестиция фаолиятини амалга ошираётган чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатларини ва уларни ҳимоя қилиш чораларини белгилайди.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш бўйича комплекс чораларни шакллантириш;

чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестицияларининг айрим тоифалари учун қўшимча кафолатлар бериш шарт-шароитларини ва уларни ҳимоя қилиш чораларини белгилаш.

2-модда. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатларини бериш ва уларни ҳимоя қилиш чораларини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун, Чет эл инвестициялари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари

Давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширувчи чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг амалга оширилиши таъминланишини ҳисобга олган ҳолда фуқаролиги, яшаш жойи, диний эътиқоди, иқтисодий фаолияти қаерда амалга оширилаётганлигига, шунингдек инвесторлар ёки инвестицияларнинг қайси мамлакатга мансублигига қараб чет эллик инвесторларнинг камситилишига йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатлари, шу жумладан идоравий норматив ҳужжатлар, агар уларнинг ижроси чет эллик инвесторга ёки чет эл инвестицияларига зарар етказса, улар орқага қайтиш кучига эга эмас.

Агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиради, унда чет эл инвестицияларига нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўлланилади. Чет эллик инвестор ўз хохишига кўра янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгадир.

Чет эл инвестициялари, аввало хусусий инвестициялар бўйича барча шартномалар, улар бажарилишининг қатъий кафолатларини таъминлаш борасида, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ваколат берган тегишли органларнинг назорати остида туради.

Давлат бошқарув органлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган ҳўжалик фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Давлат бошқарув органлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ўзларининг қонуний ваколатларидан фойдаланиш пайтида чет эллик инвестор қонун ҳужжатларини бузганлигини аниқласалар, улар фақат ваколатлари бўлган ҳамда муайян қоида бузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чораларнигина кўришлари мумкин. Давлат бошқарув органлари ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан

чет эллик инвесторнинг бошқа қонуний фаолиятига аралашаиш ёки фаолиятини чеклаб қўйиш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Ушбу модда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принципларига мувофиқ белгиланадиган, Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга бевосита боғлиқ бўлган қўшма ҳужжатларини қабул қилиш, уларга қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

4-модда. Чет эллик инвесторларга бериладиган қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари

Чет эллик инвесторларни ҳимоя қилишнинг умумий кафолатлари ва чоралари билан бир қаторда қонун ҳужжатларида қўшимча, шу жумладан шериклар томонидан чет эллик инвесторлар олдидаги ўз мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминловчи кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари назарда тутилиши мумкин.

Чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари ҳар бир муайян ҳолда, яъни:

барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётида илғор тузилмавий ўзгаришлар рўй беришини таъминловчи устувор тармоқларга инвестициялар киритилаётганда;

республиканинг экспорт имконияти мустаҳкамланиши ва кенгайишини, республика жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашувини таъминловчи устувор лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда;

амалга оширилиши хомашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган кичик тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда берилиши мумкин. (ЎзР 12.12.2003 й. 568-ИИ-сон Қонуни таҳриридаги хат боши)

Чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан кафолат беришни, инвестиция лойиҳаларини молиявий таъминлашда қўмаклашишни, махсус солиқ ва тўлов режими яратилишини, лойиҳалар рўёбга чиқарилишининг давлат мониторинги амалга оширилишини ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чораларни ўз ичига олиши мумкин.

Қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари чет эллик инвесторларга Ҳукуматнинг махсус қарорлари билан берилиб, уларда, хусусан, чет эл инвестицияларини киритиш, ишлатиш ва уларнинг ўрни қопланишини таъминлаш шартлари ва тартиби назарда тутилади.

5-модда. Давлат мулкига айлантиришдан кафолатлар. Реквизицияларни амалга ошириш шартлари

Ўзбекистон Республикасидаги чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторларнинг бошқа активлари давлат мулкига айлантирилмайди.

Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторларнинг бошқа активлари реквизиция қилинмайди, табиий офатлар, фалокатлар, эпидемиялар, эпизоотия ҳоллари бундан мустасно.

Реквизиция тўғрисидаги қарор:

кўрсатилган ҳоллардан келиб чиқувчи вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган инвестициялар ёки бошқа активларнинг энг кам миқдори чекланадиган;

камситилмайдиган асосда ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган;

етказилган зарарга монанд равишда тоvon тўланадиган реквизиция бўйича, талабларга риоя этилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул

қилинади. Давлат кўрсатиб ўтилган товон тўловлари ўз вақтида амалга оширилишига кафил бўлади.

Чет эллик инвестор суд ва ҳакамлик тартибида қуйдагилар бўйича, хусусан:
реквизицияни амалга ошириш учун қўлланаётган мақсаднинг қонунийлиги;
реквизиция миқдори;
реквизиция қилинадиган инвестициялар ва бошқа активлар баҳоси;
тўланиши керак бўлган товон тўловларининг мослиги;
реквизицияни амалга ошириш пайтида давлат бошқарув органлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари риоя қилган тартиб юзасидан баҳслашишга ҳақли.

6-модда. Маблағлардан фойдаланиш кафолатлари

Чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикасида олган даромадлари чет эллик инвесторнинг хоҳишига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реинвестиция қилиниши ёки бошқа ҳар қандай усулда ишлатилиши мумкин

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйдаги ҳуқуқларга эга;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек ундан ташқарида ҳар қандай валютада, ҳар қандай банкда ҳисобварақалар очиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш;

чет эл валютасида ссудалар олиш ва уни қайтариш.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ҳисобварақаларидаги маблағлардан фойдаланишни чеклаш ёхуд маблағларни мажбурий олиш давлат бошқарув органлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан фақат қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

7-модда. Маблағларни ўтказиш кафолатлари

Чет эллик инвесторларга чет эл валютасидаги пул маблағларини Ўзбекистон Республикасига ва ундан ташқарига, улар солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни Ўзбекистон Республикаси, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаши шарти билан, бирон-бир чеклашсиз эркин ўтказиш кафолатланади. Бундай ўтказишлар қуйдагиларни ўз ичига олади:

чет эл инвестицияларини сақлаб туриш ёхуд кўпайтириш учун бошланғич ва қўшимча суммаларни;

инвестицияларни амалга оширишдан тушган даромадларни;

етказилган зарарни қоплаш учун товон сифатида ушбу Қонунга мувофиқ олинган маблағларни;

шартномаларни ижро этиш тартибида амалга оширилган тўловларни;

чет эл инвестицияларининг ҳаммасини ёки бир қисмини сотишдан келган тушумни;

низони ҳал қилиш, шу жумладан суд ёки ҳакамликнинг ҳар қандай ҳал қилув қарори туфайли вужудга келувчи тўловларни;

ходимларга тўланадиган иш ҳақини ва бошқа тўловларни;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалардан олинган маблағларни.

Халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, давлат чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги ва банкротлиги ёки кредит берувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, чет эллик инвестор жисмоний шахс содир этган жиноий қилмиш ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолларида ёхуд суд ёки ҳакамликнинг ҳал қилув қарорига мувофиқ маблағларни ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туришнинг бошқа зарурати бўлганда чет эллик инвесторнинг маблағларини қонун ҳужжатларини камситмайдиган тарзда қўллаш шароитида ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туриши мумкин.

**8-модда. Инвестиция фаолияти тўхтатилиши
муносабати билан чет эл инвестицияларини
қайтариш кафолатлари**

Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиш ҳуқуқига эга. Чет эллик инвестор инвестиция фаолиятини тўхтатганидан кейин инвестиция фаолиятини тўхтатиш натижасида олинган ўз активларини, чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси ёхуд бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажариш учун зарар етказмаган ҳолда, пул ёхуд натура шаклида ўз мамлакатига эркин қайтариш ҳуқуқига эга.

**9-модда. Очик ахборотдан
эркин фойдалана олиш**

Чет эллик инвесторлар ўзларининг манфаатларига бирон-бир тарзда дахл қилувчи қонун ҳужжатлари, шу жумладан идоравий норматив ҳужжатлар, шунингдек суднинг ҳал қилув қарорларидан эркин фойдалана олишлари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда эса бундай ҳужжатлар эълон қилиниши шарт.

Давлат бошқарув органлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари чет эллик инвесторларнинг сўровларига кўра уларни қизиқтирган ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда беришлари шарт.

10-модда. Низоларни ҳал қилиш

Чет эл инвестициялари билан бевосита ёки билвосита боғлиқ низо (инвестицияга оид низо), тарафлар келишувига кўра, улар ўртасидаги маслаҳатлашувлар орқали ҳал этилиши мумкин. Агар тарафлар келишилган ҳал қилувга эриша олмасалар, бундай низо Ўзбекистон Республикасининг хўжалик суди томонидан ёхуд ҳакамлик воситасида инвестицияга оид низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартиботига мувофиқ ҳал этилиши лозим.

Инвестицияга оид низога жалб этилган тарафлар ўзаро келишувга кўра бундай низони кўриб чикувчи органни, шунингдек инвестицияга оид низо бўйича ҳакамлик судловини амалга оширувчи мамлакатни аниқлашлари мумкин.

Чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади, шартномада низоларни ҳал қилишнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ўзга тартиби назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

**11-модда. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг
кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари
тўғрисидаги қонун ҳужжатларини
бузганлик учун жавобгарлик**

Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, чет эллик инвестор етказилган зарар учун суд тартибида шунга монанд тонов олиш ҳуқуқига эга.

Давлат бошқарув органлари давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини камситувчи норматив ҳужжатлар қабул қилинган

тақдирда, шунингдек улар чет эллик инвесторларнинг хўжалик фаолиятига ғайриқонуний аралашган ҳолларда етказилган зарар шу органлар томонидан суд тартибида қопланади.

Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган давлат бошқарув органлари ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мансабдор шахслари белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

12-модда. Ўзаро зид қоидалар

Мазкур Қонуннинг қоидалари билан Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ўртасида бирон-бир номувофиқлик бўлган ҳолда, чет эллик инвесторлар учун бирмунча қулай бўлган қоидалар устувор кучга эга бўлади.

13-модда. Қонуннинг илгари амалга оширилган инвестицияларга нисбатан қўлланиши

Мазкур Қонун кучга киргунга қадар Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган чет эл инвестицияларига нисбатан, мазкур қонуннинг чет эллик инвесторга кўпроқ қулайлик яратиб берадиган қисмигина қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Мавзуга оид қўшимча маълумот

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 10-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда)

1-модда. Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Чет эл инвестицияларини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари чет эл инвестициялари тўғрисидаги, чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

инвестициялар — иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар;

инвестиция фаолияти — инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи;

инвестор — ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларни, мулк

бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни, шунингдек интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти объектларига инвестициялашни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти;

инвестиция фаолияти иштирокчиси — инвесторнинг буюртмаларни бажарувчи сифатида инвестиция фаолиятини таъминловчи инвестиция фаолияти субъекти;

реинвестициялар — инвесторнинг фаолияти натижасида олинган фойдани (даромадни) муомалага киритиш.

3-модда. Мўлжалланган объектига кўра инвестицияларнинг турлари

Инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўлинади.

Капитал инвестициялар жумласига асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Инновация инвестициялари жумласига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Ижтимоий инвестициялар жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

4-модда. Инвестицияларни амалга ошириш шакллари

Инвесторлар инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

юридик шахслар тузиш ёки уларнинг устав жамғармаларида (капиталларида) улушли иштирок этиш, шу жумладан мол-мулкни ёки акцияларни олиш;

қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини олиш;

концессияларни, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессияларни олиш;

мулк ҳуқуқини, шу жумладан улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жойларга мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга ҳамда бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳуқуқини қонун ҳужжатларига мувофиқ олиш.

Инвесторлар инвестицияларни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширишлари мумкин.

Инвестициялар бирламчи ёки такроран қўшиладиган шаклларининг ўзгартирилиши уларнинг инвестициялар сифатидаги даражасининг ўзгаришига олиб келмайди.

5-модда. Инвестиция ресурслари

Инвестиция ресурслари жумласига қуйидагилар киради:

пул ва бошқа молиявий маблағлар, шу жумладан кредитлар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;

кўчар ва кўчмас мол-мулк (бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа моддий бойликлар) ҳамда уларга доир ҳуқуқлар;

интеллектуал мулк объектлари, шу жумладан техникавий ҳужжатлар тарзида тузилган техникага, технологияга, тижоратга оид ва бошқа билимлар мажмуи, у ёки бу турдаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган билимлар ва ишлаб чиқариш тажрибаси, ноу-хау;

ерга ва бошқа табиий ресурсларга, бинолар, иншоотлар, ускуналарга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек мулк ҳуқуқидан келиб чиқувчи ашёвий ҳуқуқлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа бойликлар.

6-модда. Инвестиция фаолияти объектлари

Моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқариш объектлари инвестиция фаолиятининг объектларидир.

Барпо этилиши ва фойдаланилиши қонун ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талабларга жавоб бермайдиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган объектларга инвестиция киритиш тақиқланади.

7-модда. Инвестиция фаолиятининг субъектлари

Қуйидагилар инвестиция фаолиятининг субъектлари (инвесторлар ва иштирокчилар) бўлишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — фуқаролари (жисмоний шахслари), юридик шахслари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органлари;

хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва чет эллик юридик шахслар ҳамда фуқаролар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшовчи фуқаролари;

ҳамкорликда инвестиция фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек давлатлар ва халқаро ташкилотлар.

Инвесторлар қонун ҳужжатларига мувофиқ буюртмачи (маблағ киритувчи), кредитор, сотиб олувчи бўлишлари, шунингдек инвестиция фаолияти иштирокчиси вазифасини бажарувчи бўлишлари мумкин.

Инвестиция фаолиятининг иштирокчилари инвестор билан тузилган шартнома асосида инвесторнинг буюртмасини бажарувчи бўлишлари мумкин.

8-модда. Инвесторнинг ҳуқуқлари

Мулк шаклларида ва фаолият туридан қатъи назар, инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Инвестицияланиши ушбу Қонун ёки бошқа қонунлар билан чекланган ёхуд тақиқланган объектлардан ташқари, ҳар қандай объектга инвестициялар киритиш инвесторнинг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади ва қонун билан қўриқланади.

Инвестор инвестициялаш мақсади, йўналиши, тури ва ҳажмини мустақил равишда белгилайди, буни амалга ошириш учун шартнома асосида, қоида тариқасида, танлов (тендер) савдосини ўтказиш йўли билан юридик ва жисмоний шахсларни инвестиция фаолияти иштирокчилари сифатида жалб этади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестор инвестиция объектларига ва уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш, шунингдек реинвестиция қилиш ҳуқуқига эга.

Қонун ҳужжатларида белгиланган мулк ҳуқуқини қўлга киритишни келтириб чиқармайдиган объектларга инвестиция киритиш инвесторнинг кейинчалик бу объектларга эгалик қилиш, уларни оператив бошқариш ёки улардан фойдаланишдан олинадиган фойда (даромадлар)да иштирок этиш ҳуқуқини истисно этмайди.

Инвесторнинг қарорига биноан инвестиция объектларига ва уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Ҳуқуқларни бериш пайтида тарафларнинг ўзаро муносабатлари улар тузадиган шартномалар асосида тартибга солинади.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, инвестор, ўзига зарур бўлган мол-мулкни юридик ва жисмоний шахслардан ўзаро келишув асосида белгиланадиган нарх ва шартларда, ҳажми ва номенклатурасини чекламаган тарзда олишга ҳақли.

Инвестор қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9-модда. Инвесторнинг мажбуриятлари

Инвестор:

инвестиция лойиҳаларида санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талабларга риоя этилганлиги хусусида экспертиза ҳулосасини

олиши;

рақобат тўғрисидаги **қонун ҳужжатларининг** талабларига риоя этиши;

(9-модданинг биринчи қисми учинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2013 й., 1-сон, 1-модда)

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши;

(9-модданинг биринчи қисми тўртинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги ЎРҚ-197-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2008 й., 52-сон, 513-модда)

шартнома бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги туфайли инвестиция фаолияти иштирокчисига етказилган зарарни қоплаши;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларининг ўз ваколати доирасида қўйиладиган талабларини бажариши шарт.

Инвесторнинг зиммасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

10-модда. Инвестиция фаолияти иштирокчисининг ҳуқуқлари

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси қуйидагиларга ҳақли:

танлов (тендер) савдосининг иштирокчиси бўлиш;

инвесторлар билан уларнинг буюртмаларини бажариш учун шартномалар тузиш;

агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, инвестор олдидagi ўз мажбуриятини бажаришга бошқа шахсларни жалб этиш;

агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, инвестиция фаолияти объектининг ҳақиқий қийматини пасайтириш натижасида эришилган тежамни мустақил равишда тасарруф этиш.

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11-модда. Инвестиция фаолияти иштирокчисининг мажбуриятлари

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси:

қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар, қоидалар ва стандартларга риоя этиши;

шартномаларни ўз вақтида ва лозим даражада бажариши;

шартномани бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги туфайли инвесторга етказилган зарарни қоплаши;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларининг ўз ваколати доирасида қўйилган талабларини бажариши шарт.

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси лицензияланиши лозим бўлган фаолиятни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда лицензия олиши шарт.

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси зиммасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

12-модда. Инвестиция фаолияти субъектларининг ўзаро муносабатлари

Шартнома тузиш, шериклар ва кафилларни танлаш, мажбуриятларни белгилаш, шунингдек инвестиция фаолияти субъектлари ўзаро муносабатларининг бошқа шартлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

13-модда. Инвестиция фаолиятида нарх белгилаш

Инвестиция фаолияти жараёнида маҳсулот (ишлар, хизматлар) баҳоси, қоида тариқасида, танлов (тендер) савдоси натижаларига кўра, келишилган нархларда белгиланади.

Инвестиция фаолияти субъекти бозорда устун мавқени эгаллаган ҳолларда нархларни давлатнинг ваколатли органи қонунларга мувофиқ тартибга солади.

(13-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2013 й., 1-сон, 1-модда)

14-модда. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллар билан

амалга оширилади:

- инвестиция фаолиятининг қонунчилик негизини такомиллаштириш;
- солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табақалаштирувчи солиқ тизимини қўллаш;
- асосий фондларни жадал амортизация қилиш;
- нормалар, қоидалар ва стандартларни белгилаш;
- монополияга қарши чораларни қўллаш;
- кредит сиёсати ва нарх белгилаш сиёсатини ўтказиш;
- ерга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш;
- инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторингини юритиш.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилади.

15-модда. Марказлаштирилган инвестициялар

Давлат инвестиция фаолияти доирасида:

давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағи ҳисобидан тўғридан-тўғри молиялаш йўли билан амалга ошириладиган инвестиция;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция марказлаштирилган инвестиция ҳисобланади.

Марказлаштирилган инвестицияларни бошқариш давлат инвестициялари мақсадлари учун объектларни, инвестициялаш шарт-шароитларини белгилашдан ва улар билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этишдан иборат.

Марказлаштирилган инвестицияларни бошқариш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

16-модда. Марказлаштирилган инвестицияларни амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш

Марказлаштирилган инвестицияларни амалга ошириш бўйича қарорлар давлат органлари томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг истикболга мўлжалланган тахминлари, аниқ мақсадга мўлжалланган илмий-техник ва комплекс давлат дастурлари ҳамда ана шу инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқловчи техник-иқтисодий асослар негизида қабул қилинади.

Умумдавлат аҳамиятига молик бўлган аниқ мақсадга мўлжалланган комплекс давлат дастурларининг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси давлат бюджетидан молияланадиган инвестицияларнинг ҳажмларини тасдиқлайди.

17-модда. Марказлаштирилган инвестицияларни жойлаштириш

Марказлаштирилган инвестицияларни жойлаштириш, қоида тариқасида, давлат контракти асосида амалга оширилади.

Давлат контракти инвестиция фаолияти иштирокчисини — бажарувчини танлов (тендер) асосида саралаб олиш орқали тузилади. Бунда мазкур бажарувчи учун қонун ҳужжатларида муайян имтиёзлар белгилаб қўйилиши мумкин.

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш иштирокчиларига солиққа оид ва бошқа имтиёзлар берилади.

Ҳар бир алоҳида инвестиция лойиҳаси бўйича ёки умуман Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури бўйича бериладиган имтиёзларнинг аниқ рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

19-модда. Инвестиция лойиҳалари экспертизаси

Бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига, шунингдек чет эл инвестицияларини Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати кафолати остида жалб этилган ҳолда молияланадиган инвестиция лойиҳалари экспертизадан ўтказилиши шарт. Экспертизани ўтказиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди. Бошқа манбалар ҳисобига молияланадиган инвестиция лойиҳалари санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талаблар бажарилишига доир қисмида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилиши лозим.

Банкларнинг кредит ресурслари ҳисобидан молияланадиган кичик тадбиркорлик инвестиция лойиҳалари тижорат банки томонидан мазкур инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида экспертиза қилиниши лозим.

(19-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрдаги 568-III-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 18-модда)

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари шу шартномаларда назарда тутилган тартибда экспертиза қилиниши лозим.

20-модда. Инвестиция фондлари

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида тегишли инвестиция фондлари ташкил этилиши мумкин.

21-модда. Инвестиция фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари

Давлат инвестиция фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини кафолатлайди.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари инвестиция фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашшига ҳақли эмас.

Агар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари инвестиция фаолияти субъектларининг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқласалар, улар ваколатлари бўлган ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чораларни кўришлари мумкин. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан инвестиция фаолияти субъектларининг бошқа қонуний фаолиятига аралашшиш ёки фаолиятини чеклаб қўйиш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Ушбу модданинг қоидалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принципларига мувофиқ белгиланадиган, Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳавфсизлигини таъминлашга бевосита боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларини қабул қилиш, уларга қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

22-модда. Инвестицияларни ҳимоя қилиш

Давлат инвестициялар ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида инвестициялар ва инвесторларнинг бошқа активлари давлат мулкига айлантирилмайди.

Инвестициялар ва инвесторларнинг бошқа активлари реквизиция қилинмайди, табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотия ҳоллари ва бошқа фавқулодда ҳусусиятга эга бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Инвестицияларни реквизиция қилиш тўғрисидаги қарор:

ушбу модданинг **учинчи қисмида** кўрсатилган ҳоллардан келиб чиқувчи вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган инвестициялар ёки бошқа активларнинг энг кам миқдори чекланадиган;

камситилмайдиган асосда ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга

ошириладиган;

етказилган зарарга монанд равишда компенсация тўланадиган реквизиция бўйича талабларга риоя этилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади. Давлат кўрсатиб ўтилган компенсация тўловлари ўз вақтида амалга оширилишига кафил бўлади.

Инвестор Инвестицияларни реквизиция қилиш тўғрисидаги қарор юзасидан суд тартибда низолашишга ҳақли.

Инвестициялар суғурта қилиниши мумкин, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса суғурта қилиниши шарт.

23-модда. Маблағлардан фойдаланиш кафолатлари

Инвестиция фаолияти субъектининг инвестиция фаолияти натижасида олинган фойдаси (даромади) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангач, унинг хоҳишига кўра реинвестиция қилиниши ёки бошқа ҳар қандай усулда ишлатилиши мумкин.

(23-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги ЎРҚ-197-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2008 й., 52-сон, 513-модда)

Инвестиция фаолияти субъекти олган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, унинг мақсадли банк омонатлари, шунингдек олинган мол-мулк олиб қўйилган (реквизиция қилинган) ҳолларда улар қиймати ёки ижара тўловлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади (компенсация тўланади).

Инвестиция фаолияти субъектининг ҳисобварақларидан фойдаланишни чеклаб қўйиш ёки маблағларни мажбуран олиб қўйиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

24-модда. Инвестицияларнинг қўшимча кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари

Инвестицияларнинг қўшимча кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари ҳукумат томонидан кафолатлар беришни, инвестиция лойиҳаларини молиявий таъминлашда қўмаклашишни, махсус солиқ ва тўлов режими яратилишини, лойиҳалар амалга оширилишининг давлат мониторинги юритилишини ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чораларни ўз ичига олиши мумкин.

Инвестицияларнинг қўшимча кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари инвестиция фаолияти субъектларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан берилади.

25-модда. Очик ахборотдан эркин фойдалана олиш

Инвестиция фаолияти субъектларининг манфаатларига муайян тарзда дахлдор умум мажбурий тусдаги қонун ҳужжатларидан улар эркин фойдалана олишлари лозим.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органлари инвестиция фаолияти субъектларининг сўровларига кўра уларни қизиқтирган ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда беришлари шарт.

26-модда. Инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш

Инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш инвесторнинг, давлатнинг ваколатли органи ёки суднинг қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.

Инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор:

инвестор қонунда белгиланган тартибда банкрот деб эълон қилинган ёки топилган; фавқулодда вазиятлар юзага келган;

инвестиция фаолияти жараёнида қонун ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талаблар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланган ҳолларда қабул қилиниши мумкин»;

(26-модда иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги

ЎРҚ-59-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2006 й., 41-сон, 405-модда)

Тадбиркорлик субъекти фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тугатишга олиб келадиган инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш (фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда инвестиция фаолиятини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно) ёки тугатиш суд тартибида амалга оширилади.

(26-модда Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-59-сонли Қонуни асосида учинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2006 й., 41-сон, 405-модда)

Инвестиция фаолияти субъектига ушбу модда иккинчи қисмининг **учинчи хатбошисида** кўрсатилган ҳолларда етказилган зарарни қоплаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

27-модда. Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, инвестиция фаолиятининг субъекти етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

28-модда. Низоларни ҳал этиш

Инвестициялар билан боғлиқ низолар (инвестицияга оид низолар) суд томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент ш., 1998 йил 24 декабрь, 719-сон

Мавзуга оид қўшимча маълумот

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

2000 йил 26 май

ҚОНУНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 148-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1991 йил, №8, 182-модда; 1992 йил, №9, 335-модда) ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинмоқда).

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТЎҒРИСИДА

(янги таҳрири)

1-модда Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари

Ушбу Қонун иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, унинг иқтисодий суверенитети ва иқтисодий манфаатларини химоя қилиш, миллий иқтисодиёт ривожини рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

2-модда. Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ташқи иқтисодий фаолият

Ташқи иқтисодий фаолият деганда Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий давлатларнинг юридике ва жисмоний шахслари, шунингдек

халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, шуниндек Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган ва яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишлари мумкин.

4-модда. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий принциплари

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектларнинг тенглиги;
- савдо-иқтисодий муносабатларни амалга оширишда камситишларга йўл қўймаслик;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши.

5-модда. Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳисобланадилар.

6-модда. Ташқи иқтисодий фаолият объектлари

Олди-сотди ёки айрибошлаш объекти ҳисобланган товарлар (ишлар, хизматлар), ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан қимматбаҳо қоғозлар, валюталар ва валюта қимматликлари, электр, иссиқлик энергияси ва энергиянинг бошқа турларига, транспорт воситаларига, интеллектуал мулк объектларига (бундан кейин матнда-товарлар деб юритилади) нисбатан ташқи иқтисодий фаолият амалга оширилиши мумкин, ташқи иқтисодий фаолиятда фойдаланиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган товарлар бундан мустасно.

7-модда. Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари бундай фаолиятни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатлари доирасида ташқи иқтисоджий фаолиятда қатнашиш шакллари мустақил белгилаш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун ўз хоҳишига кўра бошқа юридик ва жисмоний шахсларни шартнома асосида белгиланган тартибда жалб қилиш;

ташқи иқтисодий фаолият натижаларига, шу жумладан миллий ва чет эл валютасидаги даромадга қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8-модда. Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг мажбуриятлари

Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари:

ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги ҳисоботни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этиши;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган товарларнинг Ўзбекистонда белгилаб қўйилган техникавий, фармакология, сантария, ветенария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни белгиланган тартибда тақдим этиши шарт.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

9-модда. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

ҳалқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик;

ташқи савдо фаолияти;

чет эл инвестицияларини жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти.

10-модда. Халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик

Халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик ишлаб чиқариш, банк ва суғурта фаолияти, таълим ва кадрларни тайёрлаш, туризм, соғлиқни сақлаш, илмий-техникавий, маданий, экология, гуманитар ва бошқа соҳаларда қонун ҳужжатларида белгиланган

тартибда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали алоқаларни рнатиш ва кенгайтиришга қаратилган ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишдир.

11-модда. Ташқи савдо фаолияти

Халқаро товарлар айрибошлаш соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти ташқи савдо фаолияти ҳисобланади.

Ташқи савдо фаолияти товарларни экспорт ва импорт қилиш йўли билан амалга оширилади.

Товарларнинг Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига, уларни қайта олиб кириш мажбуриятини олмасдан, олиб чиқиб кетилиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар белгиланмаган бўлса, экспорт деб эътироф этилади.

Товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига, уларни қайта олиб чиқиб кетиш мажбуриятини олмасдан, олиб кириш импорт деб эътироф этилади.

12-модда. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш

Чет эллик инвесторлар томонидан тадбиркорлик фаолияти объектларига ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг бошқа турларига киритилаётган моддий ва номоддий неъматларнинг барча турлари ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинadиган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестицияларини амалга ошириш шакллари ва тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

13-модда. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига моддий ва номоддий неъматларни ҳамда уларга бўлган ҳуқуқларни қўйиш билан боғлиқ ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳаракатларининг йиғиндиси Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

юримдик шахслар ташкил этиш ёки устав фондарида (капиталларида) улушбай асосда, шу жумладан мол-мулк ва акциялар сотиб олиш йўли билан қатнашиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ваколатхоналар, филиаллар ва бошқа алоҳида бўлинмалар таъсис этиш;

қимматбаҳо қоғозларни, шу жумладан хорижий давлатларнинг резидентлари томонидан тасдиқланган қарз мажбуриятларини сотиб олиш;

концессияларни, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, излаб топиш, қазиб олиш ёхуд уладан фойдаланишга мўлжалланган концессияларни қўлга киритиш;

мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга ҳамда бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти хорижий давлатнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

14-модда. Хорижий давлатларнинг ва улар юримдик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналари

Ўзбекистон Республикасидан хорижий давлатларнинг савдо-иқтисодий масалалар бўйича ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси тегишли хорижий давлатлар билан тузадиган халқаро шартномалар асосида таъсис этилади.

Ажнабий юримдик шахслар Ўзбекистон Республикаси Худудидаги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очишга ҳақлидирлар.

15-модда. Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатлари

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишини кафолатлайди.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқлари бузувчи ҳужжатлар қабул қилган тақдирда, уларга етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади.

16-модда. Ахборот олиш эркинлиги.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ўз ҳуқуқлари ва манфаатларига дахлдор бўлган ва махфий тусда бўлмаган ахборотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органларидан олишга ҳақлидир. Ахборотнинг махфийлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи ва умум мажбурий тусдаги қонун ҳужжатлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши ва ташқи иқтисодий фаолият субъектлари улардан эркин фойдалана олишлари шарт.

17-модда. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунчилик негизини шакллантириш ва такомиллаштириш;

валюта билан тартибга солиш;

солиқ билан тартибга солиш;

тариф ва нотариф тартибга солиш;

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига риоя этилиши учун ҳимоя, компенсация ва демпингга қарши чораларни қўллаш;

ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, шу жумладан миқдорий чекловлар ўрнатиш ҳамда товарларнинг айрим турлари экспорт ва импорт қилиниши устидан давлат монополиясини ўрнатиш;

қуро-яроғлар, Харбий техника, икки хилд мақсадда ишлатилиши мумкин бўлган товарлар ва технологияларга нисбатан экспорт назоратини ўрнатиш;

олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларни сертификатлаш;

техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларини белгилаш

ташқи Иқтисодий фаолият субъектлари учун преференция ва имтиёзлар бериш.

Ташқи Иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача усулларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

**18-модда Ташқи Иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ташқи иқтисодий фаолиятни риважлантириш стратегиясини ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий ҳавфсизлиги, иқтисодий мустақиллиги ва
Иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди

Ташқи Иқтисодий фаолият соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро
шартномаларини тузади

Ўзбекистон Республикасининг тулов балансини ишлаб чиқади

Чет элдан олинган кредитлар учун Ўзб.Республикаси Ҳукуматининг
кафолатларини беради

Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги мулкига эгалик қилади, ундан
фойдаланади ва ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади

**19-модда Ташқи Иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги
ваколатли давлат органлари.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий алоқалар Вазирлиги ташқи
Иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисоблада.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий алоқалар Вазирлиги

Ташқи Иқтисодий фаолият соҳасида давлат си.сати олиб борилишини, ташқи
Иқтисодий фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий
манфаатлари ҳимоя қилинишига доир вазифаларни бажарилишини таъминлайди

Ташқи Иқтисодий фаолиятнинг конунчилик негизи такомиллаштирилишига
доир таклифларни ишлаб чиқади.

Конун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида ташқи Иқтисодий
фаолият субъектлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва тартибга солиб туради,

Ташқи Иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқарув
органлари ишини мувофиқлаштиради

20-модда.Экспорт,импортни таъкиллаш ҳамда чеклаш

Ўзбекистон Республикасида конун ҳужжатлари билан товарлар

Экспорти,импортини тақиқлаш ҳамла чеклаш белгиланиши мумкин ва улар қуйидаги мақсадларни қўзлайди;

Миллий ҳафсизликни таъминлаш;

Фукаролар ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш,хайвонот ва ўсимлик дунесини ҳамда дунесини ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш;

ижтимоий ахлоқ-одобга ва ҳуқуқ-тартиботга риоя этиш;

Ўзбекистон Республикаси халқининг маданий меъросини сақлаш;

Маданий бойликларни ноқонуний олиб чиқиш,олиб киришга уларга бўлган мулк ҳуқуқларини бошқага ўтказишдан ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг тўлов балансини сақлаб туриш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш;

Тиклаб булмайдиган табиий ресурслар тугатилишининг олдини олиш;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш.

21-модда. Товарлар айрим турларининг экспорт ва импорни лицензиялаш ҳамда квоталаш

Товарларнинг айрим турларини экспорт ва импорт қилиш фақат уларни олиб кириш еки олиб чиқиш учун тегишли рухсатнома (лицензия) олинганидан кейин амалга оширилад.Товарлар айрим турларининг экспорти ва импортини амалга ошириш учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси айрим ваколат берган органлар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси айрим товарлар турларини экспорт ва импорт қилишга нисбатан миқдорий чекловлар(квоталар) белгилаши мумкин.

Квоталарни тақсимлаш, қоида тариқасидатанлов ёки ким ошди савдоси асосида амалга оширилади.

Экспорт ва импорт қилиниши лицензияланиши зарур бўлган товарлар айрим турларининг рўйхати, шунингдек лицензияларни бериш ва квоталарни тақсимлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

22-модда. Экспорт назорати

Қурол-яроғлар, ҳарбий техника, икки хил мақсадда ишлатилиши мумкин бўлган товарлар ва технологияларга нисбатан ташқи иқтисодий фаолият амалга оширилаётганда

Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек халқаро мажбуриятларга риоя этиш мақсадларида Ўзбекистон Республикасида экспорт назорати тизими амал қилади. Экспорт назоратига тушадиган ташқи иқтисодий фаолият объектларининг рўйхати шунингдек уларни олиб чиқиш ёқитранзит тарзида олиб ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг ҳамда ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш

Хорижий давлат томонидан Ўзбекистон Республикасининг ва ташқи Иқтисодий фаолият субъектларининг Иқтисодий манфаатларини бузувчи чоралар қалал қилинган тақдирда, шунингдек ушбу давлат халқаро шартномаларга қура Ўзбекистон Республикаси олдида қабул қилинган уз мажбуриятларини бажармаган тақдирда ,Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари принциплари мувофиқ ташқи Иқтисодий фаолият соҳасида жавоб чораларини қиритишга ҳақлидир.

24-модда. Ҳимоя чоралари

Агар бирор-бир товар ҳудуди шундай товарни ёки унга бевосита рақобат қилувчи товарни Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчиларига зара етказадиган ёки шундай зарар етказиш ҳавфини юзага келтирадиган миқдорларда ва (ёки) шундай шартлар асосида олиб қирилса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси халқаро ҳуқуқнинг уму эътироф этилган нормаларига мувофиқ шундай зара етказилиши ҳавфини олдини олиш ёки бундай зарарни бартараф этиш учун зарур бўладиган даражадаги ҳамда зарур бўладиган муддатдаги ҳимоя чораларини қўришга ҳақлидир.

Ҳимоя чораларини қўллаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

25-модда. Компенсация чоралари

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига бевосита ёки билвосита субсидияланган товарлар олиб қирилган тақдирда, агар ана шундай товарларни ёки унга бевосита рақобат қилуви товарларни ёки унга бевосита рақобат қилувчи товарларни ишлаб чиқарувчиларга зара етказса ёки зарар етказиш ҳавфини юзага келтирса ёхуд Ўзбекистон Республикасида ҳудди шундай товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва (ёки) қенгайтиришга тўсик бўлувчи шарт-шароитларни юзага келтирса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва принципларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига бундай товарларни олиб

кириш орқали етказилган зарани ёки зарар хавфини бартараф этиш учун компенсация чораларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Компенсация чораларини қўллаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

26-модда. Демпингга қарши чоралар

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига экспорт қилган мамлакатдаги реал баҳодан ва (ёки) экспорт қилиш пайтидаги ишлаб чиқариш баҳосидан кўра паст нархда товарлар олиб кирилган тақдирда, агар бундай олиб киришлар Ўзбекистон Республикасининг худда шундай товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва (ёки) кенгайтиришга тўсқинлик қилса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалдар ва принципларига мувофиқ демпингга қарши чораларни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Демпингга қарши чораларни қўллаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

27-модда. Олиб борилаётган товарларга қўйиладиган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария ва экология стандартлари ҳамда талаблари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган товарлар Ўзбекистон Республикасида белгиланган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария ва экология стандартлари ҳамда талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига:

ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган стандартлар талабларига мос келмайдиган;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда сертификати, маркировкаси ёки мувофиқлик белгисига эга бўлмаган товарларни олиб кириш тақиқланади.

28-модда. Эркин иқтисодий зоналар

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида эркин иқтисодий зоналар учун ташқи иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тартиби (божхона, валюта, солиқ ва бошқалар) ўрнатилиши мумкин бўлиб, у эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

29-модда. Эркин савдо

Ўзбекистон Республикаси божхона божлари, солиқлар ва уларга тенг кучга эга бўлган йиғимларни бекор қилишга, товарларни экспорт ва импорт қилишнинг миқдорий чекловларига, товарларнинг эркин ҳаракат қилиши йўлидаги бошқа тўсиқларни бекор

қилишга қаратилган эркин савдо тўғрисида хорижий давлатлар билан халқаро шартномалар тузиши мумкин.

30-модда. Низоларни ҳал қилиш

Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги шартномани амалга ошириш натижасида юзага келадиган низолар шартномада назарда тутилган тартибда ҳал қилинади. Шартномада низоларни ҳал қилишни тартибга солувчи қоидалар бўлмаган тақдирда, қўлланиладиган ҳуқуқ ва ҳал қилинадиган жой халқаро хусусий ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига мувофиқ белгиланади.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан низолари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

31-модда. Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Тавсия этиладиган адабиётлар Асосий адабиётлар

1. Бекмуродов А.Ш., Қориева Ё.К., Нематов И.У., Набиев Д.Х., Каттаев Н.Т. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2010.-196 бет
2. Вахобов А.Жумаев Н.Бурхонов У. Халқаро молия муносабатлари Шарқ нашриёти. Т-2003.
3. Бекмуродов А.Қорриева Ё. Нематов У. Хорижий инвестициялар.Иқтисодиёт.нашриёти. Т-2010.
4. Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “адабиёт жамғармаси” нашр., 2001.- 328б.
- 5.Вахобов А.Хожибакиев Ш.Мўминов Н.Хорижий инвестициялар Молия нашриётиТ-2010.
- 6.Ё.К.Қориева, И.У.Нематов, Н.Т.Каттаев. Хорижий инвестициялар. Таълим технологияси. – Т.: ТДИУ, 2010.- 154 б.
- 7.Ё.К.Қориева, И.У.Нематов, Н.Т.Каттаев. Хорижий инвестициялар. Ўқув-услубий мажмуа. -Т.: ТДИУ, 2010, 134 б.
- 8.Кожакхур В.М. Практикум по иностранным инвестициям. – М.: Дашков и К⁰, 2009. – 256 стр.
9. Қориева, И.У.Нематов “Хорижий инвестициялар” фани бўйича таълим технологияси. / “Иқтисодий таълимдаги ўқитиш технологияси” сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2008, 154-бет.
10. .Ё.К.Қориева, И.У.Нематов “Хорижий инвестициялар” ўқув предмети бўйича: ўқув-услубий мажмуа (бакалавриат босқичи талабалари учун) / “Иқтисодий таълимда ўқитиш технологиялари” Ўқув-услубий қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2008, 124-бет.
- 11.Ивасенко А.Г. Иностранные инвестиции. Учебное пособие. –М.: КНОРУС, 2010. – 272 стр.
- 12..Боди, Зви, Кейн, Алекс, Маркус, Алан. Принципы инвестиций, 4-е издание. Учебное пособие. –М.: Вильямс, 2010. — 984 стр.
- 13.Зубченко Л.А. Иностранные инвестиции. Учебное пособие. –М.: Книгодел, 2010. – 184 стр.

Қўшимча адабиётлар

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1.Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида: Қонун. 2005 йил 16 сентябрь //Халқ сўзи.-2005. №186-сентябрь -16.

2.Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. – Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги қонунлари. Т. 23 – Т.: Адолат, 2000.26.05.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Божхона тарифлар тўғрисида»ги қонуни

4.Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида».қонуни.2003-й.11-декабр. (Янги таҳрири)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар йили” Давлат Дастури тўғрисидаги ПҚ 805-сонли Қарори 2008 йил 29 февралда қабул қилинган.

4.Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Фармон. //Солиқ тўловчининг журнали.-2005.-№4.-4 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

5.Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида: Қарор 2004 йил 9 февраль //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами. – 2004.- № 6.

6.Қўшма корхоналар ташкил этишга хорижий инвестицияларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Қарор. 2002 йил 11 октябрь. 393-сон //Ўзбекистон Республикаси молиявий Қонунлар.-2003.-№12. 135 б.

7.Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. //Солиқлар ва божхона хабарлари. -2003. -21 (461)-16 май. -9 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

8.Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2006. 11 февраль.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи газетаси 2008 йил 9 феврал.

10.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, малакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 92 б.

11.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ислохотлар ва Инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштириш кенгашининг 2000 йил 12.февралдаги йиғилишида қилган маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, 2 февраль.

13.И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.–Т.: Ўзбекистон, 2011.–48 б.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011. – 377 б.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз-кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2013. – 178-325 б.

Илмий монографиялар, мақолалар

Ўзбекистон Республикасида чоп этилган

17.Назарова Г.Г. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув: тажриба ва амалиёт. ТДИУ,

2005. – 224 б.

18. Сирожиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана. Т. УМЭД, 2004. – 2001 с.

Россияда химоя қилинган

19. Ким Ю.Жонг Развитие инвестиционной деятельности иностранных компаний в современной экономике России. Диссертация доктора экономических наук. М.: МГУ, 2006. – 385 с.

Газета ва журналлар

20. Халқ сўзи.

21. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.

22. Бозор, пул ва кредит.

Статистик маълумотлар тўпламлари

23. Ўзбекистоннинг 2006 йилдаги ижтимоий–иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари. – Т.: Ўзбекистон, 2006. - 210 б.

24. Ўзбекистоннинг 2011-2012 йиллардаги ижтимоий–иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари. – Т.: Ўзбекистон, 2012.

Интернет сайтлар

25. www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо Вазирлигининг расмий сайти

26. www.omad.uz – Бизнес ривож учун ахборот портали

27. www.review.uz – “Экономическое обозрение” журнаlining расмий сайти

28. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали

29. www.eurasianews.com – ЕвроОсиё тадқиқотлар Марказининг расмий сайти

30. www.vip.lenta.ru – Интернет нашриёти

31. www.uzinfoinvest.uz - «Ўзахборотинвест» агентлигининг расмий сайти.